

84(0)-44
M 96

Махмуд ТОИР

Yangi she'rlar



Mahmud TOIR

Yangi she'rlar

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

ТОМ I

Махмуд

Янги
Шеърлар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент-2018

УЎК 821.512.133-3
КБК 84 (0)–44
М 96

Тоир, Маҳмуд.

Янги шеърлар – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 312 б.

Ушбу тўпلامга Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг кейинги йилларда ёзилган энг янги шеърлари жамланди. Асосан Ватанга, аёлга, фарзандга ва ҳаётга муҳаббат тараннум этилган бу шеърларни ўқир экансиз, ўз бахтию дардидан масрурлик ҳиссини туйётган инсон дилига ошно бўласиз. Содда, самимий сатрлардаги қуйма оҳанг сизни ўзига жалб этади, бир бахтиёр қўшиқ тинглагандай, юрагингизга бахт туйғуси “кўчиб ўтади”.

“Янги шеърлар” Сизга мамнун бўлади, деган умиддамиз, азиз китобхон!

УЎК 821.512.133-3
КБК 84 (0)–44

© Маҳмуд Тоир
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

ISBN 978-9943-03-986-5



ХУШ ТИЛАК

Қаро тун чиройи чироқ биландир,
Тунни ёритганлар хуш бахт бўлсинлар.
Азизлик йўлингта муштоқ биландир,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Хуш ният – кўнгилнинг тубидаги дур,
Табассум – юракнинг юзидаги нур.
Дийдор саодати бахш этсин сурур,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Офтоб – бу аслида ором чехраси,
Тангри дер: – Бисмиллоҳ калом чехраси.
Шунчалар гўзалми салом чехраси,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Отамдан қолгани иймон поклиги,
Онамнинг сийрати кўнгил хоклиги.
Сиздан йироқ бўлсин дилнинг чоклиги,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Меҳр – бу соғинчнинг меҳроби асли,
Дийдор гулобидир дилга дил васли.
Хазонлиғ кўрмасин муҳаббат фасли,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Балки кимга ёқиб, кимга ёқмасмиз,
Маҳмуд, банда биз-да, сутдай оқмасмиз.
Лек кимса йўлида асло чоқмасмиз,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.



СОҒИНЧ

Қайдасан, бодомгул, баҳор чечаги,
Қорларни қаритди қишнинг эртаги,
Дилларда бодрайди умид куртаги,
Ой бўлиб осмонда юз очгин, баҳор,
Кун бўлиб сен кўқда кўз очгин, баҳор.

Майсалар муроди бўйламоқ бўлса,
Ирмоқлар шўху шаън куйламоқ бўлса,
Болари бол билан сийламоқ бўлса,
Кел, гуллар тўшалган из очгин, баҳор,
Меҳру муҳаббатдан сўз очгин, баҳор.

Дарахтлар шоҳида соғинч сарғайди,
Ариқлар бўйида овунч мудрайди,
Сен қайда юрибсан, эрка қиз, дайди,
Ҳар кифтга бир чимдим нур сочгин, баҳор,
Ҳар кафтга бир ҳовуч дур сочгин, баҳор.

Кел энди, куртаклар инжулар сочсин,
Турналар кўклардан кулгулар сочсин,
Кўнгиллар кўшқини туйғулар очсин,
Муштоқ нигоҳларга йўл очгин, баҳор,
Дуогўй момомдек қўл очгин, баҳор.

Қувонч қўша келса кўзлар ёшланар,
Элнинг баракаси сендан бошланар,
Сени чорлайверар, сенга ташналар,
Жаннатий диёрга жамол бўл, баҳор,
Эзгу ниятларга камол бўл, баҳор.



ИБРАТ

Осмон яшар билсанг она Замин учун,
Дарёлар бор, уммоннинг ҳам бағри бутун,
Биз ким учун яшаяпмиз, айт, дунёда,
Кел, яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Сен ҳам отанг орзусидан туғилгансан,
Мен ҳам онам ёғдусига йўғрилганман,
Гар керилсам хурлигимдан керилганман,
Кел, яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Яхшиларнинг ёноғида кулган ойдай,
Тошга умр тилаб оққан битта сойдаи,
Яратгандан кенг феъл сўра Хотамтойдай,
Кел, яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Инсоф ойна, қўлга олиб қарадингми,
Бир ниҳолнинг пойига сув тарадингми,
Айт, бир бора эл корига ярадингми,
Кел, яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Олимлардан эл-юрт учун ҳикмат қолур,
Оқиллардан нур ёғилиб раҳмат қолур,
Мард йигитга боққан одам журъат олур,
Кел, яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Биз дунёга тинчлик тилаб турган миллат,
Ўзбек улуғ, Ўзбекистон буюк давлат,
Аҳли дунё биздан ҳали олур ибрат,
Кел, яшайлик Ватан учун, Ватан учун.



САВОЛДАГИ САВОБ

- Дил нимадир, аё дўст?
- Вужудга сиғмаган қуш.
- Бахт ҳақида не дейсан?
- Ўнгидан келмаган туш.

- Орзудаги оҳ нима?
- Мисли сап-сарик сомон.
- Қадамдаги чоҳ нима?
- Аввал ҳасад, сўнг гумон.

- Бағрингни тигладингми?
- Гуноҳ кўзгу тутганда.
- Тўкилиб йиғладингми?
- Содик дўст унутганда.

- Одам ўлмай ўлурми?
- Дил кўзи очилганда.
- Тупроқ тилло бўлурми?
- Қабрингга сочилганда.

- Гулни қалқитган қўшиқ?
- Булбулларнинг баёти.
- Нафисликда не афзал?
- Капалакнинг қаноти.

- Саволга савоб борми?
- Сўраган сиҳат бўлса.
- Жавобда гуноҳ борми?
- Қуруқ насиҳат бўлса...



ОДДИЙ ШЕЪР

Бу шеър жуда оддий, ташбеҳ изламанг,
Сўзларин кўнглимининг нурига қордим.
Унга қуёш ота, она бўлди тонг,
Ҳар ҳарфин шабнамга чайиб юбордим.

Бу шеър жуда оддий, онамдек содда,
Дуолардан томган сўзлар оҳанги.
Балки ўқисангиз қолгайдир ёдда,
Набирам кулгусин оппоқ жаранги.

Бу шеър жуда оддий, вафо вазнидек,
Тошига тарози қўйиб бўлмайди.
Ватан олдидаги виждон қарзидек –
Ўқийсан, шу шеърми, кўнглинг тўлмайди.

Бу шеър жуда оддий, буғдой бўйидек,
Чинорлар тагида жилмайиб турар.
Турғун Алиматнинг чалган куйидек,
Ўртаб ва ўртаниб ордан оҳ урар.

Бу шеър жуда оддий, умидбахш елдек,
Баҳор боғларидан мужда келтирар.
Қошида дуога очилган қўлдек,
Кундуз офтоб, тунда моҳтоб ўлтирар.

Бу шеъринг бир шарти – тигнинг дамида,
Дилнинг кўзи билан дилга борилар.
Бу шеър жуда оддий, булоқ сувида,
Ватан тупроғига лойи қорилар.



УМРИНИ ТИЛАНГ

Гўзалликнинг тимсоли аёл,
Айтмиш, бахтнинг висоли аёл,
Ҳам меҳрнинг жамоли аёл,
Демам унинг пойига қуланг,
Ҳақдан сўранг, умрини тиланг.

Сизу бизга тутгани вафо,
Сизу биздан кутгани вафо,
Аёлга ҳеч ярашмас жафо,
У онангиз, гапига унанг,
Ўғил бўлиб умрини тиланг.

У умримиз йўлидаги нур,
У қалбимиз тўридаги дур,
Тангри уни ҳур яратган, ҳур,
Сиз бошидан меҳрингиз эланг,
Фақат унинг умрини тиланг.

Кетмон тутса қўлидан олинг,
Тош кўрсангиз йўлидан олинг,
Ғами бўлса дилидан олинг,
Сингил бўлса бошини силанг,
Опангизнинг умрини тиланг.

Муҳаббатнинг меҳроби унда,
Оқибатнинг офтоби унда,
Садоқатнинг савоби унда,
Сиз Лайлида, Ширинда синанг,
Ошиқ бўлиб умрини тиланг.

Аёл – она, меҳри уммоним,
Аёл – опа, дардга дармоним,
Аёл – сингил, жоним, жаҳоним,
Энди майли, пойига қуланг,
Тиз чўкингда, умрини тиланг.





**БУЛБУЛИ
БЕДОР ЭКАН**

Бу олам ишқ аҳлига
Гул экан, гулзор экан.
Ғунчасин узай десам,
Булбули бедор экан.

Кўнгил-а, куйган кўнгил,
Кўрини қайга отай?
Бу ойни ололмадим,
Кун бўлиб қандоқ ботай?

Чеҳрангизда чимрилган,
Қошмиди, қабоқмиди?
Сизга бизнинг қадримиз,
Ердаги увоқмиди?

Жон гулим, жоним гулим,
Жилмайиб қўймадингиз.
Тил тиғи тиғдан ёмон,
Озорлаб тўймадингиз.

Сиз келар йўллар узун,
Тоши кўп, тошлоғи кўп.
Не учун севган қулнинг
Бошида тўқмоғи кўп.

Оҳимиз осмонининг
Ойи йўқ, офтоби йўқ.
Бир савол сиртмоқлади,
Бир умр жавоби йўқ.

Бу олам ишқ аҳлига
Гул экан, гулзор экан.
Ғунчасин узай десам,
Булбули бедор экан.





ЮРТИМ ТИМСОЛИ

Дунё майдонида юртим тимсоли,
Мунаввар рангингда Ватан жамоли,
Миллатим ғурури, элим камоли,
Кўзимга кўрк берган, кўксимда тоғим,
Азиз, муқаддассан, менинг байроғим.

Мовий, мангу осмон, оби-ҳаётсан,
Сен тинчлик рангисан, оппоқ баётсан,
Ям-яшил, навқирон, умид, нажотсан,
Аждодлар қонидан оққан ирмоғим,
Азиз, муқаддассан, менинг байроғим.

Ярим ой – хурлигим, бахтим, дилномам,
Ўн икки юлдузим қадим йилномам,
Навқирон ёшдаги ёруғ солномам,
Бошимда балқиган қадрим, қароғим,
Азиз, муқаддассан, менинг байроғим.

Сен Кубро кўксидан чиқмаган жонсан,
Сен Темур туғисан, абадий шонсан,
Ўзбегим қўлида улуғ имконсан,
Боболардан мерос сабрим, сабоғим,
Азиз, муқаддассан, менинг байроғим.

Ўғлону қизларинг шоним деб тутгай,
Қандоқ яшай, сени бошимда тутмай,
Нечун қувонмайин, нечун фахр этмай?
Эй ота маконим, она тупроғим,
Азиз, муқаддассан, менинг байроғим.



ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

Ҳақ савол – ҳақиқат сўзидаги нур,
Вале бу нур тиғдир, дил – тилим-тилим.
Иймонли одамда ўлмайди гурур,
Ўтмишингга бир боқ, ким эдинг, элим?

Хасчалик қадри йўқ бир инсон эдинг,
Дон сепган – нони йўқ бир деҳқон эдинг,
Боғ қилган – боли йўқ бир боғбон эдинг,
Кундуз нурдан йироқ, ким эдинг, элим?

Улуғ аждоди бор, хор халқ сен бўлдинг,
Қадри йўғ-у, ўзи бор халқ сен бўлдинг,
Инсоний меҳрга зор халқ сен бўлдинг,
Жон ўртар бу сўроқ, ким эдинг, элим?

Мустабид тузумнинг қирғин-бароти,
Бутун бир миллатнинг асрий фарёди,
Ҳамон мозийлардан келади доди,
Тили дилга тузоқ, ким эдинг, элим?

Оҳларинг Оллоҳга етган кун келди,
Ҳуррият Хумосин кутган кун келди,
Бахтинг қўлларингдан тутган кун келди,
То бўлгунча шундоқ, ким эдинг, элим?

Эл озод, юрт обод, улуғ имкон бу,
Олам ҳавас қилган – Ўзбекистон бу.
Тинчинг – саодатинг, оқил сарбон бу,
Ким эдигу, энди ким бўлдик, элим.

Тили бор, йўли бор, бир миллат бўлдик,
Ҳеч кимдан кам эмас, зўр қудрат бўлдик,
Озод Ватан бўлдик, ҳур давлат бўлдик,
Дунё чаманида гул бўлдик, элим,
Халқбўлдик, юрт бўлдик, эл бўлдик, элим!





НОН ЮРТИ ЎЗБЕКИСТОН

Аждоди авваллардан қолган доно фикр бор,
Сўзимиз аввалида шукур бордир, шукур бор.
Ризқимизнинг аввали бошоқлаган буғдойзор,
Ҳар хирмонда барака чироқ ёққан палласи,
Шу чироқлар чиройи Ўзбекистон ғалласи.

Эл учун ризқ яратсанг қадамингда кўр бўлгай,
Ҳалол тўкилган тернинг томчилари дур бўлгай,
Ғалланг бўлса, мўл бўлса, юзинг тўла нур бўлгай,
Кўшиқ айтсанг кўшилгай элу элат, ҳаммаси,
Новвотдайн наводир Ўзбекистон ғалласи.

Бир Тошкентмас нон шаҳри, нон юрти Ўзбекистон,
Султони саодатманд, шон юрти Ўзбекистон,
Эзгулик осмонида тонг юрти Ўзбекистон,
Тинчлигимиз тумори ҳар онанинг алласи,
Шода-шода шодликдир Ўзбекистон ғалласи.

Момолар моҳтобланар супрасини ёйсалар,
Болалар офтобланар ширмой нонга тўйсалар,
Дехқонбобо бу дамлар қувончга юз чайсалар,
Бундай бахтни беҳиштдан топиб бўлмас чамаси,
Жаннатга ҳам жамолдир Ўзбекистон ғалласи.

Бу Ватанда инсонни азиз тутмоқ одатдир,
Ҳар бир миллат хуш бунда, кўргани саодатдир,
Дунё тинчлигин сўрмоқ энг олий ибодатдир,
Нони бутун ўзбекнинг ҳеч кимдан йўқ таъмаси,
Ўзбекистон юзидир Ўзбекистон ғалласи.



АЖИНИЁЗ АРДОҒИ

Қорақалпоқ оқинлари оқил эл,
Ҳам эъзозу эҳтиромга доҳил эл.
Куйлаганда куйдиргувчи ҳам ўзи,
Сўйлаганда суйдиришга моҳир эл.

Бир юз тўқсон сўзида бир салмоқ бор,
Сўз билан ҳам бу дунёни олмоқ бор.
Ажиниёз оқиндайин сўз айтсанг,
Ҳикмат ила дил кўшида қолмоқ бор.

Мен Мўйноқнинг тупроғига тиз чўкай,
Ай бовурим, нондан олдин ер ўпай.
Ажиниёзу Бердақларни берган у,
Шундай элга дуоларда дил тўкай.

Улугликни Амусидан олган эл,
Кунботарда қуёш бўлиб қолган эл.
Қумдан қалъа қуриб бутун оламга
Элликқалъа доврўғини солган эл.

Бу дунёни ёшартирган сўз, маъни,
Ажиниёз ардоғи бу – эл шаъни!
Ўзбекистон бағридаги боғ бўлди,
Қадри баланд Қорақалпоқ Ватани.




ТОМГАН ТУЙГУЛАР

Мен тоғларга яқин келдим жуда ҳам,
Софлик садосини эшитдим аниқ.
Кўзим гавҳарида оппоқ чаманлар,
Тошлар ётар бунда тиллодан тиниқ.

Мен тоғларга яқин келдим, аё дўст,
Арчалар оҳанглар таратар бунда.
Булоқлар боладек бижирлаб ётар,
Адирлар аллалар айтган очунда.

Тоғлар туғишгандек яқиним бўлди,
Ўлан айтиб берди менга гиёҳлар.
Дардим териб олсин тошлар десангиз,
Тоққа бир бор келинг қалби сиёҳлар.

Туйғулар томдилар дилимдан ажиб,
Ҳайрат ҳавосидан симириб ичдим.
Тоғлар тупроғига бир дам тиз чўкиб,
Ўзимни топдим мен, ўзимдан кечдим.





МУАЛЛИМ

Маърифат дарёсин мироби – ул зот,
Кўнгил самосининг офтоби – ул зот,
Юз очган саволнинг жавоби – ул зот,
Тилидан бол томиб айтгувси ҳар ким,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Онамиздек меҳр билан хуш кўрган,
Ота бўлиб камолимиз туш кўрган,
Етти ўлчаб бир кесибон иш кўрган,
Боболардан мерос шарқона таълим,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Ҳикмат отлиғ дунёларга йўл очган,
Эзгу ишга, дуоларга қўл очган,
Беш олганнинг бошларидан гул сочган,
Уққан дилга англаторган сўз таъмин,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Ҳар устознинг изида минг ирмоқ бор,
Йўлларида сабот ёққан чироқ бор,
Айтсам яна, соғинч бордир, фироқ бор,
Ул ким, ахир, чўнг тоғларга менгзадим,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Улуғ эрур юрт эгасин матлаби,
Хўш, қайда бор Ўзбекистон мактаби,
Улар кирар бу мактабга нур каби,
Азал, абад талпинмаган нурга ким,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.



ЎЛАН

(Халқ оҳангида)

Ўлан айтсам айтдим-да,
Дардим бор-да байтимда.
Гар куйишни билмасанг
Не бор сенга қатимда?

Аччиқ сўзинг армонинг,
Ёндирмайди ёлғонинг.
Ёр, ўзингга аёндир,
Тошлар отиб толғонинг.

Ҳовва-ховва дейсанми,
Берсам ҳолва ейсанми,
Биттагина жонимни
Ёр, кафтингга қўйсамми?

Ошинг пишмас ошмиди,
Кўнглинг шунча тошмиди.
Ваҳ тўкилган дилимми,
Ё кўзларим ёшмиди?

Тилдан шундоқ томар дил,
Гулдан қандоқ тонар дил.
Ошиқлардан сўрангиз,
Қайси рангда қонар дил?

Ўлан айтсам айтдим-да,
Дардим бор-да байтимда.
Олам менга офтобдир,
Сени ўйлар пайтимда.



ИЗҲОР

Сен отамнинг отаси, сен онамнинг онаси,
Боламнинг дийдорида жонимнинг дурдонаси.
Пойингга тиз чўкмоқни келди бу кун хонаси,
Момомерос диёрим, бобомерос ор-у шаън,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Тонгда очган кўзимсан, шукур десам сўзимсан,
Пешонамнинг терида ҳалол топган тузимсан,
Аждодлардан авлодга қолган ёруғ изимсан,
Сен Навоий назмида сўздаги сўнмас гулхан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Озодсан-ки, элимнинг оромига туморсан,
Ободсан-ки, оламнинг нигоҳига хуморсан,
Сен боламнинг боласин боласига даркорсан,
Эй, боғлари баҳорни орзиқтирган гул, чаман,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Жонимдирсан қалбимда қалқиган саодатсан,
Бобом Темур туғида балқиган адолатсан.
Имом Бухорий деса, муслимга ибодатсан,
Эй, кўксимнинг кўкида оқ тилак, хушбўй суман,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Меҳрли эл муроди дунёга тинчлик эрур,
Султони оқил юртда дилларга сиғмас сурур,
Шул сабаб ҳаронимда минг шукур, минг бир ғурур,
Завол кўрма то абад, ярашмас гулга тикан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.



* * *

Ўтар кунинг ўтаверар сўрамайди,
Бошга тушган қорни биров курамайди,
Тош нурайди, пок ниятлар нурамайди,
Кетар йилнинг шукрини қил, кузатиб қол,
Янги йилга бағрингни оч, хуш кутиб ол.

Отанг борми, орзуларин ушатиб юр,
Онанг бўлса пойига гул тўшатиб юр,
Қадам боссанг Алпомишга ўхшатиб юр,
Ўтар йилда гар дилингда қолса савол,
Янги йилда сен янгротиб жавобин ол.

Эзгуликнинг меҳробидан йироқ бўлма,
Вале ўзинг хуш ниятга тузоқ бўлма.
Магар нурсан, кундуз ёнган чироқ бўлма,
Юз жилвада боқса ҳамки тунда ҳилол,
Янги йилда назарингни қуёшга сол.

Келгин гулга, ҳам райҳонга бўл ҳамнафас,
Ҳасадни қўй, дилинг тўла бўлсин ҳавас,
Ватан биздан вафо кутар, ваъдалармас,
Гар ҳамроҳинг илму ҳикмат, касби камол,
Янги йилда сеникидир бахту иқбол.



НИЯТ ҚИЛ

Аё дўст, давралар тўри ярашсин,
Вале сени дўстлар бир сўзда уқсин.
Ортингдан дуода қолиб қарашсин,
Ўйлаган яхшилар олдингдан чиқсин.

Агар ниятинг хуш, Худо хушлагай,
Ният қил, яхши кун кўнгилга сиғсин.
Ажабмас бармоғинг Ҳизр ушлагай,
Ҳизр ҳазратлари олдингдан чиқсин.

Бахтнинг беланчаги ҳар кун тебранмас,
Сенга бахтлиларнинг қувончи юқсин.
Армон армонликдан тонса ажабмас,
Ният қил, бахтлилар олдингдан чиқсин.

Бир келар, бир кетар умр йўлида,
Миллат оналари мардларни туғсин.
Рози бўл, жон берсанг марднинг қўлида,
Ҳақдан сўр, шу мардлар олдингдан чиқсин.





БАҲОРНИНГ КЕЛИШИ

Қушлар дарахтларнинг қулоғига азон айтар,
Еллар чўтир-чўтир юзларидан ўпиб қайтар.
Уйғонмаса қуёш нур билан тарсаки тортар,
Ана кейин кўринг-да, баҳорнинг келишини.

Ваҳ, куртаклар жилмаяр бешикдаги қизингдек,
Шафтоли шохи юлдуз, кўз тиндирар кўзингдек,
Шакаргуфторқалдирғочқуйларбирҳофизингдек,
Ана кейин кўринг-да, диллар сел бўлишини.

Лолалар ёққан гулхан қирларнинг қирмиз юзи,
Етти камалак ранги кўкдаги гуллар изи.
Қиқирлаган ҳар қумри кўкламнинг кўркам қизи,
Кўкламда кўринг-да, сиз кўзларнинг тинишини.

Капалакжон гулларга оҳ бир кунлик парвона,
Болари лабларида бол тутгувчи жонона,
Ҳар гиёҳ, ҳар жонзотда яратганга шукрона,
Кўкламда кўрмоқ қувонч тошда гул унишини.

Қўл-қўлга, кўзлар кўзга гул тутгувчи фасл бу,
Осмон ерга энтикиб нур тутгувчи фасл бу,
Маҳмуд шеърдан сизларга дур тутгувчи фасл бу,
Баҳорда кўрмоқ ҳузур шоир бек бўлишини.



ҲАМДАМ БЎЛАЙЛИК

Булутилар самода булоқлар жоми,
Ерни яшнатгайдир кўкнинг саломи,
Тиллардан тушмагай яхшилар номи,
Дил ичра ёқилган бир шам бўлайлик,
Ҳақ йўлда ҳар нафас ҳамдам бўлайлик.

Тонгда тиловатлар тошсин диллардан,
Тинчмиз, ҳаловатлар тошсин диллардан,
Шукримиз тушмасин асло тиллардан,
Ватан меҳробида бир жам бўлайлик,
Ҳақ йўлда ҳар нафас ҳамдам бўлайлик.

Экканинг эҳтимол кечроқ унгайдир,
Кўзларинг тўқ бўлса нафсинг кўнгайдир,
Бесабр қаҳрида пичоқ йўнгайдир,
Кўзларга кўрк берган кўклам бўлайлик,
Ҳақ йўлда ҳар нафас ҳамдам бўлайлик.

Тилло товланганда ким талпинмаган,
Соғларнинг қўлида сув чалпинмаган,
Терак қарс синганда тош силкинмаган,
Маҳмуд дер, биз аҳли карам бўлайлик,
Ҳақ йўлда ҳар нафас ҳамдам бўлайлик.



ЯЙРАЙСИЗ

Бир тилак талпинар дилдан тилимга,
Яхшилик қилсангиз яйрайсиз, дўстлар.
Дарёдиллик ёрдир танти элимга,
Яхшилик қилсангиз яйрайсиз, дўстлар.

Бойчечак тиланмас ҳеч кимса куздан,
Осмондаги ойни сўрашмас биздан,
Гадо балқиб кетсин сиз тутган туздан,
Яхшилик қилсангиз яйрайсиз, дўстлар.

Чиннисини чертиб сотади кулол,
Тонгни бизга тутиб ботади ҳилол,
Меҳмони мезбонга келмасин малол,
Яхшилик қилсангиз яйрайсиз, дўстлар.

Ораста остона ором бешиги,
Қуёшга очилмиш тонгнинг эшиги,
Тиллардан тушмагай бахтнинг қўшиғи,
Яхшилик қилсангиз яйрайсиз, дўстлар.

Жилмайган чехрадан жило қолади,
Кетсак биз кетамиз, дунё қолади,
Маҳмуддан шундай бир садо қолади,
Яхшилик қилсангиз яйрайсиз, дўстлар.



ДУНЁ ГЎЗАЛ

Орзу билан армоннинг
Орасида нима бор?
Кўринмайсиз, дилдорим,
Дилда жиндек гина бор.

Куз бизни кўзламасми,
Қиш бизни изламасми.
Гул очмай баҳоримиз
Бўтадек бўзламасми?

Чойнакка ҳам хуш ёқмас
Пиёланинг чегаси.
Сув сепилган ҳовлининг
Сувдек сулув эгаси.

Очилади дастурхон,
Ёпилади дастурхон.
Синдиrolса совчилар
Топилади бир жуфт нон.

Бўйлашсак дунё гўзал,
Тўйлашсак дунё гўзал.
Сизга мендек яхши йўқ,
Менга ҳам сиздан афзал.



МАЪРИФАТ ҚАСРИ

Бир тошда минг йилнинг битиклари бор,
Бир тошдан асрлар қилса ифтихор,
Нечун қувонмайин, айтмайин такрор,
Шундай бино қурар шоҳ Темур насли,
Маърифат қасри бу, маърифат қасри.

Тожмаҳал дунёнинг тожига арзир,
Битта Самарқандга ўн Париж назр,
Тошкент салобатин севмоқлик фарздир,
Ҳайрату ҳавасдан лол олам аҳли,
Маърифат қасри бу, маърифат қасри.

Сўз ичра қуёшдир Навоий номи,
Улуғбек тундаги нурнинг саломи,
Китобларда қолмиш ҳикмат каломи,
Аждодларга тортар авлодлар асли,
Маърифат қасри бу, маърифат қасри.

Ғурурдан йироқдир ғурбатда қолган,
Қандоқ фахр этгай ҳасратдан толган,
Олам ўзбеклардан кўп ибрат олган,
Бу қудрат онидир, яратмоқ фасли,
Маърифат қасри бу, маърифат қасри.



ҚЎШ ҚУВОНЧ

Мен олтмишнинг остонасида,
Сиз тўқсонни тутамладингиз.
Меҳрингизнинг кошонасида,
Она, фақат нур жамладингиз.

Дардларингиз балки уммондир,
Шукрингиз ҳам дарёларча бор.
Сизда қандай қудрат ниҳондир,
Сиз саҳрои сабрда чинор.

Сиз ҳалоллик туғини тутиб,
Ориятни осмон билдингиз.
Ғараз, ҳасад, кинни унутиб,
Армон кўксин тиғда тилдингиз.

Кўнглимизни гулдай асрабон,
Ҳам чайдингиз иймон нурига.
Ҳовучларим тўлдирдим ҳар тонг,
Сиздан олган дуо дурига.

Тўқсон минг бор таъзим қилсам кам,
Олтмиш минг бор тиз чўксам арзир.
Жоним онам, меҳрибонгинам,
Маҳмуд Сиздан тоабад қарздир.



ЎЗИНГ ҚЎЛЛА

Кимлар кириб, ким кирмаган боғдамиз,
Кимлар учун қадам етмас тоғдамиз.
Шу кунларга етказганга минг шукур,
Етмаганни тополмайин доғдамиз.

Оқил айтар ортингда бир из қолсин,
Эл алқаган ўғил қолсин, қиз қолсин.
Қучоғингга сиғмас дунё бойлиги,
Фарзандингга ҳалол топган туз қолсин.

Бу дунёнинг орзулари поёнсиз,
Тирик одам яшолмайди армонсиз.
Хуш тилакка йиғлаб етиб бўлмайди,
Шукур қилинг, сиз сафдасиз, омонсиз.

Жоним элим, тинчлик бўлсин йўлдошинг,
Туманларда толиқмасин қуёшинг.
Мен тошларни титратгунча куйлайин,
Ўзинг қўлла, мен ҳам сенинг қўлдошинг.





ТУПРОҚДАН ТАШҚАРИ

Заминнинг тумори муборак издир,
Бахтга етакласин босган қадамлар.
Тириклик дунёда энг ширин сўздир,
Тупроқдан ташқари юрган одамлар.

Шукурни сув мисол шимириб ичинг,
Онангизни асранг, болангиз қучинг.
Оқибат боғига бир ниҳол экинг,
Тупроқдан ташқари юрган одамлар.

Турнадек кўкламни йўқлаб яшангиз,
Куртак кулгусини илғаб яшангиз,
Омонсиз, бир-бирни алқаб яшангиз,
Тупроқдан ташқари юрган одамлар.

Гар кўнгил кўнгилга меҳр илинмас,
Жафо жилмаймагай, тошлар тилинмас,
Қадрсиз қаторда боринг билинмас,
Тупроқдан ташқари юрган одамлар.

Қайтиб ғунча бўлган гулни билмаймиз,
Бошдан Хумо ўтар йўлни билмаймиз,
Қайтмас йўлга чиқар кунни билмаймиз,
Тупроқдан ташқари юрган одамлар.

Омин денг, яхшига Ҳақ назар берсин,
Ёмондан ҳар дилга бир ҳазар берсин,
Маҳмудга шеър отлиқ бир кавсар берсин,
Тупроқдан ташқари юрган одамлар.



МЕН ТУҒИЛИБ ЎСГАН ЮРТ

Мен туғилиб ўсган юрт,
Тупроғи тиллодандир.
Жамоли жаннат монанд,
Зийнати зиёдандир.

Тилда минг шукур билан
Очдим кўнглим дафтарин.
Мен унга тумор қилай
Кўзларимнинг гавҳарин.

Майсасин қалам қилсам,
Шабнами сиёҳ бўлди.
Атиргул барги қоғоз,
Ой оқшом чироқ бўлди.

Тонгидан тоза тилак,
Дилга тўкилиб турди.
Илҳом чимматин чоки,
Бир-бир сўкилиб турди.

Булут келса бошимга,
Еллари суриб берди.
Қирқ сўздан биттасини
Булбули териб берди.

Чунки бу элнинг асли
Шоирдир ҳар боласи.
Момо Ерга шеър ўқир,
Қирда қалқиб лоласи.

Юрт ҳақида гапирсанг
Юрагинг йўлдош экан.
Азизларининг руҳи
Ҳар ишда қўлдош экан.

Тупроғига тиз чўкиб
Деманг, ривоят айтдим.
Паноҳингда асра деб,
Оллоҳга оят айтдим.





ЭЪТИРОФ

Миннатли мезбонга меҳмон бўлгандан,
Қадр қўрғонида қул бўлган яхши.
Ҳикмат бор, ёт элда осмон бўлгандан,
Ватан тупроғида қул бўлган яхши.

Тикондан асрасин деймиз Худойим,
Янтоқ еган қўйга тикон мулойим.
Қуёш ерда кўрмиш ўзин чиройин,
Тил топиб тиконга дил бўлган яхши.

Илдиз илтифоти чинорга бўйдир,
Тош топсанг иморат пойига қўйдир.
Туш кўрсанг таъбирин оқилга йўйдир,
Тўғри сўз қирқ ёрса қил бўлган яхши.

Дилга кўз бўлмайди ойдайин юзлар,
Куйган дил куймоқчи бўлганни излар,
Ҳавода хазондек сарғайса сўзлар,
Булбул бўлолмасанг гул бўлган яхши.

Жилгадек жилмайгин, ҳаёт уммондир,
Яхшига тош отсанг Тангри қалқондир,
Маҳмуд бил, қай дилга иймон посбондир,
Шу аҳли иймонга эл бўлган яхши.



ОР ҚИЛГАЙ

Тўзғиган хаёлин тутган бормикин,
Келмаслигин билиб кутган бормикин,
Бахтининг баҳридан ўтган бормикин,
Сирилган сирларни билгим келади,
Ёнтоқни йиғлатиб юлгим келади.

Юрагимда йиғлаб ётган қушим бор,
Қанотларин боғлаб ётган қушим бор,
Қаро тунни товлангирар тушим бор,
Бошим узра осмон оғиб чиқади,
Ёстиғимга ёмғир ёғиб чиқади.

Тил берсалар гулга тилмоч бўлгайман,
Йўл берсалар нурга тилмоч бўлгайман,
Олов сўранг, қўрга тилмоч бўлгайман,
Жоним ичра армон яшар ўкиниб,
Кўнглим билан кетгим келар тўкилиб.

Битта сатр бедор қилар тонггача,
Битта сатр бемор қилар тонггача,
Сўз етмаса жондан ўтиб қонгача,
Бу шоирдан оппоқ қоғоз ор қилгай,
Бу шоирни ўз қалами хор қилгай.



ОСМОН УЗОҚ

Осмон узоқ, ер қаттиқ,
Булут менинг бошимда.
Бунча курмак кўп экан
Суюб ичган ошимда.

Севгимга садоқатни
Самодан олмагандим.
Меҳримга мукофотни
Гадодан олмагандим.

Мен ойнаинг ўроғини
Камон ҳам қилганим йўқ.
Шаънимни шаъндек тутдим,
Ёмон ҳам қилганим йўқ.

Кипригидан ўқ отса,
Қаҳрига ҳам чидадим.
Юзида ой тутилса,
Заҳрига ҳам чидадим.

Осмон узоқ, ер қаттиқ,
Булут менинг бошимда.
Бунча курмак кўп экан
Суюб ичган ошимда.

Қарс ахир икки қўлнинг
Хуш чиққан жаранги-ку.
Муҳаббат икки дилнинг
Гул очган бир ранги-ку!



САБОҚ

Бир бор келар дунёга одам,
Келибдими, қандини урсин.
Аммо ҳайрон одамдан олам,
Кўрмаганнинг кўргани қурсин.

Нокас ёзган дастурхон йиғлар,
Нодон топган сохта шон йиғлар,
Ношуд эккан гул, райҳон йиғлар,
Кўрмаганнинг кўргани қурсин.

Сағир кўзда мудом ёш экан,
Миннатли ош мисли тош экан.
Заргар эмас, зар талош экан,
Кўрмаганнинг кўргани қурсин.

Кўнгил кўзи асли кўр бўлса,
Тилагига шайтон жўр бўлса,
Олтмишда ҳам одам ғўр бўлса,
Кўрмаганнинг кўргани қурсин.

Саодатнинг ўз сабоғи бор,
Тўғри сўзнинг ўт, чакмоғи бор,
Ҳар ҳикматнинг бир чироғи бор,
Кўрмаганнинг кўргани қурсин.



ДИЛ ИСТАГИ

Яхшилик булоқнинг кўзи аслида,
Ҳеч кимса шу сувга ташна ўтмасин.
Баридан бахт томган ҳикмат фаслида,
Инсон улуғликдан тойиб кетмасин.

Доғдан дод соларкан кўнгил ойнаси,
Сутдек оппоқмикан иймон сийнаси,
Малол келса ҳамки дўстнинг гинаси,
Инсон улуғликдан тойиб кетмасин.

Қошни қаро қилган қалам тугаркан,
Қувонч қувиб келса алам тугаркан,
Ҳаваснинг пойига ҳасад қуларкан,
Инсон улуғликдан тойиб кетмасин.

Отангдек улуғ зот паст кетса ёмон,
Гул тутиб келсанг-у, хас тутса ёмон,
Юз йил умр берсин, яшасин омон,
Инсон улуғликдан тойиб кетмасин.

Бу дунё беш кунлик беш бармоқ айтар,
Зар тўн ҳам йиртилгай зар ямоқ айтар,
Кўкдан ерга тушмай ҳар чақмоқ айтар,
Инсон улуғликдан тойиб кетмасин.

Бировнинг тўнида жисминг яйрамас,
Иззатсиз тилларда исминг яйрамас,
Қаҳр қўрғонида булбул сайрамас,
Инсон улуғликдан тойиб кетмасин!



АЪМОЛ

Ҳар кимнинг бор ўз қиёфаси,
Ичар суви, олар нафаси.
Туғён қилса дилга тор келар,
Шоирларнинг кўкрак қафаси.

Ҳар кимда ҳам орзу, армон бор,
Билмам қанча рост ва ёлгон бор.
Аммо айтсам шоир кўксида
Ҳеч кимда йўқ битта осмон бор.

Оқ тилаклар осмонидир у,
Булбулларнинг бўстонидир у.
Ўзи ерда, руҳи самода,
Ошиқларнинг посбонидир у.

Шоирларнинг шамоли бошқа,
Алам чекса аъмоли бошқа.
Сўздан келар савоб, гуноҳи,
Қиёматда саволи бошқа.





* * *

Мен излаган дарёлар,
Бунча мендан йироқсиз.
Мен излаган зиёлар,
Ўзга бошда чироқсиз.

Армон менинг остонам,
Ҳеч олислаб кетмайди.
Орзу эса бегонам
Баримдан ҳам тутмайди.

– Ёр дейсизми, – ёр қайда,
Кўчамни бир кўрмаган.
Тош қолмади ҳеч сойда
Мен кўксимга урмаган.

Нахот абад тўксам тер,
Аросат уммонида.
Ногоҳ дилим: – Мен бор, – дер –
Умрингнинг карвонида.

Боқсам не-не дарёлар,
Дилимда оқар экан.
Чироқларин зиёлар
Кўзимда ёқар экан.

Яратгандан хуш ният
Тилаб яшагин экан.
Кўксингдан самимият
Элаб яшагин экан.

Бобо Румий айтган у
Тилакни тутмоқ бўлсанг.
Қиёматда курмаксиз
Элакни тутмоқ бўлсанг,

Маҳмуд, иймон кўзгусин
Кўзингдан ахтаргайсан.
Ҳар тилакнинг эзгусин
Ўзингдан ахтаргайсан.





КҮНГИЛНИНГ ЁШИ

Ойнинг ўроғига илинган кўнгил,
Туҳматнинг тиғида тилинган кўнгил,
Қўй, энди бўзлама, тақдирга кўнгил,
Тошларнинг аввали тақдирнинг тоши,
Кўзёшнинг аввали кўнгилнинг ёши.

Бу дунё азалдан синоат-сирдир,
Ҳаёт уммонида кемамиз бирдир,
Ай кўнгил, ўзингдан ўзингни қидир,
Агар ким топмоққа етса бардоши,
Бошида порлагай иймон қуёши.

Ўзинг жисмимдаги шоҳу жаҳоним,
Ўзинг етти осмон, ўзинг зиңдоним,
Сен кимсан, ўзига-ўзи ҳайроним,
Умр не? Ризқ, обрў, мансаб талоши,
Тунга малол келар куннинг қароши.

Ҳар ким журъат билан кўзгу тутмагай,
Чунки кўзгудан ҳеч шафқат кутмагай,
Булбул – булбуллигин гул унутмагай,
Минг ирмоқ бир улуғ дарёнинг боши,
Тош – тошнинг, гул – гулнинг бўлгай сирдоши.

Саодат истасанг – саломни хуш қил,
Каромат истасанг – каломни хуш қил,
Кел, Маҳмуд, кўнгилнинг кўшқидан тушгил,
Ер учун яралган Ҳақнинг қуёши,
Дунё дардин ювсин кўнгилнинг ёши.



АСРАЛСА АСРАЙДИ

Ғурурдан йироқдир ғурбатда толган,
Айт, қандоқ қувонсин ҳасратда толган,
Қумдан қаср қураар ғийбатда толган,
Шукру қаноатнинг бешиги Ватан,
Бахту саодатнинг қўшиғи Ватан.

Қуёшга талпинган қўрин йўқотмас,
Кимки дўсти содиқ – жўрин йўқотмас,
Элки эътиборли – зўрин йўқотмас,
Майли, чимдим майса, бир ғиштдир Ватан,
Қадрига етганга беҳиштдир Ватан.

Оталар оридан яралган камон,
Оналар зоридан яралган қалқон,
Ва лекин Ватанга жон эрур посбон,
Асралса асрайди жонингни Ватан,
Отангдек шарафлар шонингни Ватан.

Орзулар буй чўзса, осмон қўл чўзар,
Идрокинг офтобинг, имкон қўл чўзар,
Оқил юрт яратар, номард эл бузар,
Қурсанг, кўз олгувчи дурингдир Ватан,
Юрсанг, изингдаги нурингдир Ватан.

Тиз чўксанг тизингдан тутгувчи – тупроқ,
Йўл юрсанг онангдек кутгувчи тупроқ,
Мангу болишингни тутгувчи тупроқ,
Ҳар сиқим тупроқнинг нақди Ватанда,
Инсонга ёр бўлгай бахти Ватанда.



ОТА КАСБ

Ота касб овозаси элдан элга ошаркан,
Ким уни ардоқласа дуоларда яшаркан,
Дил дилга-ю, гул гулга умр берса не ажаб,
Ўғлон, отанг ўлмаган, у сен билан ёшарган.

Жонингда жони бўлса, қонингда қони бордир,
Эл ичра юзинг ёруғ, шонингда шони бордир.
Ким иймон, эътиқодда собит яшаб келаркан,
Улуғларнинг руҳлари ҳамиша мададкордир.

Дехқон бўлса не ажаб, Момо Ернинг дилдоши,
Боғбонбўлсаминг шукур, ҳарниҳолнинг сирдоши.
Ким қурса қудрат берсин, ҳар бино юртга шараф,
Илму ҳикматли бўлса, дегай миллат қуёши.

Ота касб – ҳар авлоднинг адо бўлмас олтини,
Ҳалол меҳнат – Хумоси, ҳар ота зурёдини.
Қўллари гул эди-да, деса шукрим беҳисоб,
Майли, шоир демасин Маҳмуднинг авлодини.





АНГЛАШ

Одам англамайди буни дафъатан,
Ватанда очилур инсоннинг кўзи.
Уни елкасида кўтарар Ватан,
Сўнгги сафарга ҳам кузатар ўзи.

Йиллар йиғиндиси умр саналмас,
Яшамоқ Ватанни танишдир асли.
Фароғат фаслида инсон синалмас,
Машаққат меваси – одамзот насли.

Ҳар киши кетгайдир паймона тўлса,
Бешиқдан тобутга қадар йўли бор.
Аввал Ватан севар, чин дили бўлса,
Ватан қуриб яшар, агар қўли бор.





УМИД

Кўнглим кенглиklarин кездим, етмадим,
Юракни анордек эздим, отмадим,
Шайтон чорлаб толди, қўлин тутмадим,
Ўйласам, айтарга сўзим бор ҳали,
Қарасам, ўзимда ўзим бор ҳали.

Мен тошларни тўлғотмоқни истайман,
Карахтларни уйғотмоқни истайман,
Кимга нурдек, майли кимга туздайман,
Балқиган баҳорим, ёзим бор ҳали,
Садоси самовий созим бор ҳали.

Ҳаёт уммон бўлса, битта ғаввосман,
Топган сўзларимни қилдим пардозман,
Тиллашдим, диллашдим қалам, қоғозман,
Булбулнинг хатига борарман ҳали,
Қалбларнинг қатига борарман ҳали.

Майсада мурод бор тилин топганга,
Қирқ ёрмоқ мушкулмас қилин топганга,
Ҳаёт гулдек гўзал гулин топганга,
Сийратим сарғайтган савол бор ҳали,
Шукрки, умидбахш аъмол бор ҳали.

Мардлар майдон томон довлаб борурлар,
Шоирлар дил қушин овлаб борурлар,
Қудуқни игнада ковлаб борурлар,
Биз байтлар базмига чорлаймиз ҳали,
Кўнгиллар кўкида порлаймиз ҳали!



САВОЛ

Тўлганда тўқилгинг келмайдими, айт,
Соғинсанг юқингинг келмайдими, айт,
Дилдан ўқингинг келмайдими, айт
Мен кутган тунларнинг моҳтоби қайда,
Мен шитик тонларнинг офтоби қайда?

Орғун аримайди, армон аримас,
Ошикка азалдан ёлгон даримас,
Одам қаритайдир, шайтон қаримас,
Тупоҳ гуллаб турса, савоби қайда,
Шону шуҳратингнинг шароби қайда?

Саволдан саодат кутса бўлурми,
Тиғни тумордайин тутса бўлурми,
Дунёдан йигламай ўтса бўлурми,
Бўласанг дийданинг гулоби қайда,
Агар дарёдилсан, дил оби қайда?

Уммондан заррани излаб бўлурми,
Гул билан кўнгилини тиглаб бўлурми,
Жавобсиз саволдан кўнгила тўлурми,
Саркаш саволларнинг жавоби қайда,
Тақдири амалининг китоби қайда?!



ОҚИЛ ОДАМ

Мен кўксимни кўтардим аста,
Зиналарга чиқдим бирма-бир.
Ахир сенинг ҳавасинг хаста,
Сен дилингдан ҳасадни сидир.

Сен ўзингга раво кўрганни
Ўзгага ҳам илиндингми, айт?
Жафо чекиб, хаста турганни
Кўрганда бир шилиндингми, айт?

Тилаб олмас ҳеч ким ўз шонин,
Меҳр деган ерда ётмайди.
Оқил одам ўнг қўл эҳсонин
Чап қўлига сира айтмайди.





АЁЛГА БАХТ ТИЛАНГ

Диллари гўзаллар қариш билмагай,
Аёллар ёшини сўраманг ҳеч вақт.
Аёл бор, муҳаббат сўниш билмагай,
Аёлга бахт тиланг, бахт ва яна бахт.

Аёл – соғинчингиз садоси асли,
Аёл – тўрт фаслнинг жилоси асли,
Аёл – бу дунёнинг вафоси асли,
Аёлга бахт тиланг, бахт ва яна бахт.

Бешиқлар бошида отгувчи тонг у,
Эшиқлар зулфидан тортгувчи тонг у,
Эзгулик овози тинчликка бонг у,
Аёлга бахт тиланг, бахт ва яна бахт.

Она у – лутфидан тўкилар дуо,
Опа у – ҳам сингил нияти зиё.
Содиқ ёр – чин йўлдош, аҳдида вафо,
Аёлга бахт тиланг, бахт ва яна бахт.

Қизни-ку, кўнгилнинг қони демишлар,
Севишга ўргатар Зухро, Кумушлар,
Дарёдек тўлишлар, ўтдек ёнишлар,
Аёлга бахт тиланг, бахт ва яна бахт.

Аёл ҳур, аёл нур – дорулзамон бу,
Аёлга гул тутган бағри бўстон бу,
Ҳам озод, ҳам обод – Ўзбекистон бу,
Аёлга бахт тиланг, бахт ва яна бахт.



СЎЗ

Бунча оғир бўлмаса бу сўз,
Қовурғамни қарсиллатади.
Юрагимга ўт ташлар ёмон,
Кўзларимни чирсиллатади.

Гоҳ кўрқаман, қоғоз-қаламни,
Журъат қилмам қўлга олишга.
Хушим йўқдир бу оташ ичра,
Кул бўлишга, куйиб қолишга.

Ҳар бир сўзнинг ўз тури бордир,
Турфа сўзнинг турфа жаранги.
Дийдор сўзин садосига ҳеч
Ўхшамайди ҳижрон оҳанги.

Келинг, деган сўзни суйганлар,
Йўқол, сўзин ёқтирмайдилар.
Боларига кафтин тутганлар,
Чаёнга ҳеч чақтирмайдилар.

Севасизми, дегандан кўра,
Севаман, деб айтганлар бахтли.
Қарғиш олган шоҳлармас, йўқ-йўқ,
Дуо олган фақирлар тахтли.

Бунча оғир бўлмаса бу сўз,
Қовурғамни қарсиллатади.
Юрагимга ўт ташлар ёмон,
Кўзларимни чирсиллатади.

Она сўзи – сўзлар аълоси,
Ота сўзи – бошдаги тумор.
Вале улар бир сўзни хушлар,
Фарзандидан қилса ифтихор.

Инсон билар нон уволини,
Сўз уволин ўйламас гоҳи.
Билмайдики, сўздан яратган
Бу дунёни қодир Илоҳи.





ТОҒДА

Набирам Зиёдбекка

Булутлардан кўрқма, эй ўғлон,
Булутларнинг умри қисқадир.
Сен қаршингда тоғларга қара,
Мангуликка улар жуссадир.

Шамоллар ҳам ўтар лаҳзада,
Шамоллардан юзингни бурма.
Билсанг агар ўшал шамоллар,
Хув тоғларнинг кўзига сурма.

Бунда агар сен илғай олсанг,
Сукунатнинг садолари бор.
Кўзёшларин арчалар ичган,
Тоғлар тошин нидолари бор.

Бунда мушкул насиба топмоқ,
Яшамоқнинг шарти кўп оғир.
Кийикларнинг кўзларин ёши,
Қоплонларга бўлгайдир чоғир.

Тошни ёриб чиққан майсалар,
Муз остидан мўлтирайдилар.
Бунда қорлар қуритлаб кетиб,
Яратгандан нур тилайдилар.

Табиатнинг ўз қонунлари,
Тоғлар тошин ўйиб ёзилар.
Билсанг бунда назари тоза
Бургутлардир асил қозилар.

Демасман ҳеч тоғларга, ўғлон,
Оч бир назар, яроғ билан кел.
Агарда сен тоғларга келсанг,
Бургутга хос нигоҳ билан кел!





ҲАЙРОНЛИҒ

Толенинг ёрлиғи – кўздаги нурдир,
Хазон ҳайронлиғи – ўтган умрдир,
Юзнинг қаролиғи – бу не кўмирдир,
Бу дунё болини тотганлар қани,
Хазон болишида ётганлар қани?

Олимлар оламни олдим, дедилар,
Ночорлар кучлини золим, дедилар,
Беморлар ким сўрар ҳолим, дедилар,
Ор қилмай ҳар сафар олганлар қани,
Кўзлари йўлларда толганлар қани?

Дунёда кўнгилдан осмон нарса йўқ,
Аслида ваъдадан ёлғон нарса йўқ,
Саволни беришдан осон нарса йўқ,
Тилсимнинг томирин тилганлар қани,
Қилларни қирқ бўлак қилганлар қани?

Ҳар сўзни сўз ичра излаб олурман,
Бирин сен, бирини сизлаб олурман,
Бермаса, Тангрига бўзлаб олурман,
Дилларга кўз бўлиб келганлар қани,
Тилларга сўз бўлиб келганлар қани?

Тошларнинг тилини топганлар қайда,
Ойни этак билан ёпганлар қайда,
Гулни қилич билан чопганлар қайда,
Бир савол жавобин олдингми, Маҳмуд,
Жавобсиз саволдан толдингми, Маҳмуд?



ТИЛАК

Қуёшнинг юзида меҳр пардаси,
Момогулдирақлар кимнинг зардаси,
Шунчалар ширинми еллар хандаси,
Турналар қатида учгим келади,
Шабнамни шаробдек ичгим келади.

Ёронлар, бўйнимда тонгнинг тумори,
Гулдан ҳам гўзалмиш дилим дилдори,
Мени Биру Борнинг тутгай хумори,
Кул қилсин, қуёшни қучгим келади,
Мен нурни сувдайин ичгим келади.

Яхшилар ҳар йўлда чироқ бўлармиш,
Ёмоннинг ёстиғи янтоқ бўлармиш,
Тиконлар жисмида тирноқ бўлармиш,
Ойни дил тоқига илгим келади,
Тиконни юз мингга тилгим келади.

Бесабр бойликни ботмонлаб сўрар,
Сабрли мисқолни ботмондек кўрар,
Чидаганга чиқарган-да, жўралар,
Юлдузлар юзида юргим келади,
Капалак кўзида тургим келади.

Шоирман-да, шалоладек шошаман,
Тўлқинсиз ҳам дарёлардек тошаман,
Йўл юрмасдан доволардан ошаман,
Ҳар бир дилга қанот бўлгим келади,
Ҳар бир тилда баёт бўлгим келади.



* * *

Асрагил дил диёнатини,
Кечиргил дўст хиёнатини.
Неки эзгу қилиб улгургил,
Оллоҳ олмай омонатини.

Кўзи тўқнинг ўзи тўқ, ахир,
Кўзи очнинг юзи йўқ, ахир.
Гар кули йўқ олов истасанг,
Иймон дилда мангу чўғ, ахир.

Биз туғилган ўшал қутлуғ кун,
Биз кетар кун топгайдир якун.
Бу келганлар, кетганлар ичра
Топилмади дунёга устун.

Яшаш осон, қийин бўлса ҳам,
Топилмайди бундан кейин ҳам.
Устун эмас, улуғ бўлсин деб,
Инсон зотин яратган Эгам.





* * *

Дил бор экан, ёронлар,
Дилдорлар бегонамас.
Эр йигит орда турса,
Тулпорлар бегонамас.

Ҳақиқат ҳайқирмайди,
Тупроқларнинг тилидир.
Нигоҳи гапирганда
Япроқларнинг тилидир.

Осмон сира узокмас,
Кўнглида кўзи борга.
Ёр ҳам қаттиқлик қилмас,
Юрганда изи борга.

Умр деган дарёнинг
Уволида ким сузар?
Тепса тебранмас тошнинг
Хаёлини ким бузар?

Яхши сўз жон ипидек,
Дилни дилга боғлайди.
Ёмон сўзнинг ёди ҳам
Жисму жонинг тиғлайди.

Шеърият ҳам бир дарё,
Дил дардини аритар.
Маҳмудни ҳам шу дарё
Қирғоғида қаритар.



МУЛОҲАЗА

Очил дастурхон кутган
Осмондан кўз узмайди.
Иймонни устун тутган
Ёлғонга кўз сузмайди.

Ақлни ариқларда
Оққанини ким кўрган?
Қуёшни қаро тунда
Чиққанини ким кўрган?

Товонинг тош бўлса ҳам,
Тош тепмоқдан нима наф?
Икки дунё – яхши ўнг,
Ёмон доим сўл тараф.

Гар ўзингни ой билсанг,
Осмонингдан тушиб кўр.
Оқибат олов ёққан
Дошқозонда пишиб кўр.

Кўнгилнинг кўчасига
Кирган кўп-у, чиққан кам.
Бу дунё китобини
Ўқиган кўп, уққан кам.

Маҳмуд, шеърда насиҳат
Азал-абад ярашмас.
Дили гўзал одамлар,
Янтоқ ёнса қарашмас.



ОЗОД ЮРТДИР ЎЗБЕКИСТОН

Илк кўрганинг гулдир Ватан,
Илк кўрганинг нурдир Ватан.
Бу дунёни минг йил кезсанг,
Тоғиб бўлмас дурдир Ватан.

Озод элнинг овозаси,
Обод юртнинг андозаси,
Хуш ниятли дўст-ёр учун
Очиқ бу юрт дарбозаси.

Матонати бобо мерос,
Муҳаббати момо мерос.
Лутфин нури Навоийдан,
Марддир Амир Темурга хос.

Қуёш билан қариндош эл,
Маърифати бир қуёш эл.
Ўзбек деса, олам билар
Ҳам дарёдил, ҳам дилдош эл.

Боболари юздан ошиб,
Момолари юздан ошиб,
Яшайдилар тинчлик тилаб
Кафтларидан дуо тошиб.

Озод юртдир Ўзбекистон,
Обод юртдир Ўзбекистон.
Ҳам севгию садоқатдан
Бунёд юртдир, Ўзбекистон.



ОВ

Йиғлайверсанг кўзга ҳам
Ёш келмайин қоларкан.
Тикилганга тумор ҳам
Дош келмайин қоларкан.

Кўнгил отлиғ бу ҳамроҳ
Ҳар куни жўр сўрайди.
Ҳаётнинг дошқозони
Ҳар куни кўр сўрайди.

Орзунинг парвози зўр,
Имконнинг қаноти тош.
Етолмас йўлга чиқса,
Виждоннинг кўзида ёш.

Кўрпага қараб, ахир,
Оёқни узатгайлар.
Нияти букриларни
Қабрида тузатгайлар.

Сен ойни олисдан кўр,
Қуёшга сал қараб қўй.
Тоғдан баланд тоғ кўрсанг,
Ногаҳон чўзгайсан бўй.

Яхшининг ёри Худо,
Тоблансанг, товлангайсан.
Ниятсиз йўлга чиқсанг,
Қушдайин овлангайсан.



ДАРД

Шукрингда ибодат бор,
Сўзингдан нур таралгай.
Меҳрингда саодат бор,
Кўзингдан нур таралгай.

Кўнгилнинг кошонаси
Сеҳрдан яралгайдир.
Оқибат остонаси
Меҳрдан яралгайдир.

Муҳаббат меҳробида
Тиз чўкмоқнинг бахти бор.
Ошиқ дил офтобида
Яратганнинг тахти бор.

Гуноҳга йиғлай билмоқ
Мардлик мақомига хос.
Дил қонин шабнам қилмоқ
Ишқнинг аҳкомига хос.

Унутсанг, дард – дард эмас,
Дард жонда гуллаб турсин.
Бир дардки, илоҳий сас,
Умрингни тилаб турсин.



ВАТАНДА БЎЛУР

Кимни чорлар боғлар, кимни чўл иси,
Кимни мафтун этмас, майса, гул иси,
Баридан азиздир, билсанг, дил иси,
Дил мавжи дил тортар чаманда бўлур,
Дилбарлик, дилдорлик Ватанда бўлур.

Осмон офтоб билан чарақлар кунда,
Осмон моҳтоб билан гўзалдир тунда,
Вафосизга Ватан йўқдир очунда,
Жон асли жисмда, ҳар танда бўлур,
Эл берса эътибор Ватанда бўлур.

Булбул бедор бўлса гули эргашгай,
Мардлар йўлга чиқса эли эргашгай,
Туғишган ёттамас, юртга ярашгай,
Омад балки санда ё манда бўлур,
Шукур қил, у бизда – Ватанда бўлур.

Қошинга эгилиб келишин кутма,
Йўл кутган, гул кутган дилни унутма,
Меҳринг дариғ тутма, элни унутма,
Оқибат кўрганлар дилҳанда бўлур,
Эл бахти эл суйган Ватанда бўлур.

Ватан – йўлда ёнган умринг чироғи,
Ватан – дуо тутган дилнинг булоғи,
Севинмоқ сабоғи, севмоқ сабоғи,
Баҳорлар тарк этмас чаманда бўлур,
У – озод, у – обод Ватанда бўлур.



БУЛБУЛЛАР

Гулзорда гулхан бўлиб,
Бўзлайдилар булбуллар.
Бир ғунчадан бир назар
Излайдилар булбуллар.

Шамоллар шаддод бирам,
Боғларга кулгу сочар.
Булбулларга панд бериб,
Ғунчалар кўзин очар.

Булбулларнинг оҳидан
Гуллар лов-лов ёнади.
Шамолларда шарм йўқ,
Кимдир кимдан тонади.

Ғунчалар лабин очса,
Боларига бахт боқар.
Булбулларни бутоқда
Оҳ чақар, алам чақар.

Аслида бу, ёронлар,
Баҳорнинг каромати.
Шоирларга шеър берар,
Булбуллар надомати.



ХУШ УЙҒОНАР

Гўзаллар дил розини
Ноз билан ёқлагайлар.
Ошиқлар дил розини
Оҳ билан оқлагайлар.

Гўзаллар очилган гул,
Хуснига хумморалар.
Ошиқлар ошуфта кул,
Дил ба ёр бечоралар.

Гул ёнса, гулзор гўзал,
Талпинмоқ тиловатдир.
Дил ёнса, озор гўзал,
Оҳлари ибодатдир.

Севинмоқ саодати
Дийдорнинг дуридандир.
Кўнгилнинг каромати
Соғинчнинг нуридандир.

Бир боқмоқ ҳайратида
Кўнгил кўрга тўкилгай.
Ошиқнинг сийратида
Жон чокидан сўкилгай.

Жон чашмаси жон учун,
Томирларда тўлғонар.
Севганнинг бағри бутун,
Севилган хуш уйғонар.



БЕГОНАЛИК

Тупроқни дурдек тутсанг,
Осмон ўпар бошингни.
Ўғлон бўлсанг онангга
Кўрсатма кўзёшингни.

Нури йўқ орзулардан,
Ушалмас армон яхши.
Тиз чўккан олифтадан,
Тик турган деҳқон яхши.

Ҳасаднинг хуморини,
Ҳаваснинг тиғига тут.
Қаддингни бўйласалар,
Орият туғига тут.

Ёт йўлнинг чироғидан,
Туққан йўл тоши афзал.
Меҳмонга бахмал тахтдан,
Оқибат оши афзал.

Иймон, ишонч, муҳаббат,
Аҳли дониш дуридир.
Билиб босилган қадам,
Фаросатнинг нуридир.

Ой билан овворалик
Ердан йироқлаб қўяр.
Бегона ўт кўрганда,
Деҳқон ўроқлаб қўяр.



ОРЗУЛАРИМ

Мен боламнинг қувончини қучгим бор,
Райҳонларнинг ифोरини ичгим бор,
Тупроқларни ялангоёқ кечгим бор,
Орзуларим тиниқ сувдан тиниқдир.

Хаёлимда уммон билан юзлашдим,
Мен дилимда шабнам билан тиллашдим,
Музни ёриб бойчечак-ла гуллашдим,
Орзуларим тиниқ сувдан тиниқдир.

Набирамга новвот бердим тилимдан,
Боларилар бол олдилар гулимдан,
Минг йил юрсам ёмон чиқмас йўлимдан,
Орзуларим тиниқ сувдан тиниқдир.

Бир боғларки, тикони йўқ бағрида,
Бу не дилки, офтоб кулар қаҳрида,
Бу не чаён, шифо тутар захрида, .
Орзуларим тиниқ сувдан тиниқдир.

Қалдирғочлар кулгусида гул унса,
Бу не тошки, туйғусида дил унса,
Бу не зулмат, товбасида нур унса,
Орзуларим тиниқ сувдан тиниқдир.

Сўзлаганда сўзни сотиб олмасам,
Хуш нигоҳга кўзни сотиб олмасам,
Ўзлимга ўзни сотиб олмасам,
Орзуларим тиниқ сувдан тиниқдир.



ЙЎЛ

Бу дунёга йўлчи бўлиб келганмиз,
Бир кун йиғлаб, бир кун қувнаб кулганмиз,
Банда биз-да, тўкилмайин тўлганмиз,
Шайтон бор, Раҳмон ёр, дил бор экан-да,
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор экан-да.

Офтобни ҳам узиб яшаганлар бор,
Булутни тагига тўшаганлар бор,
Қаққайган қояга ўхшаганлар бор,
Тошга тош, гул учун гул бор экан-да,
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор экан-да.

Муҳаббат мевасин бешикка беланг,
Қувончни кўнгилда ундайин эланг,
Инсонсиз инсонга яхшилик тиланг,
Кўксига қўёлса қўл бор экан-да,
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор экан-да.

Тилансанг Тангрининг даргоҳи кенгдир,
Булбулсан, ҳар дилнинг гулбоғи кенгдир,
Иймоннинг, инсофнинг паноҳи кенгдир,
Йўл юрсанг чаман-у, чўл бор экан-да,
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор экан-да.

Бир сўзнинг бир дунё чироғи бордир,
Бир сўзнинг бир дунё гуноҳи бордир,
Ҳар дилнинг ҳар турли ҳамроҳи бордир,
Кимга ўнг, ким учун сўл бор экан-да,
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор экан-да.

Ай, Маҳмуд, офтобни оразингда кўр,
Офтобга ҳеч кимса тутолмагай тўр,
Шеър бўлса, зўр бўлар қалбингдаги кўр,
Оламда ўзбекдек эл бор экан-да,
Кўнгилдан кўнгилга йўл бор экан-да.





ТУРНАЛАРНИ СОҒИНДИМ

Етти кўкнинг дилдори,
Яхшиликнинг тумори,
Айтсин кўзимнинг зори,
Турналарни соғиндим.

Мен баҳорга беморман,
Кўзим кўкда бедорман,
Хуморман-ей, хуморман,
Турналарни соғиндим.

Осмондаги оқ тилак,
Дил учун дилдор керак,
Кўрсам дукиллар юрак,
Турналарни соғиндим.

Эй, сиз дўст-ёр, ошналар,
Борми мендек ташналар,
Кўрсам дийдам ёшланар,
Турналарни соғиндим.

Сафингизда сафо бор,
Сизда оппоқ вафо бор,
Осмон тўла наво бор,
Турналарни соғиндим.

Кўкдаги кўзмунчоқлар,
Жонимдаги чироқлар,
Маҳмуд сизни сўроқлар,
Турналарни соғиндим.



СУПЕР ЗИҚНАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

(Ҳазил)

Мен тошни сотаман олсангиз,
Ёмғирни ҳам сотгим келади.
Сиз текинга нафас олсангиз,
Ҳасад жоним тиғдек тилади.

Кўрганларим кўзимникидир,
Тутганим ҳам қўлимда қолса.
Бир мирисиз сув сўраса ким,
Бўзлаб-бўзлаб йўлимда қолса.

– Зиқналик ҳам эви билан-да,
Одаммисан, дея ётибсиз.
Билмайсизки, менинг кўчамдан
Пул тўламай ўтаётибсиз.





БАРКАМОЛ АВЛОД

Ёшлик ўзи шиддат дегани,
Кўксингдаги қудрат дегани,
Нияти нур аждодимиз бор,
Кўқдан тушмас ибрат дегани.

Биз ибратнинг изидаги нур,
Биз қудратнинг кўзидаги нур.
Ота макон, Она Ватанда
Озод халқнинг сўзидаги нур.

Биз баркамол, бахтга ёр авлод,
Хур, фаровон тахтга ёр авлод.
Ватан учун жонини тиккан
Қасамига, аҳдга ёр авлод.

Эзгуликнинг қаноти бизда,
Бахт сўзининг баёти бизда.
Ўзбекистон улуғлар юрти
Ҳазрат Темур саботи бизда.

Элак кўргай элнинг шеvasи,
Қурган одам қудрат эгаси.
Биз яратиб, яшнаган авлод
Гулдек азиз гулнинг меваси.

Биз баркамол бахтга ёр авлод,
Хур, фаровон тахтга ёр авлод.
Ватан учун жонини тиккан
Қасамига, аҳдга ёр авлод.



СЕНСИЗ

Муҳаммад ЮСУФ хотирасига

Баҳор баҳорлигин қилганда кўз-кўз,
Кўнгиллар кўзини очганда ҳайрат,
Ғариб юракларни қон қилар бир сўз,
Сенсиз Марҳаматга келдик, Муҳаммад.

Киндик қонинг томган муқаддас гўша,
Оқ биллак тераклар, оқ тилак ўша,
Соғинчлар қўшадир, армонлар қўша,
Сенсиз Марҳаматга келдик, Муҳаммад.

Биз кирдик, қабристон сукут самоси,
Шунда ҳам таралар онанг нидоси,
Эй сен, миллат аҳлин булбулгўёси,
Сенсиз Марҳаматга келдик, Муҳаммад.

Гул асли ҳам кўзни, қўлни яйратар,
Ҳақ сўз Ҳақдан келса дилни яйратар,
Чин шоир чиндан ҳам элни яйратар,
Сенсиз Марҳаматга келдик, Муҳаммад.

Муҳаммад, бу шеърни самода ёздим,
Билмайсан, ҳиқиллаб ҳавода ёздим,
Оят оромида, дуода ёздим,
Сенсиз Марҳаматга келдик, Муҳаммад.



ЎЗБЕКИСТОН

Нияти хуш инсоннинг боли тилидан томгай,
Ҳаваски ҳалол бўлса, дуо қўлидан томгай.
Қай юртки жаннатмонанд, нури гулидан томгай,
Тунларни товлантирган моҳтобим, Ўзбекистон,
Орият осмонида офтобим, Ўзбекистон.

Сен отамнинг даласи, онамнинг райҳонзори,
Қизларим чехрасидек бу дунёнинг гулзори,
Эй кўксим камалаги, эй дилимнинг дилдори,
Шукронам шарқиратган, шалолам Ўзбекистон,
Кўзларимнинг чамани, гуллолам Ўзбекистон.

Оламга оро берар озод элнинг сафоси,
Тонгларинг таровати, тинчлигимиз қиёси,
Сен умримиз зиёси, сен бахтимиз Хумоси,
Қадримдан сўз очсалар, қароғим Ўзбекистон,
Топинганим туморим, тупроғим Ўзбекистон.

Аждоди оқилларнинг бошида қуёш ботмас,
Авлоди орда собит, жон берар, Ватан сотмас,
Эл агар озод бўлса, нон, новвот миннат тотмас,
Баракаси боқий юрт, баҳорим Ўзбекистон,
Тўрт фаслда гул кулган, гулзорим Ўзбекистон.

Дардинг дунёча бўлди, дунёга бўйлағунча,
Бахт юзини кўрмадинг бу тўйда тўйлағунча,
Миллат тутдек тўкилди, хурлигинг куйлағунча,
Армони ортда қолган, озодим Ўзбекистон,
Орзуси ушалган халқ, ободим Ўзбекистон.

Кимлигидан ифтихор қилолган халқ ўзингсан,
Ким бўлганин бу олам билолган халқ ўзингсан,
Туғин дунё кўкига илолган халқ ўзингсан,
Тилагида тонг кулган офтобим, Ўзбекистон,
Ким бўлдинг дегувчига жавобим, Ўзбекистон.





ТУҲФА

Бу олқиш бол тутган боғбон учундир,
Дастурхон тумори, оқ нон учундир.
Оппоқ пахталарнинг орази айтар,
Бу олқиш пахтакор деҳқон учундир.

Асли ерда унар пахта дегани,
Билсанг терда унар пахта дегани.
У заҳмат меваси, меҳнат меваси,
Эпилмок керақдир уни тергани.

Ҳар эгат деҳқоннинг умр йўлидир,
Кўксиздаги тоғи қадок кўлидир.
Толаси товланган карвонига боқ,
Буюк Ипак Йўлин оппоқ гулидир.

Деҳқон томиридан таралган тола,
У оппоқ ниятдир, у оппоқ лола.
Ўзбек пахтасининг қиёси битта
Дунё кўлидаги чинни пиёла.

Зафарлар яйратар шоирларни ҳам,
Қўр тўкар, нур тўкар кўлида қалам.
Таъзим, тасаннода битган шу шеърим
Пахтакор элимга фарзандлик туҳфам.



АЖИНИЁЗ АРДОҒИ

Қорақалпоқ оқинлари оқил эл,
Ҳам эъзозу эҳтиромга доҳил эл.
Куйлаганда куйдиргувчи ҳам ўзи,
Сўйлаганда суйдиришга моҳир эл.

Бир юз тўқсон сўзида бир салмоқ бор,
Сўз билан ҳам бу дунёни олмоқ бор.
Ажиниёз оқиндайин сўз айтсанг,
Ҳикмат ила дил кўшида қолмоқ бор.

Мен Мўйноқнинг тупроғига тиз чўкай,
Ай бовурим, нондан олдин ер ўпай.
Ажиниёзу Бердақларни берган у,
Шундай элга дуоларда дил тўкай.

Улуғликни Амусидан олган эл,
Кунботарда қуёш бўлиб қолган эл.
Қумдан қалъа қуриб бутун оламга,
Элликқалъа доврўғини солган эл.

Бу дунёни ёшартирган сўз, маъни,
Ажиниёз ардоғи бу – эл шаъни!
Ўзбекистон бағридаги боғ бўлди,
Қадри баланд Қорақалпоқ Ватани.



МУҲАББАТДАН БОШҚАСИ ЁЛҒОН

Бу дунё ҳам асли ёронлар,
Ёлғонлару ҳасратдан толғон.
Бир сўз айтар дарди бор жонлар,
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон.

Билурмисиз, гуллар рангларни
Ошиқларнинг юзидан олғон.
Булбул бўзлар хуш оҳангларни,
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон.

Ёр кўйида беморлик бахти,
Бизга Одам Атодан қолғон.
Кўкдан тушмас Мажнуннинг тахти,
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон.

Ой юзидан аримас доғни,
Балки қуёш соғинчи солғон.
Юлдузлардан сўранг фироқни,
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон.

Ҳар кўнгилда битта хитоб бор,
Ҳар ким куйин ўзича чолғон.
Айтилган-ку, айтаман такрор,
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон.

Юз ёшда ҳам соғинган жонлар,
Ёр ёдидан мадорлар олғон.
Бир сўз учун беринг имконлар,
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон.



НАДИР

Қолган ишга қорлар ёғар билмайсан,
Дил оғриси орлар ёғар билмайсан.
Бир нокаста ишинг тушса, аё дўст,
Қалбинг бўзлар, юзда ногоҳ кулгайсан.

Бу дунёнинг мозорида дод надир,
Бу дунёнинг бозорида шод надир,
Қариндошдан қадр сўраб бўзласанг,
Етти ётдан нарисиди ёт надир?

Бу оламнинг остонаси қайдадир,
Бу оламнинг кошонаси қайдадир?
Валийлари юз йил йиғлаб етмаган,
Бандасининг парвонаси қайдадир?

Пойингдаги хасни кўзга илдингми,
Бахт боғидан бир туп ёнтоқ юлдингми?
Тикан деган тилдан кирса ёмондир,
Ўз жонингни ўз тиғингда тилдингми?

Кўп саволнинг кенгаши ҳам кўп бўлур,
Ҳар бир жумбоқ кўздан чиқмас чўп бўлур,
Маҳмуд, шеърда сўз айтмоқнинг шарти бор,
Ҳар яхши байт, умринг учун сеп бўлур.



КҮНГИЛ СҮРАНГ

Қор ёғса ҳам бошингизга,
Қалбингизни гулга ўранг.
Ёш қўшилсин ёшингизга,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Бу дунёда куйганлар кўп,
Кўзда ёшин тияр аранг.
Кўзингизга тушмасин чўп,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Она турар остонада,
Кўзлари тўрт, боши гаранг.
Топилса минг баҳонада,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Садоқатнинг сарвари ким,
Юзга тепар дилдаги ранг.
Сабр султон, жим туриб, жим,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Меҳр жуда арзон матоҳ,
Кимга юқмас тупроқдан чанг.
Майли, сиз оқ, дўстда гуноҳ,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Бир шоирга берса шараф,
Чапдан эмас, ўнгдан қаранг.
Сиз қуёшга, ойга қараб,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.



* * *

Денгизларнинг дунёсини
Бир балиқча кўрган борми?
Бир кўнгилнинг дуосини
Бир тарикча кўрган борми?

Баҳор деган битта сўзнинг,
Минг бир тухфа гуллари бор.
Кўролганга битта кўзнинг,
Минг бир турфа нурлари бор.

Муҳаббатнинг остонаси
Ҳар кўнгилнинг пойидадир.
Муҳаббатнинг кошонаси
Ҳар кўнгилнинг ойидадир.

Ойдан узиб олган доғни,
Билсанг ерда қадри йўқдир.
Кўрдингми, ҳеч севган соғни,
Кесак феълнинг марди йўқдир.

Ҳар майсанинг муродини,
Катта она – Ердан сўра.
Улуғликнинг имдодини,
Эл қўллаган эрдан сўра.



ЁМОН

Турмуш деганлари ташвиш тошидир,
Борга гул, йўқ учун кўзнинг ёшидир,
Тошни ҳам толдирган миннат ошидир,
Нокасинг нонига зор бўлмоқ ёмон,
Оппоқ кўнгил билан хор бўлмоқ ёмон.

Осмон ердан узоқ кўли қисқага,
Беҳишт тоғдан баланд йўли қисқага,
Ҳеч кунинг қолмасин, йўқ-йўқ, йўқсага,
Юздан кўра юрак чандиғи ёмон,
Одамнинг орсизи, тантиғи ёмон.

Чаён чақмоқ учун нишин нўш қилар,
Илон, кўйиб кўйсанг захрин кўш қилар,
Ётиб егувчилар қопин бўш қилар,
Тўкилган кўнгиллар тўлмаса ёмон,
Бир йиғлаган бир бор кулмаса ёмон.

Оқиллар оридан олмос яратар,
Сабрни иймонда толмас яратар,
Нигоҳин ҳам гулга, нурга қаратар,
Жаҳлнинг жон олар чақмоғи ёмон,
Кўзёшнинг беғуноҳ оқмоғи ёмон.

Чўкмаган ҳар кўнгил қадингга устун,
Бахтдан болиш ясар ҳар бағри бутун.
Ай Маҳмуд, олов бўл, қарғишдир тутун,
Шоирнинг хуш сўздан толмоғи ёмон,
Пишмаган олмани олмоғи ёмон.



ДУО

Жилғалар жилмайса дарё бўлади,
Қувонган кўзларда зиё бўлади,
Сўзнинг энг яхшиси дуо бўлади,
Дуони аввало отангдан олгин,
Олсанг, жони нисор онангдан олгин.

Демагин, дунёни дурдан яралган,
Яралса, хуш тилак, нурдан яралган,
Ай болам, гўзаллик гулдан яралган,
Сен кўнглинг кўшкини чамандан олгин,
Олсанг, офтоб юзли Ватандан олгин.

Соғинчнинг зоридан бошланар Ватан,
Йигитнинг оридан бошланар Ватан,
Алпомиш коридан бошланар Ватан,
Дуони юрт сўрган мардлардан олгин,
Изларин ибрати – гардлардан олгин.

Кўнглида қуёшга қўшилганлар бор,
Тош билан арқондек эшилганлар бор,
Илоҳо, бўлгайсан саодатга ёр,
Олсанг оларингни ҳавасдан олгин,
Оппоқ дил, ширин тил, нафасдан олгин.

Куйламоқ Оллоҳга бўзламоқ асли,
Ўйламоқ сукутда сўзламоқ асли,
Маҳмуд, ўйлаб сўзлар Навоий насли,
Шеърнинг шиврини сабодан олгин,
Дардинг дармонини наводан олгин.



ЯХШИ ЭКАН

Хуш суврату оқил одам,
Бу дунёнинг нақши экан.
Шундай инсон бўлиб ҳамдам,
Дўстинг бўлса яхши экан.

Қуёш куннинг кўзи асли,
Куртак кўклам сўзи асли,
Гўзал бўлса асли, насли,
Дўстинг бўлса яхши экан.

Соғинч – сукут садосидир,
Ҳам нигоҳлар нидосидир,
Содиқ дўст жон фидосидир,
Дўстинг бўлса яхши экан.

Иззат топсанг изингда гул,
Сиҳат топсанг сўзингда гул,
Хуш ниятда мисли булбул,
Дўстинг бўлса яхши экан.

Бўлмаса ҳам доврўқ, шони,
Асли шараф – пок виждони,
Гар беминнат бурда нони,
Дўстинг бўлса яхши экан.

Оқибатнинг сўнмас кўри,
Яхшилик бу – дилнинг нури,
Яхши дўстлар дунё дури,
Дўстинг бўлса яхши экан.



ЎЗЛИК

Мен оловдан яралганман, рост,
Томиримда тонглар отади.
Мен булбулга қўйганман ихлос,
Юрагимга қуёш ботади.

Мен сўзларни сотиб олмайман,
Илҳомимдан узилган гуллар.
Гар жўр бўлса куйлаб толмайман,
Иним бўлар менинг булбуллар.

Эй сиз, шоир савдойи деган,
Қорни билан куйлаган каслар.
Қултум майнинг гадойи деган,
Ҳиссиз, дардсиз, номард, нокаслар.

Райҳонларнинг юзини силаб,
Дилингиздан гул узганмисиз?
Бойчечакнинг умрини тилаб,
Дуолардан нур тизганмисиз?

Боқий бахтнинг бозори йўқдир,
Бу бергувчи, олгувчи дунё.
Айтсам, сўзнинг мозори йўқдир,
Тилагидан тонгувчи дунё.

Ўтган умр охи тўкилар,
Эрта ёзда тўкилган тутда.
Ҳақиқат-ку, майли букилар,
Адолатнинг эгаси битта.

Миллион сочининг бир толасини,
Борми, ахир, саробдан олган.
Маҳмуд, ҳаргиз дил ноласини,
Ватан дебон, тавофдан олган.

Мен оловдан яралганман, рост,
Томиримда тонглар отади.
Мен булбулга қўйганман ихлос,
Юрагимга қуёш ботади.





ҚУТЛОВ

Набирам Фазлиддинга

Завқнинг шакли бўлиб туғилган бола,
Бахтнинг жарангидек парвоз беради.
Йўрғакларин ёриб янграган нола
Оппоқ тилакларда овоз беради.

Эй сен, бу дунёнинг кўҳна қулфини
Жажжи қўлларида қоққувчи гўдак.
Ҳали биламай туриб яшаш урфини,
Чинқириб дунёга боққувчи гўдак.

Хуш келдинг ҳаётга, қадам муборак,
Киндик қонинг томди гўзал тупроққа.
Шукру тиловатда қилинар тилак,
Азонда айтилар исминг қулоққа.

Энди сен дунёда ашрафи аъло,
Тафаккур соҳиби, муборак зотсан.
Ўзи паноҳида асраса Худо,
Оқилсан, орифсан, одамий зотсан.





ВАТАН БЎЛСА

Ой билан олишганнинг
Юзига доғ тушармиш.
Юрт мардлари қуёшнинг
Қозонида пишармиш.

Ҳақиқат ҳикматини
Ҳаводан олиб бўлмас.
Дарз кетган ишонч билан
Ҳеч киши ғолиб бўлмас.

Қалқон ордан яралса,
Тиғнинг дами қирқилар.
Ниятингда наво бор,
Юрагингни нур тилар.

Барқарор бахтинг учун
Тинчликни тумор қилсанг.
Ярашгай набирангнинг
Кулгусин хумор қилсанг.

Армонни ортга отиб,
Орзунинг барин ушла.
Шукрингдан шарбат ичиб
Ҳурликда кўнгил хушла.

Маҳмуд, шеър офтобидан
Кўнгиллар чаман бўлса.
Гўзаллик кўчиб кетмас,
Кўнглингда Ватан бўлса.



МЕҲМОН ЯЙРАСИН

Ўзбек меҳмон кутса кўксин керади,
Ошни дамлаб қўяр, гуруч сайрасин.
Борин тўкиб солар, жонин беради,
Меҳмон яйраса бас, меҳмон яйрасин.

Аёлин тергайди, вазифа бисёр,
Ўннга қарасин-да, сўлга қарасин.
Дастурхон кўркидан қилсин ифтихор,
Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Жиззали, патир нон, гўштлиги ҳам бор,
Меҳрининг тафтида чойи қайнасин.
Исириқ тутатсин, қани кўзтумор,
Меҳмон яйраса бас, меҳмон яйрасин.

Паркент узумидан бўлган мусаллас,
Таъблари тортсалар, жиндек нўшласин.
Меҳмондўст ўзбекка ким қилмас ҳавас,
Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Эшикдан кирарда Маъмуржон ҳофиз,
Комилжон отадан қўшиқ янғрасин.
Қўлга сув қуйишни унутманг ҳаргиз,
Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Кетарда кўксида турар икки қўл,
Тўн ёпар, қувончга гўбор инмасин.
Ҳавас қилсанг жўра, ўзбеклардек бўл,
Меҳмон яйраса бас, меҳмон яйрасин.



КУЛГИЧИНГДА КУН КУЛАР

Гул тутсам гулдан гўзал,
Кулгичингда кун кулар.
Кун надур, меҳри азал
Ой оғриниб тун кулар.

Киприкларинг тизган тигга,
Жон нечун қалқон эмас.
Бундаин жонбахш ўқдан
Ҳеч қалқон толғон эмас.

Меҳрининг муродини
Ошиқ дил – осмон билар.
Шоир – дил баётини
Ҳам нуру гулдан тилар.

Мен сени гулим десам,
Гулзорлар тиланчидир.
Булбуллар жўр бўлишиб,
Тилагим таянчидир.

Офтоб ўз алангасин,
Тик келганда сочаркан.
Кўзлар кўзга тушганда
Ошиқлар сўз очаркан.

Меҳрининг чашмасидан
Дилим бир облансин, ёр.
Кўзинг карашмасида
Кўзим ҳам товлансин, ёр!



ВАТАН

Ҳар жон асли жондан бунёд бўлгайдир,
Насибамиз нондан бунёд бўлгайдир,
Қадр эса қондан бунёд бўлгайдир,
Қадр қароғимнинг гавҳари Ватан,
Субҳи ибодатим аввали Ватан.

Нигоҳим нидосин гуллари уққай,
Соғинчим садосин еллари уққай,
Майса не, тошларин тиллари уққай,
Илк сўзим, илк бўзим, тилмочим Ватан,
Илк нурим, илк дурим, гултожим Ватан.

У – отам, дуоси олтиндан аъло,
У – онам, дарёдил меҳрга маъно,
У – болам, ҳурликда чехраси зиё,
Жонимга чирмашган бир жондир Ватан,
Севишга ўргатган имондир Ватан.

Фасллари гўзал бири биридан,
Яшиллик аримас яйлов, қиридан,
Олам ороланар унинг нуридан,
Калимаи қадр – каломим Ватан,
Тинчлик тилагида – саломим Ватан.

Қуёш қатрасида куннинг қадри бор,
Ойнинг оромида туннинг қадри бор,
Шукур, бошимизда миллат марди бор,
Улуғ ниятларга имконсан, Ватан,
Кўксимни тоғ этган осмонсан, Ватан.



ҚАЛБ КЎЗИ

Дунёда кўзлар кўп, меҳру вафода
Оқиллар, орифлар, одиллар кўзи.
Қаҳру қабоғини қилар ифода,
Қосирлар, қотиллар, жоҳиллар кўзи.

Бир кўз бор, шубҳасиз поклик тимсоли,
Юзида нур ёнган болалар кўзи.
Қирларни қалқитган қувонч висоли,
Болалар кўзи бу – лолалар кўзи.

Оналар кўзининг офтоби ўзга,
Оталар кўзида дуо нури бор.
Опа-сингил десам, бол кирар сўзга,
Бу кўзлар тубида меҳр қўри бор.

Гўзаллар кўзлари бетимсол олам,
Боққанда одам не, офтоб энтикар.
Улар кулсалар ҳам, йиғласалар ҳам,
Чашми сиёҳидан фақат нур тўкар.

Вале кўзлар ичра энг соҳир нигоҳ,
Одамизот учун бу қалбнинг кўзи.
У ҳамиша уйғоқ, ҳамиша огоҳ,
Чунки ундан боқар Худонинг ўзи.



ЭЛЛИКҚАЛЪА СОҒИНЧИ

Ким хуш кўрмас, айтинг, ёронлар,
Сухбатида нур бор даврани.
Тупроғида минг йиллик шоғлар,
Соғингандик Элликқалъани.

Бу саҳролар, бу чўллар ичра,
Эл оридан тиклар қалъани.
Ҳар қалъада тиз чўкинг пича,
Соғингандик Элликқалъани.

Меҳридарё, фидойи жонлар,
Бўстон қилган бийдек далани.
Бунда яшар туғма мезбонлар,
Соғингандик Элликқалъани.

Бу ҳикматгўй қалъалар аро
Ким унутар юрган паллани.
Хуш ниятлар бўлғуси раво,
Соғингандик Элликқалъани.

Бошланг дўстлар, қутлуғ кун сабаб,
Мушоира, авжи яллани.
Шукур, дийдор бўлди мушарраф,
Соғингандик Элликқалъани.

Юракларга кўмилган шоир,
Кўнгилларда қурар қалъани.
Муҳаммаднинг руҳидек биз ҳам,
Соғингандик Элликқалъани.



ГҶЗАЛЛИК

Мен сени тингладим, гўзаллик,
Сўзларингни суртдим кўзимга.
Сен хилқатсан, мингта ғазаллик,
Мен тўзим тилайман ўзимга.

Сенга боқиб қумдек тўкилсам,
Кўзим тинар, тилдан қоламан.
Уят бўлар, ахир, ўкинсам,
Наҳот толсам, нурдан толаман?

Оҳ гўзаллик, сенинг юзингда
Мен заррадек гардни кўрмадим.
Водариғо, сенинг изингда
Тиз чўкмаган мардни кўрмадим.

Майли, яша, сўлма умрбод,
Ким хуш кўрмас зоҳирда кулсанг?
Вале айтсам, имонга нажот,
Мангу бахтдир ботинда бўлсанг.





БАҲОР СОҒИНЧИ

Мен кузнинг кўксидан хазон сидирдим,
Қишнинг кўзларини хушламоқ учун.
Қаҳратон бағрида музни ийдирдим,
Баҳор қўлларидан ушламоқ учун.

Соғинчлар сачради кўнглим кўзидан,
Хаёлим боғида гуллар очилди.
Баҳор иси келар шоир сўзидан,
Қаламим учидан атир сочилди.

Қорлар ҳам Тангрининг оппоқ тилаги,
Замин юрагини ювгани ёғар.
Аммо умид гули – баҳор чечаги,
Кўрсанг, учиб кетар кўксингдан доғлар.

Қишнинг оқ пардасин ортида баҳор,
Гулларни дасталаб дийдор кутади.
Асли бу дийдорга барча интизор,
Ўн саккиз минг олам баҳор кутади.





БИЛАДИ

Биздан баландроқда осмон туради,
Ундан юксакларда орзулар учар.
Кўклаган ҳар кўнгил хандон уради,
Бургутлар кўкларда ғурурин қучар.

Олисни кўзласанг, вужудинг нигоҳ,
Оёқлар остида ўраламайсан.
Тоғни елкасидан туширмас тупроқ,
Бургутсан, чумчуқни яраламайсан.

Умидинг кўнглингдан узилмас зинҳор,
Кўксинг самосида қуёш порлайди.
Интилсанг, ҳар ишда Ўзи мададкор,
Яшашга, курашга, олдга чорлайди.

Инсон тафаккурдан яралган тилсим,
Ақл тиғи билан тошни тилади.
Майли кўкда учсин ё ерда юрсин,
Тангри не билдирса, шуни билади.





ДИЙДОР НУРИ

Инсон юзин офтоб қилган,
Юрак қўри, дил сурури.
Ҳижрон сўзин сароб қилган,
Дийдор нури, дийдор нури.

Хушлаганни хумор кутган,
Соғинганни ким унутган,
Табассумга тумор тутган,
Дийдор нури, дийдор нури.

Отанг кутса ор йиғлайди,
Онанг кутса зор йиғлайди,
Изларингда бор, йиғлайди,
Дийдор нури, дийдор нури.

Бепарвонинг боғи бўлмас,
Ғурурсизнинг тоғи бўлмас,
Одам ўлар, соғинч ўлмас,
Дийдор нури, дийдор нури.

Ким хуш кўрар сўлган гулни,
Оҳи уммон, ёлғиз тулни,
Чўғлангирар ўчган кулни,
Дийдор нури, дийдор нури.

Қуёш кўрган кўздаги нур,
Кўришганда юздаги нур,
Хуш тилакда сўздаги нур,
Дийдор нури, дийдор нури.



ЁТ БЎЛМАСИН

Тили болли бўлсин одам,
Дилида ҳеч дод бўлмасин.
Содик дўсти бўлсин ҳар дам,
Яқинлари ёт бўлмасин.

Бу дунёга надир устун,
Қариндошга қадр устун,
Бахтлиларнинг бахти бутун,
Яқинлари ёт бўлмасин.

Орли бўлса одам асли,
Номард бўлмас, бўлмас қасдли,
Ёдда тутар етти насли,
Яқинлари ёт бўлмасин.

Сўраб борсанг сабоғи йўқ,
Тилиб борсанг тирноғи йўқ,
Йўқотганга увоғи йўқ,
Яқинлари ёт бўлмасин.

Ай, ётлардан ёри борлар,
Туғишгандан зори борлар,
Қиёматда дори борлар,
Яқинларинг ёт бўлмасин.

Сабр борки, садоси бор,
Жабр борки, жафоси бор,
Маҳмуд шеърин шифоси бор,
Яқинлари ёт бўлмасин.



БУ КҮЗЛАР

Эй сиз, дунё кошонасининг
Осмонида балқиб турганлар.
Эй сиз, дунё остонасининг,
Пойларида қалқиб турганлар.

Эйсиз, яшаш бахтидан масрур,
Бир имода ойни олганлар.
Эй сиз, яшаб, йўқотиб ғурур,
Яшашдан ҳам тўйиб, толганлар.

Икки дилнинг икки олами,
Икки дунё аросиндадир.
Иймон тутган дарднинг малҳами
Юракларнинг яросиндадир.

Бўзламоққа ҳожат йўқ энди,
Тупроққа тенг тўкилган сўзлар.
У худомас, банда-да, кўнди,
Кеч очилди фақат бу кўзлар.





РАЙҲОН ИСИ

Набирам Шукруллоҳга

Аждоддан ифтихор – қанчалар гўзал,
Авлоддан ифтихор – шунчалар гўзал,
Фарзандлар бахтимиз – у нури азал,
Теграмда қувончлар гир-гир елади,
Набирамдан райҳон иси келади.

Кўнглим-а, кўкларда этади парвоз,
Ушалган орзулар – қуёшга қиёс,
Чақалоқ йиғиси бу на хуш овоз,
Шукрим шалоласи тошни тилади,
Набирамдан райҳон иси келади.

Ойдин оқшомлардан тўкилган нурдек,
Кўнгиллар боғига экилган гулдек,
Беланчак бошига қўнган булбулдек,
Кўриб кўзларимда кўклам кулади,
Набирамдан райҳон иси келади.

Дунё табассуми ота юзида,
Олам овунчлари она сўзида,
Энди ҳаёт бордир босган изида,
Бири офтоб, бири ойдек тўлади,
Набирамдан райҳон иси келади.

Туморни тангрининг ўзидан тилаб,
Бобоси шеър битди умрини сўраб,
Улғайсин Ватаннинг корига яраб,
Эр йигитнинг бахти элда бўлади,
Набирамдан райҳон иси келади.



СИНОВ

Ойнинг юзидаги доғни сидирдим,
Кўнглим кўзидаги ёғни сидирдим,
Тонгга тумор бўлди бир тиниқ тунлар,
Ўзимдан ўзимни шундоқ қидирдим.

Тонгда мени йўқлаб еллар келдилар,
Сочимни силашга қўллар келдилар.
Қошимда онамнинг руҳи турарми,
Кўзларимдан тошиб селлар келдилар.

Синовга қурилган эканми ҳаёт,
Айт, овга қурилган эканми ҳаёт,
Шукрим шарбатидан сарҳушман бунча,
Синовнинг меваси билсанг, бу баёт.

Бошимдан ғийбатнинг тоғин сидирдим,
Хазондан йўлимнинг боғин сидирдим,
Мени йўқлаб келди ҳақиқат ҳорғин,
Умримнинг болалик чоғин қидирдим.

Оқилсан, орифсан, ўйлатар ҳаёт,
Ошиқсан, ором йўқ, куйлатар ҳаёт.
Илкингдан узмасанг покликни, Маҳмуд,
Кўзларга тик қараб сўйлатар ҳаёт.



УМР

Куз шафқатсиздир, ҳа, унда шафқат йўқ,
Буткул хазон қилар яшил оламни.
У умид кўкида сўнаётган чўғ,
Умрин ёдга солар ҳар бир одамни.

Демак боқий эмас, баҳор қувончи,
Ёзнинг ёндириблар сочган нурлари.
Осмоннинг оҳидек бўралар, қаранг,
Оппоқ сочли қишнинг оппоқ дурлари.





ШОНИМИЗ ШУ ВАТАНДИР

Тўрт фаслидан дил тўлган,
Ватан бизнинг Ватандир.
Тўрт фаслида нур кулган,
Чаман бизнинг Ватандир.

Қуёш билан қўшни эл
Бизнинг элдир, ёронлар.
Шукронадан диллар сел,
Бизнинг дилдир, ёронлар.

Айтсам, ердан осмон кенг,
Доғ ахтарсанг ойда бор.
Тупроғи тиллога тенг
Бундай Ватан қайда бор?

Кимки бўлса хуш матлаб,
Сочқи сочар ўзбеклар.
Дунёга тинчлик тилаб,
Эшик очар ўзбеклар.

Жондан жон бунёд бўлса,
Жонимиз шу Ватандир.
Шондан шон бунёд бўлса,
Шонимиз шу Ватандир.

Аждодининг ёдига
Чироқ ёққан элдир бу.
Авлодининг кўксига
Тумор таққан элдир бу.

Қилсақ арзир ифтихор,
Келди қутлуғ замонлар.
Дуосида тумор бор,
Бизнинг элдир, ёронлар.





ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқат, ҳақиқат, эй тоза хилқат,
Кўзим кўзгусида кўрдим мен сени.
Дилим ёғдусида кўрдим мен сени,
Бирам тиниқсанки, сен нурсан қат-қат,
Тонгим туйғусида кўрдим мен сени.

Ҳақиқат, ҳақиқат, эй тоза хилқат,
Бормисан, айт кимнинг осмонидасан?
Балки Қодирийнинг фиғонидасан,
Борлигин айтолмай қон ютган журъат,
Ўзбекнинг бой берган имконидасан.

Ҳақиқат, ҳақиқат, эй тоза хилқат,
Ушалган умидлар туғенидасан,
Қалдирғоч кўшк солган айвонидасан,
Сен хушнуд хабарсан, сен бахтга тилхат,
Адолат соҳибин фармонидасан.

Ҳақиқат, ҳақиқат, эй тоза хилқат,
Туташган кўзларда кулган офтобсан,
Тунда тонгни кутган ойдин моҳтобсан.
Сен асли ҳар дилда узилмас умид,
Ҳар ким ичолмаган зам-зами обсан.

Ҳақиқат, ҳақиқат, эй тоза хилқат...



ДАЪВАТ

Тонги тилакларда Тангри тумори,
Гулларнинг ифори – елларнинг ёри,
Айт, кимни тутмайди бу тонг хумори,
Агар тош бўлмасанг тўлғонганмисан,
Аё дўст, уйғон сен, уйғонганмисан?

Кўздан кўзга кўчар нурлар чамани,
Оҳ, тонги шабнамлар дурлар чамани,
Кимни мафтун этмас гуллар чамани,
Кўз тикиб, энтикиб, қувонганмисан,
Аё дўст, уйғон сен, уйғонганмисан?

Қумрилар соз тутиб қошингда турар,
Қалдирғоч айвонда, бошингда турар,
Болари гул ўпиб, қандини урар,
Олов бўлганмисан, ҳеч ёнганмисан,
Аё дўст, уйғон сен, уйғонганмисан?

Бараканинг боши тонгдан бошланар,
«Уйғон, болам», деган бонгдан бошланар,
Ҳалоллик кўнгилдан, онгдан бошланар,
Хуш бир ниятингга чўлғонганмисан,
Аё дўст, уйғон сен, уйғонганмисан?

Ўзгалар бахтидан баҳра олган эл,
Қувонгани кўрса, қувончлари сел,
Сени тонгдан сафга чорламоқда, кел,
Ўзинг ўзлигиндан ҳеч қонганмисан,
Аё дўст, уйғон сен, уйғонганмисан?



ОҲАНГ

Танбур чертилганда дил гапиради,
Қирқ мингта бўлиниб қил гапиради,
Турғун Алиматни эл гапиради,
Гапирса арзийди, қўли гул эди,
Ул зот булбул эди, дили гул эди.

Оҳанг нима ўзи, элнинг оҳими,
Куйиб куйдирғувчи дилнинг оҳими,
У гулнинг оҳими, кулнинг оҳими,
Турғун Алиматнинг оҳи бор эди,
Санъат самосида моҳи бор эди.

Созининг сеҳридан тошлар титрайди,
Киприкка жон осган ёшлар титрайди,
Куйга айланарди миллатнинг дарди,
Сўзда айтолмаган зори бор эди,
Орият оҳанги бешумор эди.

Майли «Сегоҳ», «Гиря», «Муножот» бўлсин,
«Чўли ироқ», «Куйгай» асрий дод бўлсин,
Бетакрор эди-да, руҳи шод бўлсин,
Бу қандай оҳангки, боли бор эди,
Тинглаган алифнинг доли бор эди.

Турғун Алиматни эл гапиради,
Боғдаги булбуллар, гул гапиради,
Тошлигидан тонган дил гапиради,
Турғун Алимат бир завқи жон эди,
Санъатдан топгани асил шон эди.



ВАТАН БУ

Қад қалқиса йигитнинг тикламоқ имконидир,
Ор билан яшаганлар орийат посбонидир,
Эл ўғлони азалдан жамиятнинг жонидир,
Тонгларида тинчликнинг сурури бор Ватан бу,
Мардларида миллатнинг ғурури бор Ватан бу.

Тинчлигини тутамлаб, жонида сақлаган эл,
Қадрияти, қадрини қонида сақлаган эл,
Бобомерос шонини оламда оқлаган эл,
Тонгларида тинчликнинг сурури бор Ватан бу,
Мардларида миллатнинг ғурури бор Ватан бу.

Адолат туғин тутган азизлар аждодидир,
Азизлар йўлин тутган элнинг ҳур авлодидир.
Эллар аро эзгулик дилдаги муродидир,
Тонгларида тинчликнинг сурури бор Ватан бу,
Мардларида миллатнинг ғурури бор Ватан бу.

Озодлиги кўксини осмонларга тенг қилган,
Ободлиги бағрини дунёларга кенг қилган,
Юртбошиси халқини тенглар ичра тенг қилган,
Тонгларида тинчликнинг сурури бор Ватан бу,
Мардларида миллатнинг ғурури бор Ватан бу.



ҲАВАС

Оламга сояни офтоб ёймайди,
Ҳасаднинг бетини шабнам чаймайди.
Ҳар дилда бир олам ҳавас бўлсайди,
Ҳавас бошқача-да, ҳавас бошқача.

Кўзгуга қўл тегса ғубори қолар,
Яхшининг изидан хумори қолар,
Кимда нима бўлса, шу бори қолар,
Ҳавас бошқача-да, ҳавас бошқача.

Чимдим нур оламга офтоб эмасдир,
Саркашлик саволга жавоб эмасдир.
Ҳеч ким ҳасадгўйдек каззоб эмасдир,
Ҳавас бошқача-да, ҳавас бошқача.

Олам томошага қурилган макон,
Бир елкангда Раҳмон, бирида шайтон.
Нафсингга қулдирсан, Сабрингга султон,
Ҳавас бошқача-да, ҳавас бошқача.

Тикилса тоғларни йиқар баъзилар,
Осмонга нарвонсиз чиқар баъзилар,
Нигоҳингдан ақлинг уқар баъзилар,
Ҳавас бошқача-да, ҳавас бошқача.

Тенгни тенги билан кўрсин бу дунё,
Кенгни кенги билан кўрсин бу дунё.
Маҳмуд, сендан нари ҳасад, кин, риё,
Ҳавас бошқача-да, ҳавас бошқача.



БУ ДУНЁ

Тикилган тош билан тиллаша олар,
Кимдир пусиб ётиб, қўлга тош олар,
Кимдир тош кўрмайин кўзга ёш олар,
Бу дунё ҳар жоннинг овворасидир,
Кимга ёр ва кимнинг бечорасидир.

Саодат эгаси бахтидан саркаш,
Кимга дийдор насиб, ёр ила дилкаш,
Кимдир бўзлаб ётар, чор-ночор яккаш,
Бу дунё бахтлининг бошида турар,
Ожизнинг кўзларин ёшида турар.

Орзу ҳар дамнингга ҳамроҳ бўлади,
Армон азобингга гувоҳ бўлади,
Аросат ҳам битта гуноҳ бўлади,
Бу дунё аросат аҳлин хушламас,
Чўксанг қўлларингдан асло ушламас.

Бу дунё бешафқат, турфа базми бор,
Надомат аталмиш нағма, назми бор,
Қарзи бўлса бир ўлимдан қарзи бор,
Бу дунё кузатиб куймаган дунё,
Бу дунё видога тўймаган дунё.



КУЙГАН ДИЛ

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Куйиб кетганми ул, сиқим кул кўрдик.
Мартаба, дедилар, келдию кетди,
Ўшал мартабани биз бир пул кўрдик.

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Куйиб куйдирганми, бир булбул кўрдик.
Ногоҳ боғ оралаб келар эди ул,
Биз гулнинг қўлида даста гул кўрдик.

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Мутлақ абгор эди, ситам, сил кўрдик.
Қалб кўзинг кўрмаса дунё тангу тор,
Кўнгилга сиғмаган ажиб қил кўрдик.

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Чехрами ё офтоб, нур – буткул кўрдик.
Бу иймон нуридир, дедилар бизга,
Ўзи синиқ эди, Ҳаққа кул кўрдик.





КОР

Тилак тоза бўлса тошга кор қилар,
Қалам тим қародир, қошга кор қилар.
Меҳрки, кўнгилдан узилмай чиқса,
Кўздаги шашқатор ёшга кор қилар.

Оқибат умримиз изидаги гул,
Мурувват кўнглимиз кўзидаги гул.
Яхшилик коридан ким мурод топса,
Дунёга табассум сўзидаги гул.

Саодат сабоси савобнинг кори,
Бекка ҳам беминнат офтобнинг кори,
Буғдой нон йўқ жойда, буғдой сўз топсанг,
Баъзан тиллога тенг жавобнинг кори.

Изсиз кетмагайдир дунёда ҳеч кор,
Тўғрини тўғри дер, инкорни инкор.
Вале, ҳар кишига бир кор ярашгай,
Яхшилик ёдида яшаш ифтихор.





ОШИҚ ДИЛ

Унутма, ҳар дилнинг остонаси бор,
Киролсанг, кўргулик кошонаси бор.
Ҳар дил ўз кўшкига ўзи султондир,
Майсиз ҳам муродгўй мастонаси бор.

Ойнасин юзида гулнинг пардаси,
Гулдан яралгайдир дилнинг пардаси.
Булбул кўзларидан сачраган шабнам,
Ул ойна юзида ёмғир зарраси.

Ҳар дилнинг чашмаи зам-зами бордир,
Бир эмас, минг дардга малҳами бордир.
Сен унга чок тушган жом билан кирма,
Нопокни сил қилар ситами бордир.

Ошиқлик ҳар дилнинг кори аслида,
Алифни дол қилган зори аслида.
Бандага Тангрининг улуғ тухфаси,
Унда ошиқ дилнинг бори аслида.





ЖУФТЛИК

Ул қошки, қаролик зийнати эрур,
Ул дилки, яролик тийнати эрур.
Ошиқки, дунёда бепарво юрса,
Бу унинг кулфати, кулфати эрур.

Жон чеккан жон учун жонон ярашгай,
Не ҳикмат, қай гулга тикон ярашгай.
Жуфтин сўрадингми, Момо Ердан сен,
Унга ҳам тоабад осмон ярашгай.

Жуфтлик – бу дунёдан жудолик эмас,
Неда насл йўқдир, садолик эмас.
Ой ҳам кун бағридан узилган парча,
Яккалик Оллохта фидолик эмас.





БАЙРАМ ҲАМИША

Буткул баҳор хаёл боғида,
Ақлим дейди: – Кўрганинг туш-а?..
Мен ёнаман гул ўчоғида,
Баҳор бизга байрам ҳамиша.

Соғинчларим сарҳад билмайди,
Дилим ўзга бир дард билмайди,
Дейди, дейди, баҳор бўлсайди,
Баҳор бизга байрам ҳамиша.

Бошда баҳор офтоби бордир,
Кўнгил тўла шитоби бордир,
Дийдамда ҳам хуш оби бордир,
Баҳор бизга байрам ҳамиша.

Майсалари муродимиздир,
Ёмғирлари баётимиздир,
Баҳор гўзал ҳаётимиздир,
Баҳор бизга байрам ҳамиша.

Гала-гала қушлар келади,
Дала-дала қўшлар келади,
Қуш тилида салом елади,
Баҳор бизга байрам ҳамиша.

Баҳор сизга муборак бўлсин,
Баҳор бизга муборак бўлсин,
Ҳар бир тилда хуш тилак бўлсин,
Баҳор бизга байрам ҳамиша.



ШЕЪРЛАРИМГА УМР СЎРАЙМАН

Хаёлларим бирам бокира,
Гоҳ тунларни тонгга улайман.
Ўзим билан ишим йўқ сира,
Шеърларимга умр тилайман.

Яхшиларга ёр бўлса улар,
Сафда юрса нор бўлса улар,
Мет кетсам ҳам бор бўлса улар,
Шеърларимга умр тилайман.

Севишганлар оҳ деб ўқиса,
Тун қўйнида моҳ деб ўқиса,
Сўнг ўзлари шеърлар тўқиса,
Шеърларимга умр тилайман.

Эл ичида элақдан ўтса,
Ўтса ҳар бир юракдан ўтса,
Яхши деган тилақдан ўтса,
Шеърларимга умр тилайман.

Ўқиганнинг ёдида турса,
Дарди бўлса, додида турса,
Йўқотмаса, ёнида юрса,
Шеърларимга умр тилайман.

Сўрайвердим, кўп сўрдим жуда,
Нетай дилим ўшал оҳуда,
Ёзганим йўқ ахир, беҳуда,
Шеърларимга умр тилайман.



БАРҚАРОР БАХТ

Шараф қайдан, шон қайдан келур,
Жони фидо авлод бўлмаса.
Айтгин, одам қандай юксалур,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Юзи ёруғ бир миллат қайда,
Олам билган бу қудрат қайда,
Бу шон-шуҳрат, бу давлат қайда,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Аждодларнинг охи тоғ бўлган,
Ҳар кунда минг сўроқ бўлган,
Борми ахир, яйраган, кулган,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Дунёларга бўйлаб бўлурми,
Бахт ҳақида ўйлаб бўлурми,
Тинчлигимиз куйлаб бўлурми,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Шукур элим, бахтинг барқарор,
Тинчлигингга жонимиз тумор,
Қайда эди бундай ифтихор,
Ватан озод, обод бўлмаса.



ФЕЪЛ

Бу ҳикмат такрордир кўп эллар аро,
Ҳар тилда ҳар турли бергайдир садо.
Бугун ҳам айтилуру бу мулки маъно,
Бандасин феълини кенг қилсин Оллоҳ.

Кенгта кенг, тор учун тор бўлган дунё,
Нокаслар дастида хор бўлган дунё,
Битта феъли кенгта зор бўлган дунё,
Бандасин феълини кенг қилсин Оллоҳ.

Яхшилик бир офтоб Шарқдан тарқалар,
Бир майиз – қирқ бўлсанг, қирққа тарқалар,
Эй сиз, чанг кўрмаган оппоқ ёқалар,
Бандасин феълини кенг қилсин Оллоҳ.

Бизлар Баҳоуддин Балогардондан,
Ҳазрат Амир Темур соҳибқирондан,
Барака топганмиз бир бурда нондан,
Бандасин феълини кенг қилсин Оллоҳ.

Эсласанг тангининг ёди бошқача,
Нокасни нон урган, доди бошқача,
Сиз билган бир гапни айтдим-да, пича
Бандасин феълини кенг қилсин Оллоҳ.



ШАЙТОН ШАРҲИ

Чаённинг тилаги ниши синмасин,
Тиконнинг тилаги тиши синмасин.
Шайтонда шарм йўқ, ўйлагани шу –
Яхшининг тоабда иши унмасин.

Юз йил наридан ҳам юзи қаролар
Руҳи балосидан сочар жафолар.
Яхшиям яхшилар яшар дунёда,
Уларнинг борлиги радди балолар.

Омонат дунёнинг омонати дил,
Ёмоннинг нияти, хиёнати дил,
Ножинсинг дилида дил ҳам дилпора,
Яхшининг ёмонга баёноти дил.

Олам тинч, осмон ҳам офтоблангайдир,
Яхшилар тинчлик деб шитоблангайдир.
Шайтон шайтон эрур қиёматда ҳам,
Тавқи лаънат ила хитоблангайдир.





ЯШАЯПМИЗ

Биз ой билан доғ талашмадик,
Биз бахт билан боғ талашмадик,
Бургут билан тоғ талашмадик,
Бор борича, борига бозор,
Яшаяпмиз, Оллоҳ ўзи ёр.

Шоир биз-да, шаробимиз бор,
Бўлса тўртта китобимиз бор,
Вале дилда офтобимиз бор,
Биз боридан қилмаганмиз ор,
Яшаяпмиз, Оллоҳ ўзи ёр.

Бу дунёнинг ками тўлмаган,
Олтин олма, дуо ол деган,
Онам кетган, қайтиб келмаган,
Дилни ўртар, фақат соғинч, зор,
Яшаяпмиз, Оллоҳ ўзи ёр.

Дил тўлади кўзим тўлганда,
Шеър бўлади сўзим тўлганда,
Нима бўлар ўзим тўлганда,
Бу саволни айтмайман такрор,
Яшаяпмиз, Оллоҳ ўзи ёр.

Юришибди ойни олганлар,
Тулпор тойиб, тойни олганлар,
Дили қуриб сойни олганлар,
Олади-да, омадлари бор,
Яшаяпмиз, Оллоҳ ўзи ёр.

Гоҳ-гоҳида қилганда алам,
Жисму жоним тилганда алам,
Онам дерди: – Тил тишла, болам,
Тишларимда ҳали бор мадор,
Яшаяпмиз, Оллоҳ ўзи ёр.





ЙЎҚ, СИЗ ЎЛМАГАНСИЗ

Менинг икки кўзим, икки қароғим,
Икки дунё ичра сўнмас чироғим,
Кўксимни ўртайди бугун сўроғим,
Кетдими, шу ростми, бирга йўл олиб,
Эркин Воҳид ила Абдулла Ориф.

Шеърят – кўнгилнинг кўзидаги нур,
Шеърят инсоннинг сўзидаги нур,
Шеър асли шоирнинг ўзидаги нур,
Изларингиз излар ҳар назми толиб,
Эркин Воҳид ила Абдулла Ориф.

Алам қўша чиқди ўзин чоҳидан,
Шеърят айрилди офтоб, моҳидан,
Осмон пастлаб кетди миллат оҳидан,
Кўнгиллар кўшксиздир, биз сизсиз қолиб,
Эркин Воҳид ила Абдулла Ориф.

Ўзбекка ўзлигин кўрсатган зотлар,
Ҳикматгўй сўзлигин ўргатган зотлар,
Энди Ўзбекистон оҳ ичра ёдлар,
Ким маъюс, ким сокин, кўзга ёш олиб,
Эркин Воҳид, дейди, Абдулла Ориф.

Боқий сўз мулкига султон Навоий,
Қалам аҳли учун иймон Навоий,
Сизни чорладими бу он Навоий,
Жаннат боғчасида партўшак солиб,
Кел, дейди, Эркиним, Абдулла Ориф».

Эй воҳ, ҳувиллатиб шеърият уйин,
Мангута кетдингиз олдинма кейин.
Алвидо, демоқлик бунчалар қийин.
Йўқ, сиз ўлмагансиз, ўлимдан ғолиб,
Эркин Воҳид ила Абдулла Ориф.





ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Тарихий кун асли тарих кўзгуси,
Ушалди миллатнинг асрий орзуси,
Тоғни ёриб ўтди ҳурлик ёғдуси,
Боболардан мерос армон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Юртбоши тилаги дилга ёр бўлди,
Бир юз ўттиз миллат – элга ёр бўлди,
Мустақил давлатга ифтихор бўлди,
Буюк ипак йўли – карвон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Фарғона, Наманган, Андижон аҳли,
Бу йўл – миллат аҳди, водийнинг бахти,
Буюк Ўзбекистон, ўзликнинг шаҳти,
Электр сим поезд – замон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Бу пўлат қўлларнинг пўлат белбоғи,
Талқондек тўкилди дунёнинг тоғи,
Унда ёниб турар тинчлик чироғи,
Хуш ният элимнинг имкон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Бу йўллар – сабримиз садосин йўли,
Бу йўллар – Навоий навосин йўли,
Ҳазрат Амир Темур дуосин йўли,
Руҳлар шодон юрган осмон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Ангрен-Поп йўли – дунё ҳайрати,
Миллат муроди бу – давлат қудрати,
«Ўзбек модели»нинг битта ибрати,
Мадҳу мадҳияга дoston йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.





КИТОБ КЕРАҚДИР

Суврат асли нурни сийратдан олур,
Сийрат эса илму ҳикматдан олур,
Одамдан эзгулик, муҳаббат қолур,
Саодат сайлига савоб керақдир,
Кўнгилнинг майлига китоб керақдир.

Китоб – дил боғида гулнинг рангидир,
Китоб – оташ ичра дилнинг рангидир,
У – қалбнинг камоли, ақл жангидир,
Кўкни кўзлаганга хитоб керақдир,
Ўзни излаганга китоб керақдир.

Ўқиган, уққанга эли эргашгай,
Оқил йўлга чиқса йўли эргашгай,
Жаннатдай жилмайиб чўли эргашгай,
Савол юз очганда жавоб керақдир,
Жавоб жарангига китоб керақдир.

Китоб – бу осмоннинг ўзига нарвон,
Китоб – бу жаҳоннинг кўзига нарвон,
Тирик тарихларнинг сўзига нарвон,
Тунда талпинганга моҳтоб керақдир,
Кундай кулай десанг китоб керақдир.

Олам оламлигин билмоқ учун ҳам,
Одам одамлигин билмоқ учун ҳам,
Қилни қирқ тилимга илмоқ учун ҳам,
Тиғни тутгувчига шитоб керақдир,
Туғни тутгувчига китоб керақдир.



КАМОЛ

Кўнгил билан кўз кўришади,
Туйғу билан сўз кўришади,
Ҳар нарсага нигоҳ муқаррар,
Таом билан туз кўришади.

Диллар ичра дил достони бор,
Гуллар ичра булбул шони бор,
Ой-у қуёш, юлдузларнинг ҳам,
Ўз кўзгуси, ўз осмони бор.

Гоҳ-гоҳида ўйлаб қоламан,
Аслида-ку, ўйлаб толаман.
Нима бордир осмондан нари,
Қай кўзгуда Ернинг меҳвари.

Тилга чиқар дилнинг саволи,
Неки гўзал, Оллоҳ жамоли,
Ҳар заррадан коинот қадар,
Яратганнинг ўзин камоли.





ҒУБОР

Кўнгилларга ғубор кўқдан тушмайди,
Кўнгилларга ғубор кўнгилдан тушар.
Тошмеҳр одамда дил увишмайди,
Минг аср ўтса ҳам тош тошга ўхшар.

Кўнгилларга ғубор кўқдан тушмайди,
Меҳру муҳаббатдан яралган башар.
Дунё кулиб турган дилга ўхшайди,
Боқсанг тўрт томондан фақат пар тўшар.

Кўнгилларга ғубор кўқдан тушмайди,
Ва лекин Кўкнинг ҳам бир шарти бордир.
Одам яшар экан, олам яшайди,
Дилнинг меҳр отлиқ ҳамдарди бордир.





ТАВБА

Илғадим ногаҳон тошлар шивирин,
Дилгир дил, эгилган бошлар шивирин.
Қабоғим қалқитиб, кўзимдан оққан,
Юзимни ёндирган ёшлар шивирин.

Бу шивир шамолнинг шаклидан дарак,
Кўнглимнинг ноўрин жаҳлидан дарак.
Тавбалар тизлашиб турарди бунда,
Вужудим кеч топган ақлидан дарак.

Яллолар базмида экан бу дилим,
Хатолар азмида экан бу дилим.
Энди кўзёшидан нажот ахтариб,
Надомат назмида экан бу дилим.

Шеърга сиёҳ бўлди шу кўнгил қони,
Шу қалам учинда кўнгилнинг жони.
Такрор айтса тавба қабулмас, эй дил,
Бу тавба умрингнинг сўнги имкони.





ПИРЛАР СЎЗИ

Авлиёлар оҳи бўлган сўз,
Анбиёлар моҳи бўлган сўз,
Лаъин шайтон чоҳи бўлган сўз,
Ичингдаги душманни ўлдир.

Жон ичинда жамолинг бўлган,
Гўё бахтинг, камолинг бўлган,
Қиёматда саволинг бўлган,
Ичингдаги душманни ўлдир.

Насибангда, нонингда турган,
Қайга борсанг, ёнингда юрган,
Аммо тиғни ортингдан урган
Ичингдаги душманни ўлдир.

Ҳар дақиқа шонинг сўраган,
Вале зимдан жонинг сўраган,
Нияти-ю ўзи нураган
Ичингдаги душманни ўлдир.

Чиройлиман, чаққонман деган,
Мен қудратман, вулқонман деган,
Қиёматда қалқонман деган
Ичингдаги душманни ўлдир.

Оринг бўлиб, орингни олган,
Зор-зор бўзлаб борингни олган,
Охиратда дорига солган
Ичингдаги душманни ўлдир.

Майли, айтиб толмагин, Маҳмуд,
Ҳақ йўлидан қолмагин, Маҳмуд,
Олма, сўзин олмагин, Маҳмуд,
Ичингдаги душманни ўлдир!





БОШЛАБ БОРАДИ

Гўзалликни истаган инсон
Кўнгилга кўз ташлаб боради.
Гулдан гўзал гулларга инон,
Баҳор бизни бошлаб боради.

Орзуларнинг осмонига ҳам,
Туйғуларнинг бўстонига ҳам,
Ишқ дардининг дармонига ҳам
Баҳор бизни бошлаб боради.

Булутларнинг кўзин ёшига,
Булбулларнинг сўзин ёшига,
Қалдирғочнинг қаро қошига
Баҳор бизни бошлаб боради.

Ой оралаб боққан юлдузга,
Гулдан олдин кулган илдиизга,
Кечалардан узун кундузга
Баҳор бизни бошлаб боради.

Сумалакнинг шифоларига,
Момоларнинг дуоларига,
Гўзалликнинг зиёларига
Баҳор бизни бошлаб боради.

Йўл ичинда йўл истасангиз,
Гул ичинда гул истасангиз,
Дил ичинда дил истасангиз,
Баҳор бизни бошлаб боради.



ЖОН ФИДОЛАР КЕРАК

Даврага чорлаймиз дўсту ёрларни,
Бирга куйлайдиган завқи борларни,
Хурлигидан хуррам бахтиёрларни,
Хуш наволар керак обод Ватанга,
Жон фидолар керак озод Ватанга.

Бу кунларни, ахир, кутганлар қанча,
Бу кунларга етмай кетганлар қанча,
Ёқосини алам тутганлар қанча,
Хуш наволар керак обод Ватанга,
Жон фидолар керак озод Ватанга.

Бир донни бир хирмон қилган, деҳқон эл,
Ватанни гулистон қилган, боғбон эл,
Тинчлик тилаганга абад мезбон эл,
Хуш наволар керак обод Ватанга,
Жон фидолар керак озод Ватанга.

Чорак аср ўтди, хурлик офтоби,
Бу «ўзбек модели», нурнинг шитоби,
Қутлаб турганида дўсту аҳбоби,
Хуш наволар керак обод Ватанга,
Жон фидолар керак озод Ватанга.

Улуғ аждодига хос йўлга чиққан,
Дунё ривожига мос йўлга чиққан,
Баркамол авлодлар ўқиган, уққан,
Хуш наволар керак обод Ватанга,
Жон фидолар керак озод Ватанга.

Қўлни қўлга бериб куйлайлик, дўстлар,
Фақат яхшиларга бўйлайлик, дўстлар,
Дунё тинчлигини ўйлайлик, дўстлар,
Хуш наволар керак обод Ватанга,
Жон фидолар керак озод Ватанга.





ГЎЗАЛСАН, БЕТАКРОРСАН

Тинчликдан нурафшон умримиз тонги,
Ҳур элдан таралгай шодлик жаранги,
Ватанда товлангай муҳаббат ранги,
Гўзалсан, бетакрор, шарафим, шоним,
Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним.

Тақдир тарихингда хорлагани рост,
Бутун бир миллатни зорлагани рост,
Яратганнинг ўзи ёрлагани рост,
Жаҳонга юз очган нурли жаҳоним,
Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним.

Ҳеч кимга юкунмай бўйлаган ниҳол,
Йигирма беш йилда кўкдаги ҳилол,
Эй жаннат ўлкаси, эй офтобжамол,
Муқаддас Ватаним, ори осмоним,
Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним.

Олам ҳавасини келтирган диёр,
Тинчлик нафасини елдирган диёр,
Юртбоши эл учун мангу ифтихор,
Ҳам озод, ҳам обод, азиз ошиёним,
Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним.



МУҲАББАТ ЯШАР

Жон чекмасанг, жонона қайда,
Ботмон дема, бир дона қайда,
Ишқ йўқ жойда афсона қайда,
Мафтун бўлдик, мамнун бўлмадик,
Минг йил ўтди, Мажнун бўлмадик.

Биз севишни билмадик чоғи,
Севилишни билмадик чоғи,
Кўринмайди юракнинг доғи,
Оҳ-воҳ дедик, ҳеч хун бўлмадик,
Минг йил ўтди, Мажнун бўлмадик.

Гул тутдиг-у, даста-дасталаб,
Дил тутмадик бир орасталаб,
Юрибмиз-да, ҳамон хасталаб,
Мажнун чеккан бир ун бўлмадик,
Минг йил ўтди, Мажнун бўлмадик.

Биз оқмадик ойнинг нурида,
Ё ёнмадик юрак кўрида,
Гўшанганинг гулгун тўрида,
Лайли кўрдик, бир тун бўлмадик,
Минг йил ўтди, Мажнун бўлмадик.

Деҳлавийдан дуо келади,
Низомийдан нидо келади,
Навоийдан наво келади,
– Эй сиз бизнинг ҳур авлодимиз,
Офтоб мисол нур авлодимиз.

Лайли бўлинг дил дудоғида,
Мажнун бўлинг нур сабоғида,
Сахро сиздан самарлар олсин,
Қаро тунлар қамарлар олсин.

Одамийлик илми ҳаётдир,
Муҳаббат бу – мангу китобдир.





**ШУҲРАТ ЎЗБЕКОНА,
ШОН ЎЗБЕКОНА**

Эй дунё кўксида гуллаган диёр,
Нечун мадҳ этмайин, қилмай ифтихор.

Ҳайратга солурсан сафда норларни,
Қутламоқ бахт, ахир, бахтиёрларни.

Қадрин қалқон қилди юрт ўғлонлари,
Азм-у шижоатли паҳлавонлари.

Ҳасанбой қувончлар уфқини очди,
Илк олтин медалнинг нурини сочди.

Руслан даст кўтарган тошнинг салмоғи,
Бу янги рекорддир, рақиб титроғи.

Шуҳрат ўзбекона, шон ўзбекона,
Ёнолсанг, аё дўст, ён ўзбекона.

Шаҳобиддин мушти нур, чироқ ёқди,
Орият олтинин кўксига тақди.

Фазлиддин мардликнинг тимсоли бўлди,
У миллат ёшларин камоли бўлди.

Улар урган зарбнинг ҳар бир овози,
Бу Ватан шонининг бўлди парвози.

Тўрт олтин тўрт марднинг ҳайрат қуёши,
Кўзларни куйдирди қувонч кўз ёши.

Шухрат ўзбекона, шон ўзбекона,
Ёнолсанг, аё дўст, ён ўзбекона.

Шаҳрам шиддатига ҳавасда олам,
Олқишлаб толмайди Бектемирни ҳам.

Улар юрт эртаси, нияти аъло,
Кўксида кумушдан таралар зиё.

Етти бронзанинг жавлонлари бу,
Ўнлаб давлатларнинг армонлари бу.

Темур бобосидан мерос шонлари,
Ҳеч кимдан кам эмас юрт ўғлонлари.

Юртбоши даъватин дилга солганлар,
Маррани ҳамиша баланд олганлар.

Хуш тилак, хуш дуо ижобати бу,
Қутланг, Ўзбекистон саодати бу.

Шухрат ўзбекона, шон ўзбекона,
Ёнолсанг, аё дўст, ён ўзбекона.





ҲИКМАТ ВА ИБРАТ

Мен мозийдан ҳикмат сўрадим,
Навоийдан мадад сўрадим.
Тупроқ бўлиб ҳазрат пойида,
Ҳикматидан бир гард сўрадим.

Изларидан чопайин, дедим,
Дилга давлат топайин, дедим.
Барингизнинг битта ипини
Рухсат беринг, ўпайин, дедим.

Сўнмасин нурли диллар дедим,
Дийли бўлсин бедиллар дедим.
Боболарим ҳикматгўй, ориф,
Ҳикматта зор кўнгиллар дедим.

Бобур балқиб бошимда турди,
Ва лекин кўз ёшимда турди.
Деди: - «Бўтам, Ватан соғинчи
Заҳар бўлган ошимда турди».

Ўнгимдан ҳам бир оҳ келди-да,
Сўлимдан ҳам бир оҳ келди-да.
Кўзларимнинг икки четидан
Кўз ёш эмас, сиёҳ келди-да.

Машраб бўлиб дорда турибман,
Чўлпон бўлиб зорда турибман.
Гул ёшимда кул қилсалар ҳам
Хур оҳ билан орда турибман.

Боболарим комил-у комрон,
Боболарим ашраф ул инсон.
Ҳикматидан ибратлар олиб,
Ҳикматланиб турибди жаҳон.

Сиз эл ичра омон-омонсиз,
Шеърятда шоҳи жаҳонсиз.
Таъзим Сизга, ҳазрат Навоий,
Таъзим Сизга, ҳазрати Бобур.

Сиз ўзбекка шон ичра шонсиз,
Ори осмон Ўзбекистонсиз!





МАЪНО

Парвоз учун дил керак бўлар,
Овоз учун тил керак бўлар.
Ёқай десанг гулрухсорларга,
Ишқ ифорли гул керак бўлар.

Неки керак, боқсанг ўзингда,
Чироғинг ҳам ёқсанг ўзингда,
Ташна диллар дил жомин тутар,
Маъно бўлиб оқсанг сўзингда.





* * *

Кўзингизни кўзлаганим рост,
Изингизни излаганим рост.
Юлдузлардан туморлар тилаб,
Ҳилолим деб бўзлаганим рост.

Мен шамолдан шакл сўрабман,
Капалақдан жаҳл сўрабман.
Юрагимга ёлвориб, наҳот
Муҳаббатдан ақл сўрабман.





* * *

Шунчалар гўзалки, Раббим, илоҳи,
Ҳар гул оразида унинг нигоҳи.
Ҳайрат хитобидан тилимни тишлаб,
Жунун саҳросида кезаман гоҳи.

Ўйлаб ўйларимга поён топмайман,
Бахтнинг кўчасида қандоқ чопмайман.
Кўнглим кўзларига юзини очган
Ишқнинг оташида ором топгайман.





* * *

Мен кўқдан кузатдим, гўзал Фарғона,
Оқшом оғушида нурдан мастона.
Тупроғига қадам қўйишдан аввал,
Бошида чарх урдим мисли парвона.

Эй гуллар диёри, ҳикмат диёри,
Бир боққан кўзларнинг мангу хумори.
Минглаб улуғларга бешик белаган
Сен Эркин Воҳиднинг тилло тумори.





* * *

Бунчалар гўзалсан севганинг учун,
Бунчалар бахтлиман севганим учун.
Висолнинг қадрини қайдан билсинлар
Унга осон етган ҳар бағри бутун.

Бахтни бетоб қилган севгимиз учун,
Ашкни гулоб қилган севгимиз учун,
Биз минг йил яшасак арзийди, жоним,
Минг йилда яралса бир бағри бутун.





* * *

Само этагида қуёш қизарди,
Лоларанг уфққа ташлабон назар –
Дейсан, кўкда кимдир анор эворди,
Осмоннинг онаси балки нон узар...

Бу осмон сиридир, бу қуёш сири,
Ташбеҳлар бир ажиб гуллаб келади.
Ажабки, зум ўтмай дунёнинг Пири,
Ой билан оламини нурга белади.





* * *

Жонимни жиловлаб ўзингга бердим,
Дилимни-ку, овлаб изингга бердим.
Бошимда бахт тилаб турган қуёшни
Ол гулим, ийманма, юзингга бердим.

Исминг ифоридан райҳон шарманда,
Жисминг жилосидан ўт ёнур танда.
Зулфинг толасига таққан туморим
Умрингни тилашни қилмайди канда.





* * *

Мен шунча чидадим гулнинг қаҳрига,
Болин боларилар тотиб кетдилар.
Еллар ҳам тўйдилар обдон меҳрига,
Хазон бўлгач эса отиб кетдилар.

Инсон ҳам бир гулдир, қиёси гўзал,
Баҳордек борини тутиб кетади.
Бу дунё кўзгусин қўлга олгунча
Афсуски, баҳори ўтиб кетади.





ИМТИҲОН

Ҳар оним жонимдан имтиҳон сўрар,
Ҳар оним шонимдан имтиҳон сўрар.
Шоирлик шарафи шароб эмасдир,
Ҳар оним қонимдан имтиҳон сўрар.

Қалам қоғоз узра қалқиб боради,
Ташбеҳ тумор тутса балқиб боради.
Мени йўқлаб келган у кўҳна дардлар
Кўнглимнинг кўзида юрак ёради.

Шеър – бу шакли гўзал юракдаги гул,
Шеър – бу ақли гўзал тилакдаги гул.
Юз йил йиғлаб ёзсанг ночорсан, Маҳмуд,
Шеър бўлмай ўтади тувакдаги гул.





ТОНГГИ ТИЛАКЛАР

Саҳарларнинг саррин елидан
Яратганнинг саломи келар.
Майсаларнинг майин тилидан
Шабнамларнинг каломи келар.

Поклик эрур тонгнинг тилаги,
Уйғоқ диллар увол кетмайди.
Тошдан эмас тошнинг юраги,
Туртиб қўйсанг, завол кетмайди.

Қуш билан қуш кўришар тонгда,
Хуш билан туш кўришар тонгда,
Худойимнинг хуш нияти бор,
Уйғон, деган бир гўзал бонгда.

Тинчлик тили тонгги тилаклар,
Дилнинг гули тонгги тилаклар,
Яхшиларга тонг дийдорининг,
Оппоқ йўли тонгги тилаклар.





МЕНИНГ БАХТИМ

Бахт ҳақида ўйламоқ ҳам битта бахтдир,
Бахтлиларга бўйламоқ ҳам битта бахтдир.
Бахт аввали шукри бисёр эл бахтидир,
Бахт ҳақида куйламоқ ҳам битта бахтдир.

Оналарнинг дуосидан бахт сочилар,
Оталарнинг дуосидан йўл очилар.
Шу эл билан, шу юрт билан менинг бахтим,
Гар изимдан дуоларга қўл очилар.

Севмоқ гўзал, севилмоқ-ку, кўнгил зори,
Бу ҳам бахтдир, тутиб турса ёр хумори.
Менинг бахтим муҳаббатнинг куйчисиман,
Ишқ аҳлига созлангандир дилим тори.

Юрт тинчлигин ёғдулари менинг бахтим,
Озод элнинг орзулари менинг бахтим.
Аждодларим руҳи шод бу ҳур Ватанда,
Фарзандларим кулгулари менинг бахтим.

Айтсам сизга ўзбекона лўнда жавоб,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, завқим офтоб,
Менинг бахтим – Ўзбекистон фарзандиман,
Бир юз ўттиз миллат, элат дўсту аҳбоб.

МУҲДАРИЖА

Хуш тилак	3
Соғинч	4
Ибрат	5
Саволдаги савоб	6
Оддий шеър	7
Умрини тиланг	8
Булбули бедор экан	10
Юртим тимсоли	12
Ҳеч кимдан кам эмасмиз	13
Нон юрти Ўзбекистон	15
Ажиниёз ардоғи	16
Томган туйғулар	17
Муаллим	18
Ўлан	19
Изҳор	20
“Ўтар кунинг ўтаверар...”	21
Ният қил	22
Баҳорнинг келиши	23
Ҳамдам бўлайлик	24
Яйрайсиз	25
Дунё гўзал	26
Маърифат қасри	27
Қўш қувонч	28
Ўзинг қўлла	29
Тупроқдан ташқари	30
Мен туғилиб ўстан юрт	31
Эътироф	33
Ор қилгай	34
Осмон узоқ	35
Сабоқ	36

Дил истаги	37
Аъмол	38
“Мен излаган дарёлар...”	39
Кўнгилнинг ёши	41
Асралса асрайди	42
Ота касб	43
Англаш	44
Умид	45
Савол	46
Оқил одам	47
Аёлга бахт тиланг	48
Сўз	49
Тоғда	51
Ҳайронлиғ	53
Тилак	54
“Асрагил дил диёнатини...”	55
“Дил бор экан...”	56
Мулоҳаза	57
Озод юртдир Ўзбекистон	58
Ов	59
Дард	60
Ватанда бўлур	61
Булбуллар	62
Хуш уйғонар	63
Бегоналик	64
Орзуларим	65
Йўл	66
Турналарни соғиндим	68
Супер зикнанинг айтганлари	69
Баркамол авлод	70
Сенсиз	71
Ўзбекистон	72
Тухфа	74
Ажиниёз ардоғи	75
Муҳаббатдан бошқаси ёлғон	76
Надир	77
Кўнгил сўранг	78

“Денгизларнинг дунёсини...”	79
Ёмон	80
Дуо	81
Яхши экан	82
Ўзлик	83
Қутлов	85
Ватан бўлса	86
Меҳмон яйрасин	87
Кулгичингда кун кулар	88
Ватан	89
Қалб кўзи	90
Эллиққалъа соғинчи	91
Гўзаллик	92
Баҳор соғинчи	93
Билади	94
Дийдор нури	95
Ёт бўлмасин	96
Бу кўзлар.....	97
Райҳон иси	98
Синов	99
Умр	100
Шонимиз шу ватандир	101
Ҳақиқат	103
Даъват	104
Оҳанг	105
Ватан бу	106
Ҳавас	107
Бу дунё	108
Куйган дил	109
Кор	110
Ошиқ дил	111
Жуфтлик	112
Байрам ҳамиша	113
Шеърларимга умр сўрайман	114
Барқарор бахт	115
Феъл	116
Шайтон шарҳи	117
Яшаяпмиз	118

Йўқ, сиз ўлмагансиз	120
Ўзбек йўли	122
Китоб керакдир	124
Камол	125
Губор	126
Тавба	127
Пирлар сўзи	128
Бошлаб боради	130
Жон фидолар керак	131
Гўзалсан, бетакрорсан	133
Муҳаббат яшар	134
Шуҳрат ўзбекона, шон ўзбекона	136
Ҳикмат ва ибрат	138
Маъно	140
“Кўзингизни кўзлаганим рост...”	141
“Шунчалар гўзалки...”	142
“Мен кўқдан кузатдим...”	143
“Бунчалар гўзалсан...”	144
“Само этагида...”	145
“Жонимни жиловлаб...”	146
“Мен шунча чидадим...”	147
Имтиҳон	148
Тонги тилаклар	149
Менинг бахтим	150

Mahmud TOIR



*Yangi
she'rlar*

G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi
Toshkent-2017

Ushbu to'plamga O'zbekiston xalq shoiri Mahmud Toirning keyingi yillarda yozilgan eng yangi she'rlari jamlandi. Asosan Vatanga, ayolga, farzandga va hayotga muhabbat tarannum etilgan bu she'rlarni o'qir ekansiz, o'z baxtiyu dardidan masrurlik hissini tuyayotgan inson diliga oshno bo'lasiz. Sodda, samimiy satrlardagi quyma ohang sizni o'ziga jalb etadi, bir baxtiyor qo'shiq tinglaganday, yuragingizga baxt tuyg'usi "ko'chib o'tadi".

"Yangi she'rlar" Sizga mamnun bo'ladi, degan umiddamiz, aziz kitobxon!



XUSH TILAK

Qaro tun chiroyi chiroq bilandir,
Tunni yoritganlar xush baxt bo'lsinlar.
Azizlik yo'lingga mushtoq bilandir,
Bizni xush ko'rganlar xushvaqt bo'lsinlar.

Xush niyat – ko'ngilning tubidagi dur,
Tabassum – yurakning yuzidagi nur.
Diydor saodati baxsh etsin surur,
Bizni xush ko'rganlar xushvaqt bo'lsinlar.

Oftob – bu aslida orom chehrasi,
Tangri der: – Bismilloh kalom chehrasi.
Shunchalar go'zalmi salom chehrasi,
Bizni xush ko'rganlar xushvaqt bo'lsinlar.

Otamdan qolgani iymon pokligi,
Onamning siyrati ko'ngil xokligi.
Sizdan yiroq bo'lsin dilning chokligi,
Bizni xush ko'rganlar xushvaqt bo'lsinlar.

Mehr – bu sog'inchning mehrobi asli,
Diydor gulobidir dilga dil vasli.
Xazonlig' ko'rmasin muhabbat fasli,
Bizni xush ko'rganlar xushvaqt bo'lsinlar.

Balki kimga yoqib, kimga yoqmasmiz,
Mahmud, banda biz-da, sutday oqmasmiz.
Lek kimsa yo'lida aslo chohmasmiz,
Bizni xush ko'rganlar xushvaqt bo'lsinlar.



SOG'INCH

Qaydasan, bodomgul, bahor chechagi,
Qorlarni qaritdi qishning ertagi,
Dillarda bodraydi umid kurtagi,
Oy bo'lib osmonda yuz ochgin, bahor,
Kun bo'lib sen ko'kda ko'z ochgin, bahor.

Maysalar murodi bo'ylamoq bo'lsa,
Irmoqlar sho'xu sha'n kuylamoq bo'lsa,
Bolari bol bilan siylamoq bo'lsa,
Kel, gullar to'shalgan iz ochgin, bahor,
Mehru muhabbatdan so'z ochgin, bahor.

Daraxtlar shoxida sog'inch sarg'aydi,
Ariqlar bo'yida ovunch mudraydi,
Sen qayda yuribsan, erka qiz, daydi,
Har kiftga bir chimdim nur sochgin, bahor,
Har kaftga bir hovuch dur sochgin, bahor.

Kel endi, kurtaklar injular sochsin,
Turnalar ko'klardan kulgular sochsin,
Ko'ngillar ko'shkini tuyg'ular ochsin,
Mushtoq nigohlarga yo'l ochgin, bahor,
Duogo'y momomdek qo'l ochgin, bahor.

Quvonch qo'sha kelsa ko'zlar yoshlanar,
Elning barakasi sendan boshlanar,
Seni chorlayverar, senga tashnalar,
Jannatdiyorga jamol bo'l, bahor,
Ezgu niyatlarga kamol bo'l, bahor.



IBRAT

Osmon yashar bilsang ona Zamin uchun,
Daryolar bor, ummonning ham bag'ri butun,
Biz kim uchun yashayapmiz, ayt, dunyoda,
Kel, yashaylik Vatan uchun, Vatan uchun.

Sen ham otang orzusidan tug'ilgansan,
Men ham onam yog'dusiga yo'g'rilganman,
Gar kerilsam hurligimdan kerilganman,
Kel, yashaylik Vatan uchun, Vatan uchun.

Yaxshilarning yonog'ida kulgan oyday,
Toshga umr tilab oqqan bitta soyday,
Yaratgandan keng fe'l so'ra Xotamtoyday,
Kel, yashaylik Vatan uchun, Vatan uchun.

Insof oyna, qo'lga olib qaradingmi,
Bir niholning poyiga suv taradingmi,
Ayt, bir bora el koriga yaradingmi,
Kel, yashaylik Vatan uchun, Vatan uchun.

Olimlardan el-yurt uchun hikmat qolur,
Oqillardan nur yog'ilib rahmat qolur,
Mard yigitga boqqan odam jur'at olur,
Kel, yashaylik Vatan uchun, Vatan uchun.

Biz dunyoga tinchlik tilab turgan millat,
O'zbek ulug', O'zbekiston buyuk davlat,
Ahli dunyo bizdan hali olur ibrat,
Kel, yashaylik Vatan uchun, Vatan uchun.



SAVOLDAGI SAVOB

- Dil nimadir, ayo do'st?
- Vujudga sig'magan qush.
- Baxt haqida ne deysan?
- O'ngidan kelmagan tush.

- Orzudagi oh nima?
- Misli sap-sariq somon.
- Qadamdagi choh nima?
- Avval hasad, so'ng gumon.

- Bag'ringni tig'ladingmi?
- Gunoh ko'zgu tutganda.
- To'kilib yig'ladingmi?
- Sodiq do'st unutganda.

- Odam o'lmay o'lurmi?
- Dil ko'zi ochilganda.
- Tuproq tillo bo'lurmi?
- Qabringga sochilganda.

- Gulni qalqitgan qo'shiq?
- Bulbullarning bayoti.
- Nafislikda ne afzal?
- Kapalakning qanoti.

- Savolga savob bormi?
- So'ragan sihat bo'lsa.
- Javobda gunoh bormi?
- Quruq nasihat bo'lsa...



ODDIY SHE'R

Bu she'r juda oddiy, tashbeh izlamang,
So'zlarin ko'nglimning nuriga qordim.
Unga quyosh ota, ona bo'ldi tong,
Har harfin shabnamga chayib yubordim.

Bu she'r juda oddiy, onamdek sodda,
Duolardan tomgan so'zlar ohangi.
Balki o'qisangiz qolgaydir yodda,
Nabiram kulgusin oppoq jarangi.

Bu she'r juda oddiy, vafo vaznidek,
Toshiga tarozi qo'yib bo'lmaydi.
Vatan oldidagi vijdon qarzidek –
O'qiysan, shu she'rmi, ko'ngling to'lmaydi.

Bu she'r juda oddiy, bug'doy bo'yidek,
CHinorlar tagida jilmayib turar.
Turg'un Alimatning chalgan kuyidek,
O'rtab va o'rtanib ordan oh urar.

Bu she'r juda oddiy, umidbaxsh eldek,
Bahor bog'laridan mujda keltirar.
Qoshida duoga ochilgan qo'ldek,
Kunduz oftob, tunda mohtob o'ltirar.

Bu she'ring bir sharti - tig'ning damida,
Dilning ko'zi bilan dilga borilar.
Bu she'r juda oddiy, buloq suvida,
Vatan tuprog'iga loyi qorilar.



UMRINI TILANG

Go'zallikning timsoli ayol,
Aytmiş, baxtning visoli ayol,
Ham mehrning jamoli ayol,
Demam uning poyiga qulang,
Haqdan so'rang, umrini tilang.

Sizu bizga tutgani vafo,
Sizu bizdan kutgani vafo,
Ayolga hech yarashmas jafo,
U onangiz, gapiga unang,
O'g'il bo'lib umrini tilang.

U umrimiz yo'lidagi nur,
U qalbimiz to'ridagi dur,
Tangri uni hur yaratgan, hur,
Siz boshidan mehringiz elang,
Faqat uning umrini tilang.

Ketmon tutsa qo'lidan oling,
Tosh ko'rsangiz yo'lidan oling,
G'ami bo'lsa dilidan oling,
Singil bo'lsa boshini silang,
Opangizning umrini tilang.

Muhabbatning mehrobi unda,
Oqibatning oftobi unda,
Sadoqatning savobi unda,
Siz Laylida, Shirinda sinang,
Oshiq bo'lib umrini tilang.

Ayol – ona, mehri ummonim,
Ayol – opa, dardga darmonim,
Ayol – singil, jonim, jahonim,
Endi mayli, poyiga qulang,
Tiz cho'kingda, umrini tilang.





**BULBULI
BEDOR EKAN**

Bu olam ishq ahliga
Gul ekan, gulzor ekan.
G'unchasin uzay desam,
Bulbuli bedor ekan.

Ko'ngil-a, kuygan ko'ngil,
Qo'rini qayga otay?
Bu oyni ololmadim,
Kun bo'lib qandoq botay?

Chehrangizda chimrilgan,
Qoshmidi, qaboqmidi?
Sizga bizning qadrimiz,
Yerdagi uvoqmidi?

Jon gulim, jonim gulim,
Jilmayib qo'ymadingiz.
Til tig'i tig'dan yomon,
Ozorlab to'ymadingiz.

Siz kelar yo'llar uzun,
Toshi ko'p, toshlog'i ko'p.
Ne uchun sevgan qulning
Boshida to'qmog'i ko'p.

Ohimiz osmonining
Oyi yo'q, oftobi yo'q.
Bir savol sirtmoqladi,
Bir umr javobi yo'q.

Bu olam ishq ahliga
Gul ekan, gulzor ekan.
G'unchasin uzay desam,
Bulbuli bedor ekan.





YURTIM TIMSOLI

Dunyo maydonida yurtim timsoli,
Munavvar rangingda Vatan jamoli,
Millatim g'ururi, elim kamoli,
Ko'zimga ko'rk bergan, ko'ksimda tog'im,
Aziz, muqaddassan, mening bayrog'im.

Moviy, mangu osmon, obi-hayotsan,
Sen tinchlik rangisan, oppoq bayotsan,
Yam-yashil, navqiron, umid, najotsan,
Ajdodlar qonidan oqqan irmog'im,
Aziz, muqaddassan, mening bayrog'im.

Yarim oy – hurligim, baxtim, dilmomam,
O'n ikki yulduzim qadim yilnomam,
Navqiron yoshdagi yorug' solnomam,
Boshimda balqigan qadrim, qarog'im,
Aziz, muqaddassan, mening bayrog'im.

Sen Kubro ko'ksidan chiqmagan jonsan,
Sen Temur tug'isan, abadiy shonsan,
O'zbekim qo'lida ulug' imkonsan,
Bobolardan meros sabrim, sabog'im,
Aziz, muqaddassan, mening bayrog'im.

O'g'lonu qizlaring shonim deb tutgay,
Qandoq yashay, seni boshimda tutmay,
Nechun quvonmayin, nechun faxr etmay?
Ey ota makonim, ona tuprog'im,
Aziz, muqaddassan, mening bayrog'im.



HECH KIMDAN KAM EMASMIZ

Haq savol – haqiqat so‘zidagi nur,
Vale bu nur tig‘dir, dil – tilim-tilim.
Iymonli odamda o‘lmaydi g‘urur,
O‘tmishingga bir boq, kim eding, elim?

Xaschalik qadri yo‘q bir inson eding,
Don sepgan – noni yo‘q bir dehqon eding,
Bog‘ qilgan – boli yo‘q bir bog‘bon eding,
Kunduz nurdan yiroq, kim eding, elim?

Ulug‘ ajdodi bor, xor xalq sen bo‘lding,
Qadri yo‘g‘-u, o‘zi bor xalq sen bo‘lding,
Insoniy mehrga zor xalq sen bo‘lding,
Jon o‘rtar bu so‘roq, kim eding, elim?

Mustabid tuzumning qirg‘in-baroti,
Butun bir millatning asriy faryodi,
Hamon moziylardan keladi dodi,
Tili dilga tuzoq, kim eding, elim?

Ohlaring Ollohga yetgan kun keldi,
Hurriyat Xumosin kutgan kun keldi,
Baxting qo‘llaringdan tutgan kun keldi,
To bo‘lguncha shundoq, kim eding, elim?

El ozod, yurt obod, ulug‘ imkon bu,
Olam havas qilgan – O‘zbekiston bu.
Tinching – saodating, oqil sarbon bu,
Kim edigu, endi kim bo‘ldik, elim.

Tili bor, yo'li bor, bir millat bo'ldik,
Hech kimdan kam emas, zo'r qudrat bo'ldik,
Ozod Vatan bo'ldik, hur davlat bo'ldik,
Dunyo chamanida gul bo'ldik, elim,
Xalqbo'ldik, yurt bo'ldik, el bo'ldik, elim!





NON YURTI O'ZBEKISTON

Ajdodi avvallardan qolgan dono fikr bor,
So'zimiz avvalida shukur bordir, shukur bor.
Rizqimizning avvali boshqolagan bug'doyzor,
Har xirmonda baraka chiroq yoqqan pallası,
Shu chiroqlar chiroyi O'zbekiston g'allasi.

El uchun rizq yaratsang qadamingda qo'r bo'lgay,
Halol to'kilgan terning tomchilari dur bo'lgay,
G'allang bo'lsa, mo'l bo'lsa, yuzing to'la nur bo'lgay,
Qo'shiq aysang qo'shilgay elu elat, hammasi,
Novvotdayin navodir O'zbekiston g'allasi.

Bir Toshkentmas non shahri, non yurti O'zbekiston,
Sultoni saodatmand, shon yurti O'zbekiston,
Ezgulik osmonida tong yurti O'zbekiston,
Tinchligimiz tumori har onaning allasi,
Shoda-shoda shodlikdir O'zbekiston g'allasi.

Momolar mohtoblanar suprasini yoysalar,
Bolalar oftoblanar shirmoy nonga to'ysalar,
Dehqonbobo bu damlar quvonchga yuz chaysalar,
Bunday baxtni behishtdan topib bo'lmas chamasi,
Jannatga ham jamoldir O'zbekiston g'allasi.

Bu Vatanda insonni aziz tutmoq odatdir,
Har bir millat xush bunda, ko'rgani saodatdir,
Dunyo tinchligin so'rmoq eng oliy ibodatdir,
Noni butun o'zbekning hech kimdan yo'q ta'masi,
O'zbekiston yuzidir O'zbekiston g'allasi.



AJINIYOZ ARDOG'I

Qoraqalpoq oqinlari oqil el,
Ham e'zozu ehtromga dohil el.
Kuylaganda kuydirguvchi ham o'zi,
So'ylaganda suydirishga mohir el.

Bir yuz to'qson so'zida bir salmoq bor,
So'z bilan ham bu dunyoni olmoq bor.
Ajiniyoz oqindayin so'z aytsang,
Hikmat ila dil ko'shkida qolmoq bor.

Men Mo'ynoqning tuprog'iga tiz cho'kay,
Ay bovrin, nondan oldin yer o'pay.
Ajiniyozu Berdaqlarni bergan u,
Shunday elga duolarda dil to'kay.

Ulug'likni Amusidan olgan el,
Kunbotarda quyosh bo'lib qolgan el.
Qumdan qal'a qurib butun olamga
Ellikqal'a dovrug'ini solgan el.

Bu dunyoni yoshartirgan so'z, ma'ni,
Ajiniyoz ardog'i bu – el sha'ni!
O'zbekiston bag'ridagi bog' bo'ldi,
Qadri baland Qoraqalpoq Vatani.



TOMGAN TUYG'ULAR

Men tog'larga yaqin keldim juda ham,
Soflik sadosini eshitdim aniq.
Ko'zim gavharida oppoq chamanlar,
Toshlar yotar bunda tillodan tiniq.

Men tog'larga yaqin keldim, ayo do'st,
Archalar ohanglar taratar bunda.
Buloqlar boladek bijirlab yotar,
Adirlar allalar aytgan ochunda.

Tog'lar tug'ishgandek yaqinim bo'ldi,
O'lan aytib berdi menga giyohlar.
Dardim terib olsin toshlar desangiz,
Toqqa bir bor keling qalbi siyohlar.

Tuyg'ular tomdilar dilimdan ajib,
Hayrat havosidan simirib ichdim.
Tog'lar tuprog'iga bir dam tiz cho'kib,
O'zimni topdim men, o'zimdanda kechdim.





MUALLIM

Ma'rifat daryosin mirobi – ul zot,
Ko'ngil samosining oftobi – ul zot,
Yuz ochgan savolning javobi – ul zot,
Tilidan bol tomib aytguvsi har kim,
Muallim bu, muallim bu, muallim.

Onamizdek mehr bilan xush ko'rgan,
Ota bo'lib kamolimiz tush ko'rgan,
Etti o'lchab bir kesibon ish ko'rgan,
Bobolardan meros sharqona ta'lim,
Muallim bu, muallim bu, muallim.

Hikmat otlig' dunyolarga yo'l ochgan,
Ezgu ishga, duolarga qo'l ochgan,
Besh olganning boshlaridan gul sochgan,
Uqqan dilga anglatolgan so'z ta'min,
Muallim bu, muallim bu, muallim.

Har ustozning izida ming irmoq bor,
Yo'llarida sabot yoqqan chiroq bor,
Aytsam yana, sog'inch bordir, firoq bor,
Ul kim, axir, cho'ng tog'larga mengzadim,
Muallim bu, muallim bu, muallim.

Ulug' erur yurt egasin matlabi,
Xo'sh, qayda bor O'zbekiston maktabi,
Ular kirar bu maktabga nur kabi,
Azal, abad talpinmagan nurga kim,
Muallim bu, muallim bu, muallim.



۱۷۳

O'LAN

(Xalq ohangida)

O'lan aytsam aytdim-da,
Dardim bor-da baytimda.
Gar kuyishni bilmasang
Ne bor senga qatimda?

Achchiq so'zing armoning,
Yondirmaydi yolg'oning.
Yor, o'zingga ayondir,
Toshlar otib tolg'oning.

Hovva-hovva deysanmi,
Bersam holva eysanmi,
Bittagina jonimni
Yor, kaftingga qo'ysammi?

Oshing pishmas oshmidi,
Ko'ngling shuncha toshmidi.
Vah to'kilgan dilimmi,
Yo ko'zlarim yoshmidi?

Tildan shundoq tomar dil,
Guldan qandoq tonar dil.
Oshiqlardan so'rangiz,
Qaysi rangda qonar dil?

O'lan aytsam aytdim-da,
Dardim bor-da baytimda.
Olam menga oftobdir,
Seni o'ylar paytimda.



IZHOR

Sen otamning otasi, sen onamning onasi,
Bolamning diydorida jonimning durdonasi.
Poyingga tiz cho'kmoqni keldi bu kun xonasi,
Momomeros diyorim, bobomeros or-u sha'n,
Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan.

Tongda ochgan ko'zimsan, shukur desam so'zimsan,
Peshonamning terida halol topgan tuzimsan,
Ajdodlardan avlodga qolgan yorug' izimsan,
Sen Navoiy nazmida so'zdagi so'nmas gulxan,
Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan.

Ozodsan-ki, elimning oromiga tumorsan,
Obodsan-ki, olamning nigohiga xumorsan,
Sen bolamning bolasin bolasiga darkorsan,
Ey, bog'lari bahorni orziqtirgan gul, chaman,
Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan.

Jonimdirsan qalbidamda qalqigan saodatsan,
Bobom Temur tug'ida balqigan adolatsan.
Imom Buxoriy desa, muslimga ibodatsan,
Ey, ko'ksimning ko'kida oq tilak, xushbo'y suman,
Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan.

Mehrli el murodi dunyoga tinchlik erur,
Sultoni oqil yurtida dillarga sig'mas surur,
Shul sabab har onimda ming shukur, ming bir g'urur,
Zavol ko'rma to abad, yarashmas gulga tikan,
Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan.



* * *

O'tar kuning o'taverar so'ramaydi,
Boshga tushgan qorni birov kuramaydi,
Tosh nuraydi, pok niyatlar nuramaydi,
Ketar yilning shukrini qil, kuzatib qol,
Yangi yilga bag'ringni och, xush kutib ol.

Otang bormi, orzularin ushatib yur,
Onang bo'lsa poyiga gul to'shatib yur,
Qadam bossang Alpomishga o'xshatib yur,
O'tar yilda gar dilingda qolsa savol,
Yangi yilda sen yangratib javobin ol.

Ezgulikning mehrobidan yiroq bo'lma,
Vale o'zing xush niyatga tuzoq bo'lma.
Magar nursan, kunduz yongan chiroq bo'lma,
Yuz jilvada boqsa hamki tunda hilol,
Yangi yilda nazaringni quyoshga sol.

Kelgin gulga, ham rayhonga bo'l hamnafas,
Hasadni qo'y, diling to'la bo'lsin havas,
Vatan bizdan vafo kutar, va'dalarmas,
Gar hamrohing ilmu hikmat, kasbi kamol,
Yangi yilda senikidir baxtu iqbol.



NIYAT QIL

Ayo do'st, davralar to'ri yarashsin,
Vale seni do'stlar bir so'zda uqsin.
Ortingdan duoda qolib qarashsin,
O'ylagan yaxshilar oldingdan chiqsin.

Agar niyating xush, Xudo xushlagay,
Niyat qil, yaxshi kun ko'ngilga sig'sin.
Ajabmas barmog'ing Hizr ushlagay,
Hizr hazratlari oldingdan chiqsin.

Baxtning belanchagi har kun tebranmas,
Senga baxtlilarning quvonchi yuqsin.
Armon armonlikdan tonsa ajabmas,
Niyat qil, baxtlilar oldingdan chiqsin.

Bir kelar, bir ketar umr yo'lida,
Millat onalari mardlarni tug'sin.
Rozi bo'l, jon bersang mardning qo'lida,
Haqdan so'r, shu mardlar oldingdan chiqsin.





BAHORNING KELISHI

Qushlar daraxtlarning qulog'iga azon aytar,
Yellar cho'tir-cho'tir yuzlaridan o'pib qaytar.
Uyg'onmasa quyosh nur bilan tarsaki tortar,
Ana keyin ko'ring-da, bahorning kelishini.

Vah, kurtaklar jilmayar beshikdagi qizingdek,
Shaftoli shoxi yulduz, ko'z tindirar ko'zingdek,
Shakarguftor qaldirg'och kuylar bir hofizingdek,
Ana keyin ko'ring-da, dillar sel bo'lishini.

Lolalar yoqqan gulxan qirlarning qirmiz yuzi,
Yetti kamalak rangi ko'kdagi gullar izi.
Qiqirlagan har qumri ko'klamning ko'rkam qizi,
Ko'klamda ko'ring-da, siz ko'zlarning tinishini.

Kapalakjon gullarga oh bir kunlik parvona,
Bolari lablarida bol tutguvchi jonona,
Har giyoh, har jonzotda yaratganga shukrona,
Ko'klamda ko'rmoq quvonch toshda gul unishini.

Qo'l-qo'lga, ko'zlar ko'zga gul tutguvchi fasl bu,
Osmon yerga entikib nur tutguvchi fasl bu,
Mahmud she'rdan sizlarga dur tutguvchi fasl bu,
Bahorda ko'rmoq huzur shoir bek bo'lishini.



HAMDAM BO'LAYLIK

Bulutlar samoda buloqlar jomi,
Yerni yashnatgaydir ko'kning salomi,
Tillardan tushmagay yaxshilar nomi,
Dil ichra yoqilgan bir sham bo'laylik,
Haq yo'lda har nafas hamdam bo'laylik.

Tongda tilovatlar toshsin dillardan,
Tinchmiz, halovatlar toshsin dillardan,
Shukrimiz tushmasin aslo tillardan,
Vatan mehrobida bir jam bo'laylik,
Haq yo'lda har nafas hamdam bo'laylik.

Ekkaning ehtimol kechroq ungaydir,
Ko'zlaring to'q bo'lsa nafsing ko'ngaydir,
Besabr qahrida pichoq yo'ngaydir,
Ko'zlarga ko'rk bergan ko'klam bo'laylik,
Haq yo'lda har nafas hamdam bo'laylik.

Tillo tovlanganda kim talpinmagan,
Sog'larning qo'lida suv chalpinmagan,
Terak qars singanda tosh silkinmagan,
Mahmud der, biz ahli karam bo'laylik,
Haq yo'lda har nafas hamdam bo'laylik.



YAYRAYSIZ

Bir tilak talpinar dildan tilimga,
Yaxshilik qilsangiz yayraysiz, do'stlar.
Daryodillik yordir tanti elimga,
Yaxshilik qilsangiz yayraysiz, do'stlar.

Boychechak tilanmas hech kimsa kuzdan,
Osmondagi oyni so'rashmas bizdan,
Gado balqib ketsin siz tutgan tuzdan,
Yaxshilik qilsangiz yayraysiz, do'stlar.

Chinnisini chertib sotadi kulol,
Tongni bizga tutib botadi hilol,
Mehmoni mezbonga kelmasin malol,
Yaxshilik qilsangiz yayraysiz, do'stlar.

Orasta ostona orom beshigi,
Quyoshga ochilmish tongning eshigi,
Tillardan tushmagay baxtning qo'shig'i,
Yaxshilik qilsangiz yayraysiz, do'stlar.

Jilmaygan chehradan jilo qoladi,
Ketsak biz ketamiz, dunyo qoladi,
Mahmuddan shunday bir sado qoladi,
Yaxshilik qilsangiz yayraysiz, do'stlar.



DUNYO GO'ZAL

Orzu bilan armonning
Orasida nima bor?
Ko'rinmaysiz, dildorim,
Dilda jindek gina bor.

Kuz bizni ko'zlamasmi,
Qish bizni izlamasmi.
Gul ochmay bahorimiz
Bo'tadek bo'zlamasmi?

Choynakka ham xush yoqmas
Piyolaning chegasi.
Suv sepilgan hovlining
Suvdek suluv egasi.

Ochiladi dasturxon,
Yopiladi dasturxon.
Sindirolsa sovchilar
Topiladi bir juft non.

Bo'ylashsak dunyo go'zal,
To'ylashsak dunyo go'zal.
Sizga mendek yaxshi yo'q,
Menga ham sizdan afzal.



MA'RIFAT QASRI

Bir toshda ming yilning bitiklari bor,
Bir toshdan asrlar qilsa iftixor,
Nechun quvonmayin, aytmayin takror,
Shunday bino qurar shoh Temur nasli,
Ma'rifat qasri bu, ma'rifat qasri.

Tojmahal dunyoning tojiga arzir,
Bitta Samarqandga o'n Parij nazr,
Toshkent salobatin sevmuqlik farzdir,
Hayratu havasdan lol olam ahli,
Ma'rifat qasri bu, ma'rifat qasri.

So'z ichra quyoshdir Navoiy nomi,
Ulug'bek tundagi nurning salomi,
Kitoblarda qolmish hikmat kalomi,
Ajdodlarga tortar avlodlar asli,
Ma'rifat qasri bu, ma'rifat qasri.

G'ururdan yiroqdir g'urbatda qolgan,
Qandoq faxr etgay hasratdan tolgan,
Olam o'zbeklardan ko'p ibrat olgan,
Bu qudrat onidir, yaratmoq fasli,
Ma'rifat qasri bu, ma'rifat qasri.



QO'SH QUVONCH

Men oltmishning ostonasida,
Siz to'qsonni tutamladingiz.
Mehringizning koshonasida,
Ona, faqat nur jamladingiz.

Dardlaringiz balki ummondir,
Shukringiz ham daryolarcha bor.
Sizda qanday qudrat nihondir,
Siz sahroi sabrda chinor.

Siz halollik tug'ini tutib,
Oriyatni osmon bildingiz.
G'araz, hasad, kinni unutib,
Armon ko'ksin tig'da tildingiz.

Ko'nglimizni gulday asrabon,
Ham chaydingiz iymon nuriga.
Hovuchlarim to'ldirdim har tong,
Sizdan olgan duo duriga.

To'qson ming bor ta'zim qilsam kam,
Oltmish ming bor tiz cho'ksam arzir.
Jonim onam, mehribonginam,
Mahmud Sizdan toabad qarzdir.



O'ZING QO'LLA

Kimlar kirib, kim kirmagan bog'damiz,
Kimlar uchun qadam yetmas tog'damiz.
Shu kunlarga yetkazganga ming shukur,
Yetmaganni topolmayin dog'damiz.

Oqil aytar ortingda bir iz qolsin,
El alqagan o'g'il qolsin, qiz qolsin.
Quhog'ingga sig'mas dunyo boyligi,
Farzandingga halol topgan tuz qolsin.

Bu dunyoning orzulari poyonsiz,
Tirik odam yasholmaydi armonsiz.
Xush tilakka yig'lab yetib bo'lmaydi,
Shukur qiling, siz safdasiz, omonsiz.

Jonim elim, tinchlik bo'lsin yo'ldoshing,
Tumanlarda toliqmasin quyoshing.
Men toshlarni titratguncha kuylayin,
O'zing qo'lla, men ham sening qo'ldoshing.





TUPROQDAN TASHQARI

Zaminning tumori muborak izdir,
Baxtga yetaklasin bosgan qadamlar.
Tiriklik dunyoda eng shirin soʻzdir,
Tuproqdan tashqari yurgan odamlar.

Shukurni suv misol shimirib iching,
Onangizni asrang, bolangiz quching.
Oqibat bogʻiga bir nihol eking,
Tuproqdan tashqari yurgan odamlar.

Turnadek koʻklamni yoʻqlab yashangiz,
Kurtak kulgusini ilgʻab yashangiz,
Omonsiz, bir-birni alqab yashangiz,
Tuproqdan tashqari yurgan odamlar.

Gar koʻngil koʻngilga mehr ilinmas,
Jafo jilmaymagay, toshlar tilinmas,
Qadrsiz qatorda boring bilinmas,
Tuproqdan tashqari yurgan odamlar.

Qaytib gʻuncha boʻlgan gulni bilmaymiz,
Boshdan Xumo oʻtar yoʻlni bilmaymiz,
Qaytmas yoʻlga chiqar kunni bilmaymiz,
Tuproqdan tashqari yurgan odamlar.

Omin deng, yaxshiga Haq nazar bersin,
Yomondan har dilga bir hazar bersin,
Mahmudga sheʻr otliq bir kavsar bersin,
Tuproqdan tashqari yurgan odamlar.



MEN TUG'ILIB O'SGAN YURT

Men tug'ilib o'sgan yurt,
Tuproq'i tillodandir.
Jamoli jannat monand,
Ziynati ziyodandir.

Tilda ming shukur bilan
Ochdim ko'nglim daftarin.
Men unga tumor qilay
Ko'zlarimning gavharin.

Maysasin qalam qilsam,
Shabnami siyoh bo'ldi.
Atirgul bargi qog'oz,
Oy oqshom chiroq bo'ldi.

Tongidan toza tilak,
Dilga to'kilib turdi.
Ilhom chimmatin choki,
Bir-bir so'kilib turdi.

Bulut kelsa boshimga,
Yellari surib berdi.
Qirq so'zdan bittasini
Bulbuli terib berdi.

Chunki bu elning asli
Shoirdir har bolasi.
Momo Yerga she'r o'qir,
Qirda qalqib lolasi.

Yurt haqida gapirsang
Yuraging yo'ldosh ekan.
Azizlarining ruhi
Har ishda qo'ldosh ekan.

Tuprog'iga tiz cho'kib
Demang, rivoyat aytdim.
Panoqingda asra deb,
Olohga oyat aytdim.





E'TIROF

Minnatli mezbonga mehmon bo'lgandan,
Qadr qo'rg'onida qul bo'lgan yaxshi.
Hikmat bor, yot elda osmon bo'lgandan,
Vatan tuprog'ida kul bo'lgan yaxshi.

Tikondan asrasin deymiz Xudoyim,
Yantoq yegan qo'yga tikon muloyim.
Quyosh yerda ko'rmish o'zin chiroyin,
Til topib tikonga dil bo'lgan yaxshi.

Ildiz iltifoti chinorga bo'ydir,
Tosh topsang imorat poyiga qo'ydir.
Tush ko'rsang ta'birin oqilga yo'ydir,
To'g'ri so'z qirq yorsa qil bo'lgan yaxshi.

Dilga ko'z bo'lmaydi oydayin yuzlar,
Kuygan dil kuymoqchi bo'lganni izlar,
Havoda xazondek sarg'aysa so'zlar,
Bulbul bo'lolmasang gul bo'lgan yaxshi.

Jilg'adek jilmaygin, hayot ummondir,
Yaxshiga tosh otsang Tangri qalqondir,
Mahmud bil, qay dilga iymon posbondir,
Shu ahli iymonga el bo'lgan yaxshi.



OR QILGAY

To'zg'igan xayolin tutgan bormikin,
Kelmasligin bilib kutgan bormikin,
Baxtining bahridan o'tgan bormikin,
Sirilgan sirlarni bilgim keladi,
Yontoqni yig'latib yulgim keladi.

Yuragimda yig'lab yotgan qushim bor,
Qanotlarin bog'lab yotgan qushim bor,
Qaro tunni tovlantirar tushim bor,
Boshim uzra osmon og'ib chiqadi,
Yostig'imga yomg'ir yog'ib chiqadi.

Til bersalar gulga tilmoch bo'lgayman,
Yo'l bersalar nurga tilmoch bo'lgayman,
Olov so'rang, qo'rga tilmoch bo'lgayman,
Jonim ichra armon yashar o'kinib,
Ko'nglim bilan ketgim kelar to'kilib.

Bitta satr bedor qilar tonggacha,
Bitta satr bemor qilar tonggacha,
So'z yetmasa jondan o'tib qongacha,
Bu shoirdan oppoq qog'oz or qilgay,
Bu shoirni o'z qalami xor qilgay.



OSMON UZOQ

Osmon uzoq, yer qattiq,
Bulut mening boshimda.
Buncha kurmak ko'p ekan
Suyub ichgan oshimda.

Sevgimga sadoqatni
Samodan olmagandim.
Mehrimga mukofotni
Gadodan olmagandim.

Men oyning o'rog'ini
Kamon ham qilganim yo'q.
Sha'nimni sha'ndek tutdim,
Yomon ham qilganim yo'q.

Kiprigidan o'q o'tsa,
Qahriga ham chidadim.
Yuzida oy tutilsa,
Zahriga ham chidadim.

Osmon uzoq, yer qattiq,
Bulut mening boshimda.
Buncha kurmak ko'p ekan
Suyub ichgan oshimda.

Qars axir ikki qo'lning
Xush chiqqan jarangi-ku.
Muhabbat ikki dilning
Gul ochgan bir rangi-ku!



SABOQ

Bir bor kelar dunyoga odam,
Kelibdimi, qandini ursin.
Ammo hayron odamdan olam,
Ko'rmaganning ko'rgani qursin.

Nokas yozgan dasturxon yig'lar,
Nodon topgan soxta shon yig'lar,
Noshud ekan gul, rayhon yig'lar,
Ko'rmaganning ko'rgani qursin.

Sag'ir ko'zda mudom yosh ekan,
Minnatli osh misli tosh ekan.
Zargar emas, zar talosh ekan,
Ko'rmaganning ko'rgani qursin.

Ko'ngil ko'zi asli ko'r bo'lsa,
Tilagiga shayton jo'r bo'lsa,
Oltmishda ham odam g'o'r bo'lsa,
Ko'rmaganning ko'rgani qursin.

Saodatning o'z sabog'i bor,
To'g'ri so'zning o't, chaqmog'i bor,
Har hikmatning bir chirog'i bor,
Ko'rmaganning ko'rgani qursin.



DIL ISTAGI

Yaxshilik buloqning ko'zi aslida,
Hech kimsa shu suvga tashna o'tmasin.
Baridan baxt tomgan hikmat faslida,
Inson ulug'likdan toyib ketmasin.

Dog'dan dod solarkan ko'ngil oynasi,
Sutdek oppoqmikan iymon siynasi,
Malol kelsa hamki do'string ginasi,
Inson ulug'likdan toyib ketmasin.

Qoshni qaro qilgan qalam tugarkan,
Quvonch quvib kelsa alam tugarkan,
Havasning poyiga hasad qularkan,
Inson ulug'likdan toyib ketmasin.

Otangdek ulug' zot past ketsa yomon,
Gul tutib kelsang-u, xas tutsa yomon,
Yuz yil umr bersin, yashasin omon,
Inson ulug'likdan toyib ketmasin.

Bu dunyo besh kunlik besh barmoq aytar,
Zar to'n ham yirtilgay zar yamoq aytar,
Ko'kdan yerga tushmay har chaqmoq aytar,
Inson ulug'likdan toyib ketmasin.

Birovning to'nida jisming yayramas,
Izzatsiz tillarda isming yayramas,
Qahr qo'rg'onida bulbul sayramas,
Inson ulug'likdan toyib ketmasin!



A'MOL

Har kimning bor o'z qiyofasi,
Ichar suvi, olar nafasi.
Tug'yon qilsa dilga tor kelar,
Shoirlarning ko'krak qafasi.

Har kimda ham orzu, armon bor,
Bilmam qancha rost va yolg'on bor.
Ammo aytsam shoir ko'ksida
Hech kimda yo'q bitta osmon bor.

Oq tilaklar osmonidir u,
Bulbullarning bo'stonidir u.
O'zi yerda, ruhi samoda,
Oshiqlarning posbonidir u.

Shoirlarning shamoli boshqa,
Alam cheksa a'moli boshqa.
So'zdan kelar savob, gunohi,
Qiyomatda savoli boshqa.





* * *

Men izlagan daryolar,
Buncha mendan yiroqsiz.
Men izlagan ziyolar,
O'zga boshda chiroqsiz.

Armon mening ostonam,
Hech olislab ketmaydi.
Orzu esa begonam
Barimdan ham tutmaydi.

– Yor deysizmi, – yor qayda,
Ko'chamni bir ko'rmagan.
Tosh qolmadi hech soyda
Men ko'ksimga urmagan.

Nahot abad to'ksam ter,
Arosat ummonida.
Nogoh dilim: – Men bor, – der –
Umringning karvonida.

Boqsam ne-ne daryolar,
Dilimda oqar ekan.
Chiroqlarin ziyolar
Ko'zimda yoqar ekan.

Yaratgandan xush niyat
Tilab yashagin ekan.
Ko'ksingdan samimiyat
Elab yashagin ekan.

Bobo Rumi aytgan u
Tilakni tutmoq bo'lsang.
Qiyomatda kurmaksiz
Elakni tutmoq bo'lsang,

Mahmud, iymon ko'zgusin
Ko'zingdan axtargaysan.
Har tilakning ezgusin
O'zingdan axtargaysan.





KO'NGILNING YOSHI

Oyning o'rog'iga ilingan ko'ngil,
Tuhmatning tig'ida tilingan ko'ngil,
Qo'y, endi bo'zlama, taqdirga ko'ngil,
Toshlarning avvali taqdirning toshi,
Ko'zyoshning avvali ko'ngilning yoshi.

Bu dunyo azaldan sinoat-sirdir,
Hayot ummonida kemamiz birdir,
Ay ko'ngil, o'zingdan o'zingni qidir,
Agar kim topmoqqa yetsa bardoshi,
Boshida porlagay iymon quyoshi.

O'zing jismimdagi shohu jahonim,
O'zing yetti osmon, o'zing zindonim,
Sen kimsan, o'ziga-o'zi hayronim,
Umr ne? Rizq, obro', mansab taloshi,
Tunga malol kelar kunning qaroshi.

Har kim jur'at bilan ko'zgu tutmagay,
Chunki ko'zgudan hech shafqat kutmagay,
Bulbul – bulbulligin gul unutmagay,
Ming irmoq bir ulug' daryoning boshi,
Tosh – toshning, gul – gulning bo'lgay sirdoshi.

Saodat istasang – salomni xush qil,
Karomat istasang – kalomni xush qil,
Kel, Mahmud, ko'ngilning ko'shkidan tushgil,
Yer uchun yaralgan Haqning quyoshi,
Dunyo dardin yuvsin ko'ngilning yoshi.



ASRALSA ASRAYDI

G'ururdan yiroqdir g'urbatda tolgan,
Ayt, qandoq quvonsin hasratda tolgan,
Qumdan qasr qurar g'iybatda tolgan,
Shukru qanoatning beshigi Vatan,
Baxtu saodatning qo'shig'i Vatan.

Quyoshga talpingan qo'rin yo'qotmas,
Kimki do'sti sodiq – jo'rin yo'qotmas,
Elki e'tiborli – zo'rin yo'qotmas,
Mayli, chimdim maysa, bir g'ishtdir Vatan,
Qadriga yetganga behishtdir Vatan.

Otalar oridan yaralgan kamon,
Onalar zoridan yaralgan qalqon,
Va lekin Vatanga jon erur posbon,
Asralsa asraydi joningni Vatan,
Otangdek sharaflar shoningni Vatan.

Orzular bo'y cho'zsa, osmon qo'l cho'zar,
Idroking oftobing, imkon qo'l cho'zar,
Oqil yurt yaratar, nomard el buzar,
Qursang, ko'z olguvchi duringdir Vatan,
Yursang, izingdagi nuringdir Vatan.

Tiz cho'ksang tizingdan tutguvchi – tuproq,
Yo'l yursang onangdek kutguvchi tuproq,
Mangu bolishingni tutguvchi tuproq,
Har siqim tuproqning naqdi Vatanda,
Insonga yor bo'lgay baxti Vatanda.



OTA KASB

Ota kasb ovozasi eldan elga osharkan,
Kim uni ardoqlasa duolarda yasharkan,
Dil dilga-yu, gul gulga umr bersa ne ajab,
O'g'lon, otang o'lmagan, u sen bilan yoshargan.

Joningda joni bo'lsa, qoningda qoni bordir,
El ichra yuzing yorug', shoningda shoni bordir.
Kim iymon, e'tiqodda sobit yashab kelarkan,
Ulug'larning ruhlari hamisha madadkordir.

Dehqon bo'lsa ne ajab, Momo Yerning dildoshi,
Bog'bon bo'lsa ming shukur, har niholning sirdoshi.
Kim qursa qudrat bersin, har bino yurtga sharaf,
Ilmu hikmatli bo'lsa, degay millat quyoshi.

Ota kasb – har avlodning ado bo'lmas oltini,
Halol mehnat – Xumosi, har ota zuryodini.
Qo'llari gul edi-da, desa shukrim behisob,
Mayli, shoir demasin Mahmudning avlodini.





ANGLASH

Odam anglamaydi buni daf'atan,
Vatanda ochilur insonning ko'zi.
Uni yelkasida ko'tarar Vatan,
So'nggi safarga ham kuzatar o'zi.

Yillar yig'indisi umr sanalmas,
Yashamoq Vatanni tanishdir asli.
Farog'at faslida inson sinalmas,
Mashaqqat mevasi – odamzot nasli.

Har kishi ketgaydir paymona to'lsa,
Beshikdan tobutga qadar yo'li bor.
Avval Vatan sevar, chin dili bo'lsa,
Vatan qurib yashar, agar qo'li bor.





UMID

Ko'nglim kengliklarin kezdim, yetmadim,
Yurakni anordek ezdim, otmadim,
Shayton chorlab toldi, qo'lin tutmadim,
O'ylasam, aytarga so'zim bor hali,
Qarasam, o'zimda o'zim bor hali.

Men toshlarni to'lg'otmoqni istayman,
Karaxtlarni uyg'otmoqni istayman,
Kimga nurdek, mayli kimga tuzdayman,
Balqigan bahorim, yozim bor hali,
Sadosi samoviy sozim bor hali.

Hayot ummon bo'lsa, bitta g'avvosman,
Topgan so'zlarimni qildim pardozman,
Tillashdim, dillashdim qalam, qog'ozman,
Bulbulning xatiga borarman hali,
Qalblarning qatiga borarman hali.

Maysada murod bor tilin topganga,
Qirq yormoq mushkulmas qilin topganga,
Hayot guldek go'zal gulin topganga,
Siyratim sarg'aytgan savol bor hali,
Shukrki, umidbaxsh a'mol bor hali.

Mardlar maydon tomon dovlab borurlar,
Shoirlar dil qushin ovlab borurlar,
Quduqni ignada kovlab borurlar,
Biz baytlar bazmiga chorlaymiz hali,
Ko'ngillar ko'kida porlaymiz hali!



SAVOL

To'lganda to'kilging kelmaydimi, ayt,
Sog'insang yuking kelmaydimi, ayt,
Dil-dildan o'king kelmaydimi, ayt,
Men kutgan tunlarning mohtobi qayda,
Men intiq tonglarning oftobi qayda?

Orzu arimaydi, armon arimas,
Oshiqqa azaldan yolg'on darimas,
Odam qarigaydir, shayton qarimas,
Gunoh gullab tursa, savobi qayda,
Shonu shuhratingning sharobi qayda?

Savoldan saodat kutsa bo'lurmi,
Tig'ni tumordayin tutsa bo'lurmi,
Dunyodan yig'lamay o'tsa bo'lurmi,
Bo'zlasang diydaning gulobi qayda,
Agar daryodilsan, dil obi qayda?

Ummondan zarrani izlab bo'lurmi,
Gul bilan ko'ngilni tig'lab bo'lurmi,
Javobsiz savoldan ko'ngil to'lurmi,
Sarkash savollarning javobi qayda,
Taqdiri azalning kitobi qayda?!



QIL ODAM

Men ko'ksimni ko'tardim asta,
Zinalarga chiqdim birma-bir.
Axir sening havasing xasta,
Sen dilingdan hasadni sidir.

Sen o'zingga ravo ko'rganni
O'zgaga ham ilindingmi, ayt?
Jafo chekib, xasta turganni
Ko'rganda bir shilindingmi, ayt?

Tilab olmas hech kim o'z shonin,
Mehr degan yerda yotmaydi.
Oqil odam o'ng qo'l ehsonin
Chap qo'liga sira aytmaydi.





AYOLGA BAXT TILANG

Dillari go'zallar qarish bilmagay,
Ayollar yoshini so'ramang hech vaqt.
Ayol bor, muhabbat so'nish bilmagay,
Ayolga baxt tilang, baxt va yana baxt.

Ayol – sog'inchingiz sadosi asli,
Ayol – to'rt faslning jilosi asli,
Ayol – bu dunyoning vafosi asli,
Ayolga baxt tilang, baxt va yana baxt.

Beshiklar boshida otguvchi tong u,
Eshiklar zulfidan tortguvchi tong u,
Ezgulik ovozi tinchlikka bong u,
Ayolga baxt tilang, baxt va yana baxt.

Ona u – lutfidan to'kilar duo,
Opa u – ham singil niyati ziyo.
Sodiq yor – chin yo'ldosh, ahdida vafo,
Ayolga baxt tilang, baxt va yana baxt.

Qizni-ku, ko'ngilning qoni demishlar,
Sevishga o'rgatar Zuhro, Kumushlar,
Daryodek to'lishlar, o'tdek yonishlar,
Ayolga baxt tilang, baxt va yana baxt.

Ayol hur, ayol nur – dorulzamon bu,
Ayolga gul tutgan bag'ri bo'ston bu,
Ham ozod, ham obod – O'zbekiston bu,
Ayolga baxt tilang, baxt va yana baxt.



SO'Z

Buncha og'ir bo'lmasa bu so'z,
Qovurg'amni qarsillatadi.
Yuragimga o't tashlar yomon,
Ko'zlarimni chirsillatadi.

Goh qo'rqaman, qog'oz-qalamni,
Jur'at qilmam qo'lga olishga.
Hushim yo'qdir bu otash ichra,
Kul bo'lishga, kuyib qolishga.

Har bir so'zning o'z turi bordir,
Turfa so'zning turfa jarangi.
Diydor so'zin sadosiga hech
O'xshamaydi hijron ohangi.

Keling, degan so'zni suyganlar,
Yo'qol, so'zin yoqtirmaydilar.
Bolariga kaftin tutganlar,
Chayonga hech chaqtirmaydilar.

Sevasizmi, degandan ko'ra,
Sevaman, deb aytganlar baxtli.
Qarg'ish olgan shohlarmas, yo'q-yo'q,
Duo olgan faqirlar taxtli.

Buncha og'ir bo'lmasa bu so'z,
Qovurg'amni qarsillatadi.
Yuragimga o't tashlar yomon,
Ko'zlarimni chirsillatadi.

Ona so'zi – so'zlar a'losi,
Ota so'zi – boshdagi tumor.
Vale ular bir so'zni xushlar,
Farzandidan qilsa iftixor.

Inson bilar non uvolini,
So'z uvolin o'ylamas gohi.
Bilmaydiki, so'zdan yaratgan
Bu dunyoni qodir Ilohi.





TOG'DA

Nabiram Ziyodbekka

Bulutlardan qo'rqma, ey o'g'lon,
Bulutlarning umri qisqadir.
Sen qarshingda tog'larga qara,
Mangulikka ular jussadir.

Shamollar ham o'tar lahzada,
Shamollardan yuzingni burma.
Bilsang agar o'shal shamollar,
Huv tog'larning ko'ziga surma.

Bunda agar sen ilg'ay olsang,
Sukunatning sadolari bor.
Ko'zyoshlarin archalar ichgan,
Tog'lar toshin nidolari bor.

Bunda mushkul nasiba topmoq,
Yashamoqning sharti ko'p og'ir.
Kiyiklarning ko'zlarin yoshi,
Qoplonlarga bo'lgaydir chog'ir.

Toshni yorib chiqqan maysalar,
Muz ostidan mo'ltiraydilar.
Bunda qorlar quritlab ketib,
Yaratgandan nur tilaydilar.

Tabiatning o'z qonunlari,
Tog'lar toshin o'yib yozilar.
Bilsang bunda nazari toza
Burgutlardir asil qozilar.

Demasman hech tog'larga, o'g'lon,
Och bir nazar, yarog' bilan kel.
Agarda sen tog'larga kelsang,
Burgutga xos nigoh bilan kel!





HAYRONLIG'

Tolening yorlig'i – ko'zdagi nurdir,
Xazon hayronlig'i – o'tgan umrdir,
Yuzning qarolig'i – bu ne ko'mirdir,
Bu dunyo bolini totganlar qani,
Xazon bolishida yotganlar qani?

Olimlar olamni oldim, dedilar,
Nochorlar kuchlini zolim, dedilar,
Bemorlar kim so'rar holim, dedilar,
Or qilmay har safar olganlar qani,
Ko'zlari yo'llarda tolganlar qani?

Dunyoda ko'ngildan osmon narsa yo'q,
Aslida va'dadan yolg'on narsa yo'q,
Savolni berishdan oson narsa yo'q,
Tilsimning tomirin tilganlar qani,
Qillarni qirq bo'lak qilganlar qani?

Har so'zni so'z ichra izlab olurman,
Birin sen, birini sizlab olurman,
Bermasa, Tangriga bo'zlab olurman,
Dillarga ko'z bo'lib kelganlar qani,
Tillarga so'z bo'lib kelganlar qani?

Toshlarning tilini topganlar qayda,
Oyni etak bilan yopganlar qayda,
Gulni qilich bilan chopganlar qayda,
Bir savol javobin oldingmi, Mahmud,
Javobsiz savoldan toldingmi, Mahmud?



TILAK

Quyoshning yuzida mehr pardasi,
Momoguldiraklar kimning zardasi,
Shunchalar shirinmi yellar xandasi,
Turnalar qatida uchgim keladi,
Shabnamni sharobdek ichgim keladi.

Yoronlar, bo'ynimda tongning tumori,
Guldan ham go'zalmish dilim dildori,
Meni Biru Borning tutgay xumori,
Kul qilsin, quyoshni quchgim keladi,
Men nurni suvdayin ichgim keladi.

Yaxshilar har yo'lda chiroq bo'larmish,
Yomonning yostig'i yantoq bo'larmish,
Tikonlar jismida tirmoq bo'larmish,
Oyni dil toqiga ilgim keladi,
Tikonni yuz mingga tilgim keladi.

Besabr boylikni botmonlab so'rar,
Sabrli misqolni botmondek ko'rar,
Chidaganga chiqargan-da, jo'ralar,
Yulduzlar yuzida yurgim keladi,
Kapalak ko'zida turgim keladi.

Shoirman-da, shaloladek shoshaman,
To'lqinsiz ham daryolardek toshaman,
Yo'l yurmasdan dovonlardan oshaman,
Har bir dilga qanot bo'lgim keladi,
Har bir tilda bayot bo'lgim keladi.



* * *

Asragil dil diyonatini,
Kechirgil do'st xiyonatini.
Neki ezgu qilib ulgurgil,
Olloh olmay omonatini.

Ko'zi to'qning o'zi to'q, axir,
Ko'zi ochning yuzi yo'q, axir.
Gar kuli yo'q olov istasang,
Iymon dilda mangu cho'g', axir.

Biz tug'ilgan o'shal qutlug' kun,
Biz ketar kun topgaydir yakun.
Bu kelganlar, ketganlar ichra
Topilmadi dunyoga ustun.

Yashash oson, qiyin bo'lsa ham,
Topilmaydi bundan keyin ham.
Ustun emas, ulug' bo'lsin deb,
Inson zotin yaratgan Egam.





* * *

Dil bor ekan, yoronlar,
Dildorlar begonamas.
Er yigit orda tursa,
Tulporlar begonamas.

Haqiqat hayqirmaydi,
Tuproqlarning tilidir.
Nigohi gapirganda
Yaproqlarning tilidir.

Osmon sira uzoqmas,
Ko'nglida ko'zi borga.
Yor ham qattiqlik qilmas,
Yurganda izi borga.

Umr degan daryoning
Uvolida kim suzar?
Tepsa tebranmas toshning
Xayolini kim buzar?

Yaxshi so'z jon ipidek,
Dilni dilga bog'laydi.
Yomon so'zning yodi ham
Jismu joning tig'laydi.

She'riyat ham bir daryo,
Dil dardini aritar.
Mahmudni ham shu daryo
Qirg'og'ida qaritar.



MULOHAZA

Ochil dasturxon kutgan
Osmondan ko'z uzmaydi.
Iymonni ustun tutgan
Yolg'onga ko'z suzmaydi.

Aqlni ariqlarda
Oqqanini kim ko'rgan?
Quyoshni qaro tunda
Chiqqanini kim ko'rgan?

Tovoning tosh bo'lsa ham,
Tosh tepmoqdan nima naf?
Ikki dunyo – yaxshi o'ng,
Yomon doim so'l taraf.

Gar o'zingni oy bilsang,
Osmoningdan tushib ko'r.
Oqibat olov yoqqan
Doshqozonda pishib ko'r.

Ko'ngilning ko'chasiga
Kirgan ko'p-u, chiqqan kam.
Bu dunyo kitobini
O'qigan ko'p, uqqan kam.

Mahmud, she'rda nasihat
Azal-abad yarashmas.
Dili go'zal odamlar,
Yantoq yonsa qarashmas.



OZOD YURTDIR O'ZBEKISTON

Ilk ko'rganing guldir Vatan,
Ilk ko'rganing nurdir Vatan.
Bu dunyoni ming yil kezsang,
Topib bo'lmas durdir Vatan.

Ozod elning ovozasi,
Obod yurtning andozasi,
Xush niyatli do'st-yor uchun
Ochiq bu yurt darbozasi.

Matonati bobo meros,
Muhabbati momo meros.
Lutfin nuri Navoiydan,
Marddir Amir Temurga xos.

Quyosh bilan qarindosh el,
Ma'rifati bir quyosh el.
O'zbek desa, olam bilar
Ham daryodil, ham dildosh el.

Bobolari yuzdan oshib,
Momolari yuzdan oshib,
Yashaydilar tinchlik tilab
Kaftlaridan duo toshib.

Ozod yurtidir O'zbekiston,
Obod yurtidir O'zbekiston.
Ham sevgiyu sadoqatdan
Bunyod yurtidir, O'zbekiston.



OV

Yig'layversang ko'zga ham
Yosh kelmayin qolarkan.
Tikilganga tumor ham
Dosh kelmayin qolarkan.

Ko'ngil otlig' bu hamroh
Har kuni jo'r so'raydi.
Hayotning doshqozoni
Har kuni qo'r so'raydi.

Orzuning parvozi zo'r,
Imkonning qanoti tosh.
Yetolmas yo'lga chiqsa,
Vijdonning ko'zida yosh.

Ko'rpaga qarab, axir,
Oyoqni uzatgaylar.
Niyati bukrilarni
Qabrida tuzatgaylar.

Sen oyni olisdan ko'r,
Quyoshga sal qarab qo'y.
Tog'dan baland tog' ko'rsang,
Nogahon cho'zgaysan bo'y.

Yaxshining yori Xudo,
Toblansang, tovlangaysan.
Niyatsiz yo'lga chiqsang,
Qushdayin ovlangaysan.



DARD

Shukringda ibodat bor,
So'zingdan nur taralgay.
Mehringda saodat bor,
Ko'zingdan nur taralgay.

Ko'ngilning koshonasi
Sehrdan yaralgaydir.
Oqibat ostonasi
Mehrdan yaralgaydir.

Muhabbat mehrobida
Tiz cho'kmoqning baxti bor.
Oshiq dil oftobida
Yaratganning taxti bor.

Gunohga yig'lay bilmoq
Mardlik maqomiga xos.
Dil qonin shabnam qilmoq
Ishqning ahkomiga xos.

Unutsang, dard – dard emas,
Dard jonda gullab tursin.
Bir dardki, ilohiy sas,
Umringni tilab tursin.



VATANDA BO'LUR

Kimni chorlar bog'lar, kimni cho'l isi,
Kimni maftun etmas, maysa, gul isi,
Baridan azizdir, bilsang, dil isi,
Dil mavji dil tortar chamanda bo'lur,
Dilbarlik, dildorlik Vatanda bo'lur.

Osmon oftob bilan charaqlar kunda,
Osmon mohtob bilan go'zaldir tunda,
Vafosizga Vatan yo'qdir ochunda,
Jon asli jismda, har tanda bo'lur,
El bersa e'tibor Vatanda bo'lur.

Bulbul bedor bo'lsa guli ergashgay,
Mardlar yo'lga chiqsa eli ergashgay,
Tug'ishgan yotgamas, yurtga yarashgay,
Omad balki sanda yo manda bo'lur,
Shukur qil, u bizda – Vatanda bo'lur.

Qoshingga egilib kelishin kutma,
Yo'l kutgan, gul kutgan dilni unutmam,
Mehring darig' tutma, elni unutmam,
Oqibat ko'rganlar dilxanda bo'lur,
El baxti el suygan Vatanda bo'lur.

Vatan – yo'lda yongan umring chirog'i,
Vatan – duo tutgan dilning bulog'i,
Sevinmoq sabog'i, sevmoq sabog'i,
Bahorlar tark etmas chamanda bo'lur,
U – ozod, u – obod Vatanda bo'lur.



BULBULLAR

Gulzorda gulxan bo'lib,
Bo'zlaydilar bulbullar.
Bir g'unchadan bir nazar
Izlaydilar bulbullar.

Shamollar shaddod biram,
Bog'larga kulgu sochar.
Bulbullarga pand berib,
G'unchalar ko'zin ochar.

Bulbullarning ohidan
Gullar lov-lov yonadi.
Shamollarda sharm yo'q,
Kimdir kimdan tonadi.

G'unchalar labin ochsa,
Bolariga baxt boqar.
Bulbullarni butoqda
Oh chaqar, alam chaqar.

Aslida bu, yoronlar,
Bahorning karomati.
Shoirlarga she'r berar,
Bulbullar nadomati.



XUSH UYG'ONAR

Go'zallar dil rozini
Noz bilan yoqlagaylar.
Oshiqlar dil rozini
Oh bilan oqlagaylar.

Go'zallar ochilgan gul,
Husniga xummoralar.
Oshiqlar oshufta qul,
Dil ba yor bechoralar.

Gul yonsa, gulzor go'zal,
Talpinmoq tilovatdir.
Dil yonsa, ozor go'zal,
Ohlari ibodatdir.

Sevinmoq saodati
Diydorning duridandir.
Ko'ngilning karomati
Sog'inchning nuridandir.

Bir boqmoq hayratida
Ko'ngil qo'rga to'kilgay.
Oshiqning siyratida
Jon chokidan so'kilgay.

Jon chashmasi jon uchun,
Tomirlarda to'lg'onar.
Sevganning bag'ri butun,
Sevilgan xush uyg'onar.



BEGONALIK

Tuproqni durdek tutsang,
Osmon o'par boshingni.
O'g'lon bo'lsang onangga
Ko'rsatma ko'zyoshingni.

Nuri yo'q orzulardan,
Ushalmas armon yaxshi.
Tiz cho'kkan oliftadan,
Tik turgan dehqon yaxshi.

Hasadning xumorini,
Havasning tig'iga tut.
Qaddingni bo'ylasalar,
Oriyat tug'iga tut.

Yot yo'lning chirog'idan,
Tuqqan yo'l toshi afzal.
Mehmonga baxmal taxtdan,
Oqibat oshi afzal.

Iymon, ishonch, muhabbat,
Ahli donish duridir.
Bilib bosilgan qadam,
Farosatning nuridir.

Oy bilan ovvoralik
Yerdan yiroqlab qo'yar.
Begona o't ko'rganda,
Dehqon o'roqlab qo'yar.



ORZULARIM

Men bolamning quvonchini quchgim bor,
Rayhonlarning iforini ichgim bor,
Tuproqlarni yalangoyoq kechgim bor,
Orzularim tiniq suvdan tiniqdir.

Xayolimda ummon bilan yuzlashdim,
Men dilimda shabnam bilan tillashdim,
Muzni yorib boychechak-la gullashdim,
Orzularim tiniq suvdan tiniqdir.

Nabiramga novvot berdim tilimdan,
Bolarilar bol oldilar gulimdan,
Ming yil yursam yomon chiqmas yo'limdan,
Orzularim tiniq suvdan tiniqdir.

Bir bog'larki, tikoni yo'q bag'rida,
Bu ne dilki, oftob kular qahrída,
Bu ne chayon, shifo tutar zahrida,
Orzularim tiniq suvdan tiniqdir.

Qaldirg'ochlar kulgusida gul unsa,
Bu ne toshki, tuyg'usida dil unsa,
Bu ne zulmat, tovbasida nur unsa,
Orzularim tiniq suvdan tiniqdir.

So'zlaganda so'zni sotib olmasam,
Xush nigohga ko'zni sotib olmasam,
O'zligimga o'zni sotib olmasam,
Orzularim tiniq suvdan tiniqdir.



YO'L

Bu dunyoga yo'lchi bo'lib kelganmiz,
Bir kun yig'lab, bir kun quvnab kulganmiz,
Banda biz-da, to'kilmayin to'lganmiz,
Shayton bor, Rahmon yor, dil bor ekan-da,
Ko'ngildan ko'ngilga yo'l bor ekan-da.

Oftobni ham uzib yashaganlar bor,
Bulutni tagiga to'shaganlar bor,
Qaqqaygan qoyaga o'xshaganlar bor,
Toshga tosh, gul uchun gul bor ekan-da,
Ko'ngildan ko'ngilga yo'l bor ekan-da.

Muhabbat mevasin beshikka belang,
Quvonchni ko'ngilda undayin elang,
Insonsiz insonga yaxshilik tilang,
Ko'ksiga qo'yolsa qo'l bor ekan-da,
Ko'ngildan ko'ngilga yo'l bor ekan-da.

Tilansang Tangrining dargohi kengdir,
Bulbulsan, har dilning gulbog'i kengdir,
Iymonning, insofning panohi kengdir,
Yo'l yursang chaman-u, cho'l bor ekan-da,
Ko'ngildan ko'ngilga yo'l bor ekan-da.

Bir so'zning bir dunyo chirog'i bordir,
Bir so'zning bir dunyo gunohi bordir,
Har dilning har turli hamrohi bordir,
Kimga o'ng, kim uchun so'l bor ekan-da,
Ko'ngildan ko'ngilga yo'l bor ekan-da.

Ay, Mahmud, oftobni orazingda ko'r,
Oftobga hech kimsa tutolmagay to'r,
She'r bo'lsa, zo'r bo'lar qalbingdagi qo'r,
Olamda o'zbekdek el bor ekan-da,
Ko'ngildan ko'ngilga yo'l bor ekan-da.





TURNALARNI SOG'INDIM

Yetti ko'kning dildori,
Yaxshilikning tumori,
Aytsin ko'zimning zori,
Turnalarni sog'indim.

Men bahorga bemorman,
Ko'zim ko'kda bedorman,
Xumorman-ey, xumorman,
Turnalarni sog'indim.

Osmondagi oq tilak,
Dil uchun dildor kerak,
Ko'rsam dukillar yurak,
Turnalarni sog'indim.

Ey, siz do'st-yor, oshnalar,
Bormi mendek tashnalar,
Ko'rsam diydam yoshlanar,
Turnalarni sog'indim.

Safingizda safo bor,
Sizda oppoq vafo bor,
Osmon to'la navo bor,
Turnalarni sog'indim.

Ko'kdagi ko'zmunchoqlar,
Jonimdagi chiroqlar,
Mahmud sizni so'roqlar,
Turnalarni sog'indim.



SUPER ZIQNANING AYTGANLARI

(Hazel)

Men toshni sotaman olsangiz,
Yomg'irni ham sotgim keladi.
Siz tekinga nafas olsangiz,
Hasad jonim tig'dek tiladi.

Ko'rganlarim ko'zimmikidir,
Tutganim ham qo'limda qolsa.
Bir mirisiz suv so'rasa kim,
Bo'zlab-bo'zlab yo'limda qolsa.

– Ziqnalik ham evi bilan-da,
Odammisan, deya yotibsiz.
Bilmaysizki, mening ko'chamdan
Pul to'lamay o'tayotibsiz.





BARKAMOL AVLOD

Yoshlik o'zi shiddat degani,
Ko'ksingdagi qudrat degani,
Niyati nur ajdodimiz bor,
Ko'kdan tushmas ibrat degani.

Biz ibratning izidagi nur,
Biz qudratning ko'zidagi nur.
Ota makon, Ona Vatanda
Ozod xalqning so'zidagi nur.

Biz barkamol, baxtga yor avlod,
Hur, farovon taxtga yor avlod.
Vatan uchun jonini tikkan
Qasamiga, ahdga yor avlod.

Ezgulikning qanoti bizda,
Baxt so'zining bayoti bizda.
O'zbekiston ulug'lar yurti
Hazrat Temur saboti bizda.

Elak ko'rgay elning shevasi,
Qurgan odam qudrat egasi.
Biz yaratib, yashnagan avlod
Guldek aziz gulning mevasi.

Biz barkamol baxtga yor avlod,
Hur, farovon taxtga yor avlod.
Vatan uchun jonini tikkan
Qasamiga, ahdga yor avlod.



SENSIZ

Muhammad YUSUF xotirasiga

Bahor bahorligin qilganda ko'z-ko'z,
Ko'ngillar ko'zini ochganda hayrat,
G'arib yuraklarni qon qilar bir so'z,
Sensiz Marhamatga keldik, Muhammad.

Kindik qoning tomgan muqaddas go'sha,
Oq bilak teraklar, oq tilak o'sha,
Sog'inchlar qo'shadir, armonlar qo'sha,
Sensiz Marhamatga keldik, Muhammad.

Biz kirdik, qabriston sukut samosi,
Shunda ham taralar onang nidosi,
Ey sen, millat ahlin bulbulgo'yosi,
Sensiz Marhamatga keldik, Muhammad.

Gul asli ham ko'zni, qo'lni yayratar,
Haq so'z Haqdan kelsa dilni yayratar,
Chin shoir chindan ham elni yayratar,
Sensiz Marhamatga keldik, Muhammad.

Muhammad, bu she'mi samoda yozdim,
Bilmaysan, hiqillab havoda yozdim,
Oyat oromida, duoda yozdim,
Sensiz Marhamatga keldik, Muhammad.



O'ZBEKISTON

Niyati xush insonning boli tilidan tomgay,
Havaski halol bo'lsa, duo qo'lidan tomgay.
Qay yurtki jannatmonand, nuri gulidan tomgay,
Tunlarni tovlantirgan mohtobim, O'zbekiston,
Oriyat osmonida oftobim, O'zbekiston.

Sen otamning dalasi, onamning rayhonzori,
Qizlarim chehrasidek bu dunyoning gulzori,
Ey ko'ksim kamalagi, ey dilimning dildori,
Shukronam sharqiratgan, shalolam O'zbekiston,
Ko'zlarimning chamani, gullolam O'zbekiston.

Olamga oro berar ozod elning safosi,
Tonglaring tarovati, tinchligimiz qiyosi,
Sen umrimiz ziyosi, sen baxtimiz Xumosi,
Qadrimdan so'z ochsalar, qarog'im O'zbekiston,
Toppinganim tumorim, tuprog'im O'zbekiston.

Ajdodi oqillarning boshida quyosh botmas,
Avlodi orda sobit, jon berar, Vatan sotmas,
El agar ozod bo'lsa, non, novvot minnat totmas,
Barakasi boqiy yurt, bahorim O'zbekiston,
To'rt faslda gul kulgan, gulzorim O'zbekiston.

Darding dunyocha bo'ldi, dunyoga bo'ylaguncha,
Baxt yuzini ko'rmading bu to'yda to'ylaguncha,
Millat tutdek to'kildi, hurliging kuylaguncha,
Armoni ortda qolgan, ozodim O'zbekiston,
Orzusi ushalgan xalq, obodim O'zbekiston.

Kimligidan iftixor qilolgan xalq o'zingsan,
Kim bo'lganin bu olam bilolgan xalq o'zingsan,
Tug'in dunyo ko'kiga ilolgan xalq o'zingsan,
Tilagida tong kulgan oftobim, O'zbekiston,
Kim bo'lding deguvchiga javobim, O'zbekiston.





TUHFA

Bu olqish bol tutgan bog'bon uchundir,
Dasturxon tumori, oq non uchundir.
Oppoq paxtalarning orazi aytar,
Bu olqish paxtakor dehqon uchundir.

Asli yerda unar paxta degani,
Bilsang terda unar paxta degani.
U zahmat mevasi, mehnat mevasi,
Egilmoq kerakdir uni tergani.

Har egat dehqonning umr yo'lidir,
Ko'ksidagi tog'i qadoq qo'lidir.
Tolasi tovlangan karvoniga boq,
Buyuk Ipak Yo'lin oppoq gulidir.

Dehqon tomiridan taralgan tola,
U oppoq niyatdir, u oppoq lola.
O'zbek paxtasining qiyosi bitta
Dunyo qo'lidagi chinni piyola.

Zafarlar yayratar shoirlarni ham,
Qo'r to'kar, nur to'kar qo'lida qalam.
Ta'zim, tasannoda bitgan shu she'rim
Paxtakor elimga farzandlik tuhfam.



AJINIYOZ ARDOG'I

Qoraqalpoq oqinlari oqil el,
Ham e'zozu ehtiromga dohil el.
Kuylaganda kuydirguvchi ham o'zi,
So'ylaganda suydirishga mohir el.

Bir yuz to'qson so'zida bir salmoq bor,
So'z bilan ham bu dunyoni olmoq bor.
Ajiniyoz oqindayin so'z aytsang,
Hikmat ila dil ko'shkida qolmoq bor.

Men Mo'ynoqning tuprog'iga tiz cho'kay,
Ay bovrin, nondan oldin yer o'pay.
Ajiniyozu Berdaqlarni bergan u,
Shunday elga duolarda dil to'kay.

Ulug'likni Amusidan olgan el,
Kunbotarda quyosh bo'lib qolgan el.
Qumdan qal'a qurib butun olamga,
Ellikqal'a dovrug'ini solgan el.

Bu dunyoni yoshartirgan so'z, ma'ni,
Ajiniyoz ardog'i bu – el sha'ni!
O'zbekiston bag'ridagi bog' bo'ldi,
Qadri baland Qoraqalpoq Vatani.



MUHABBATDAN BOSHQASI YOLG'ON

Bu dunyo ham asli yoronlar,
Yolg'onlaru hasratdan tolg'on.
Bir so'z aytar dardi bor jonlar,
Muhabbatdan boshqasi yolg'on.

Bilurmisiz, gullar ranglarni
Oshiqarning yuzidan olg'on.
Bulbul bo'zlar xush ohanglarni,
Muhabbatdan boshqasi yolg'on.

Yor ko'yida bemorlik baxti,
Bizga Odam Atodan qolg'on.
Ko'kdan tushmas Majnunning taxti,
Muhabbatdan boshqasi yolg'on.

Oy yuzidan arimas dog'ni,
Balki quyosh sog'inchi solg'on.
Yulduzlardan so'rang firoqni,
Muhabbatdan boshqasi yolg'on.

Har ko'ngilda bitta xitob bor,
Har kim kuyin o'zicha cholg'on.
Aytilgan-ku, aytaman takror,
Muhabbatdan boshqasi yolg'on.

Yuz yoshda ham sog'ingan jonlar,
Yor yodidan madorlar olg'on.
Bir so'z uchun bering imkonlar,
Muhabbatdan boshqasi yolg'on.



NADIR

Qolgan ishga qorlar yog'ar bilmaysan,
Dil og'risa orlar yog'ar bilmaysan.
Bir nokasga ishing tushsa, ayo do'st,
Qalbing bo'zlar, yuzda nogoh kulgaysan.

Bu dunyoning mozorida dod nadir,
Bu dunyoning bozorida shod nadir,
Qarindoshdan qadr so'rab bo'zlasang,
Etti yotdan narisida yot nadir?

Bu olamning ostonasi qaydadir,
Bu olamning koshonasi qaydadir?
Valiylari yuz yil yig'lab yetmagan,
Bandasining parvonasi qaydadir?

Poyingdagi xasni ko'zga ildingmi,
Baxt bog'idan bir tup yontoq yuldingmi?
Tikan degan tildan kirsa yomondir,
O'z joningni o'z tig'ingda tildingmi?

Ko'p savolning kengashi ham ko'p bo'lur,
Har bir jumboq ko'zdan chiqmas cho'p bo'lur,
Mahmud, she'rda so'z aytmoqning sharti bor,
Har yaxshi bayt, umring uchun sep bo'lur.



KO'NGIL SO'RANG

Qor yog'sa ham boshingizga,
Qalbingizni gulga o'rang.
Yosh qo'shilsin yoshingizga,
Ko'ngil uchun ko'ngil so'rang.

Bu dunyoda kuyganlar ko'p,
Ko'zda yoshin tiyar arang.
Ko'zingizga tushmasin cho'p,
Ko'ngil uchun ko'ngil so'rang.

Ona turar ostonada,
Ko'zlari to'rt, boshi garang.
Topilsa ming bahonada,
Ko'ngil uchun ko'ngil so'rang.

Sadoqatning sarvari kim,
Yuzga tepar dildagi rang.
Sabr sulton, jim turib, jim,
Ko'ngil uchun ko'ngil so'rang.

Mehr juda arzon matoh,
Kimga yuqmas tuproqdan chang.
Mayli, siz oq, do'stda gunoh,
Ko'ngil uchun ko'ngil so'rang.

Bir shoirga bersa sharaf,
Chapdan emas, o'ngdan qarang.
Siz quyoshga, oyga qarab,
Ko'ngil uchun ko'ngil so'rang.



* * *

Dengizlarning dunyosini
Bir baliqcha ko'rgan bormi?
Bir ko'ngilning duosini
Bir tariqcha ko'rgan bormi?

Bahor degan bitta so'zning,
Ming bir tuhfa gullari bor.
Ko'rolganga bitta ko'zning,
Ming bir turfa nurlari bor.

Muhabbatning ostonasi
Har ko'ngilning poyidadir.
Muhabbatning koshonasi
Har ko'ngilning oyidadir.

Oydan uzib olgan dog'ni,
Bilsang yerda qadri yo'qdir.
Ko'rdingmi, hech sevgan sog'ni,
Kesak fe'lning mardi yo'qdir.

Har maysaning murodini,
Katta ona – Yerdan so'ra.
Ulug'likning imdodini,
El qo'llagan erdan so'ra.



YOMON

Turmush deganlari tashvish toshidir,
Borga gul, yo'q uchun ko'zning yoshidir,
Toshni ham toldirgan minnat oshidir,
Nokasning noniga zor bo'lmoq yomon,
Oppoq ko'ngil bilan xor bo'lmoq yomon.

Osmon yerdan uzoq qo'li qisqaga,
Behisht tog'dan baland yo'li qisqaga,
Hech kunning qolmasin, yo'q-yo'q, yo'qsaga,
Yuzdan ko'ra yurak chandig'i yomon,
Odamning orsizi, tantig'i yomon.

Chayon chaqmoq uchun nishin no'sh qilar,
Ilon, qo'yib qo'ysang zahrin qo'sh qilar,
Yotib yeguvchilar qopin bo'sh qilar,
To'kilgan ko'ngillar to'lmasa yomon,
Bir yig'lagan bir bor kulmasa yomon.

Oqillar oridan olmos yaratar,
Sabrni iymonda tolmas yaratar,
Nigohin ham gulga, nurga qaratar,
Jahlning jon olar chaqmog'i yomon,
Ko'zyoshning begunoh oqmog'i yomon.

Cho'kmagan har ko'ngil qaddingga ustun,
Baxtdan bolish yasar har bag'ri butun,
Ay Mahmud, olov bo'l, qarg'ishdir tutun,
Shoirning xush so'zdan tolmog'i yomon,
Pishmagan olmani olmog'i yomon.



DUO

Jilg'alar jilmaysa daryo bo'ladi,
Quvongan ko'zlarda ziyo bo'ladi,
So'zning eng yaxshisi duo bo'ladi,
Duoni avvalo otangdan olgin,
Olsang, joni nisor onangdan olgin.

Demagin, dunyoni durdan yaralgan,
Yaralsa, xush tilak, nurdan yaralgan,
Ay bolam, go'zallik guldan yaralgan,
Sen ko'ngling ko'shkini chamandan olgin,
Olsang, oftob yuzli Vatandan olgin.

Sog'inchning zoridan boshlanar Vatan,
Yigitning oridan boshlanar Vatan,
Alpomish koridan boshlanar Vatan,
Duoni yurt so'rgan mardlardan olgin,
Izlarin ibрати – gardlardan olgin.

Ko'nglida quyoshga qo'shilganlar bor,
Tosh bilan arqondek eshilganlar bor,
Iloho, bo'lgaysan saodatga yor,
Olsang olaringni havasdan olgin,
Oppoq dil, shirin til, nafasdan olgin.

Kuylamoq Ollohga bo'zlamoq asli,
O'ylamoq sukutda so'zlamoq asli,
Mahmud, o'ylab so'zlar Navoiy nasli,
She'ring shivrini sabodan olgin,
Darding darmonini navodan olgin.



YAXSHI EKAN

Xush suvratu oqil odam,
Bu dunyoning naqshi ekan.
Shunday inson bo'lib hamdam,
Do'sting bo'lsa yaxshi ekan.

Quyosh kunning ko'zi asli,
Kurtak ko'klam so'zi asli,
Go'zal bo'lsa asli, nasli,
Do'sting bo'lsa yaxshi ekan.

Sog'inch – sukut sadosidir,
Ham nigohlar nidosidir,
Sodiq do'st jon fidosidir,
Do'sting bo'lsa yaxshi ekan.

Izzat topsang izingda gul,
Sihat topsang so'zingda gul,
Xush niyatda misli bulbul,
Do'sting bo'lsa yaxshi ekan.

Bo'lmasa ham dovruc, shoni,
Asli sharaf – pok vijdoni,
Gar beminnat burda noni,
Do'sting bo'lsa yaxshi ekan.

Oqibatning so'nmas qo'ri,
Yaxshilik bu – dilning nuri,
Yaxshi do'stlar dunyo duri,
Do'sting bo'lsa yaxshi ekan.



O'ZLIK

Men olovdan yaralganman, rost,
Tomirimda tonglar otadi.
Men bulbulga qo'yganman ixlos,
Yuraginga quyosh botadi.

Men so'zlarni sotib olmayman,
Ilhomimdan uzilgan gullar.
Gar jo'r bo'lsa kuylab tolmayman,
Inim bo'lar mening bulbullar.

Ey siz, shoir savdoyi degan,
Qorni bilan kuylagan kaslar.
Qultum mayning gadoyi degan,
Hissiz, dardsiz, nomard, nokaslar.

Rayhonlarning yuzini silab,
Dilingizdan gul uzganmisiz?
Boychechakning umrini tilab,
Duolardan nur tizganmisiz?

Boqiy baxtning bozori yo'qdir,
Bu berguvchi, olguvchi dunyo.
Aytsam, so'zning mozori yo'qdir,
Tilagidan tonguvchi dunyo.

O'tgan umr ohi to'kilar,
Erta yozda to'kilgan tutda.
Haqiqat-ku, mayli bukilar,
Adolatning egasi bitta.

Million sochning bir tolasini,
Bormi, axir, sarobdan olgan.
Mahmud, hargiz dil nolasini,
Vatan debon, tavofdan olgan.

Men olovdan yaralganman, rost,
Tomirimda tonglar otadi.
Men bulbulga qo'yganman ixlos,
Yuragimga quyosh botadi.





QUTLOV

Nabiram Fazliddinga

Zavqning shakli bo'lib tug'ilgan bola,
Baxtning jarangidek parvoz beradi.
Yo'rgaklarin yorib yangragan nola
Oppoq tilaklarda ovoz beradi.

Ey sen, bu dunyoning ko'hna qulfini
Jaji qo'llarida qoqquvchi go'dak.
Hali bilamay turib yashash urfini,
Chinqirib dunyoga boqquvchi go'dak.

Xush kelding hayotga, qadam muborak,
Kindik qoning tomdi go'zal tuproqqa.
Shukru tilovatda qilinar tilak,
Azonda aytilar isming quloqqa.

Endi sen dunyoda ashrafi a'lo,
Tafakkur sohibi, muborak zotsan.
O'zi panohida asrasa Xudo,
Oqilsan, orifsan, odamiy zotsan.





VATAN BO'LSA

Oy bilan olishganning
Yuziga dog' tusharmish.
Yurt mardlari quyoshning
Qozonida pisharmish.

Haqiqat hikmatini
Havodan olib bo'lmas.
Darz ketgan ishonch bilan
Hech kishi g'olib bo'lmas.

Qalqon ordan yaralsa,
Tig'ning dami qirqilar.
Niyatingda navo bor,
Yuragingni nur tilar.

Barqaror baxting uchun
Tinchlikni tumor qilsang.
Yarashgay nabirangning
Kulgusin xumor qilsang.

Armonni ortga otib,
Orzuning barin ushla.
Shukringdan sharbat ichib
Hurlikda ko'ngil xushla.

Mahmud, she'r oftobidan
Ko'ngillar chaman bo'lsa.
Go'zallik ko'chib ketmas,
Ko'nglingda Vatan bo'lsa.



MEHMON YAYRASIN

O'zbek mehmon kutsa ko'ksin keradi,
Oshni damlab qo'yar, guruch sayrasin.
Borin to'kib solar, jonin beradi,
Mehmon yayrasa bas, mehmon yayrasin.

Ayolin tergaydi, vazifa bisyor,
O'ngga qarasin-da, so'lga qarasin.
Dasturxon ko'rkidan qilsin iftixor,
Mehmon yayrasin-da, mehmon yayrasin.

Jizzali, patir non, go'shtligi ham bor,
Mehring taftida choyi qaynasin.
Isiriq tutatsin, qani ko'ztumor,
Mehmon yayrasa bas, mehmon yayrasin.

Parkent uzumidan bo'lgan musallas,
Ta'blari tortsalar, jindek no'shlasin.
Mehmondo'st o'zbekka kim qilmas havas,
Mehmon yayrasin-da, mehmon yayrasin.

Eshikdan kirarda Ma'murjon hofiz,
Komiljon otadan qo'shiq yangrasin.
Qo'lga suv quyishni unutmang hargiz,
Mehmon yayrasin-da, mehmon yayrasin.

Ketarda ko'ksida turar ikki qo'l,
To'n yopar, quvonchga g'ubor inmasin.
Havas qilsang jo'ra, o'zbeklardek bo'l,
Mehmon yayrasa bas, mehmon yayrasin.



KULGICHINGDA KUN KULAR

Gul tutsam guldan go'zal,
Kulgichingda kun kular.
Kun nadur, mehri azal
Oy og'rinib tun kular.

Kipriklaring tizgan tig'ga,
Jon nechun qalqon emas.
Bundayin jonbaxsh o'qdan
Hech qalqon tolg'on emas.

Mehrning murodini
Oshiq dil – osmon bilar.
Shoir – dil bayotini
Ham nuru guldan tilar.

Men seni gulim desam,
Gulzorlar tilanchidir.
Bulbullar jo'r bo'lishib,
Tilagim tayanchidir.

Oftob o'z alangasin,
Tik kelganda socharkan.
Ko'zlar ko'zga tushganda
Oshiqlar so'z ocharkan.

Mehringning chashmasidan
Dilim bir oblansin, yor.
Ko'zing karashmasida
Ko'zim ham tovlansin, yor!



VATAN

Har jon asli jondan bunyod bo'lgaydir,
Nasibamiz nondan bunyod bo'lgaydir,
Qadr esa qondan bunyod bo'lgaydir,
Qadru qarog'imning gavhari Vatan,
Subhi ibodatim avvali Vatan.

Nigohim nidosin gullari uqqay,
Sog'inchim sadosin yellari uqqay,
Maysa ne, toshlarin tillari uqqay,
Ilk so'zim, ilk bo'zim, tilmochim Vatan,
Ilk nurim, ilk durim, gultojim Vatan.

U – otam, duosi oltindan a'lo,
U – onam, daryodil mehrga ma'no,
U – bolam, hurlikda chehrasi ziyo,
Jonimga chirmashgan bir jondir Vatan,
Sevishga o'rgatgan imondir Vatan.

Fasllari go'zal biri biridan,
Yashillik arimas yaylov, qiridan,
Olam orolanar uning nuridan,
Kalimai qadr – kalomim Vatan,
Tinchlik tilagida – salomim Vatan.

Quyosh qatrasida kunning qadri bor,
Oyning oromida tunning qadri bor,
Shukur, boshimizda millat mardi bor,
Ulug' niyatlarga imkonsan, Vatan,
Ko'ksimni tog' etgan osmonsan, Vatan.



QALB KO'ZI

Dunyoda ko'zlar ko'p, mehru vafoda
Oqillar, oriflar, odillar ko'zi.
Qahru qabog'ini qilar ifoda,
Qosirlar, qotillar, johillar ko'zi.

Bir ko'z bor, shubhasiz poklik timsoli,
Yuzida nur yongan bolalar ko'zi.
Qirlarni qalqitgan quvonch visoli,
Bolalar ko'zi bu – lolalar ko'zi.

Onalar ko'zining oftobi o'zga,
Otalar ko'zida duo nuri bor.
Opa-singil desam, bol kirar so'zga,
Bu ko'zlar tubida mehr qo'ri bor.

Go'zallar ko'zlari betimsol olam,
Boqqanda odam ne, oftob entikar.
Ular kulsalar ham, yig'lasalar ham,
Chashmi siyohidan faqat nur to'kar.

Vale ko'zlar ichra eng sohir nigoh,
Odamizot uchun bu qalbning ko'zi.
U hamisha uyg'oq, hamisha ogoh,
Chunki undan boqar Xudoning o'zi.



ELLIKQAL'A SOG'INCHI

Kim xush ko'rmas, ayting, yoronlar,
Suhbatida nur bor davrani.
Tuprog'ida ming yillik shonlar,
Sog'ingandik Ellikqal'ani.

Bu sahrolar, bu cho'llar ichra,
El oridan tiklar qal'ani.
Har qal'ada tiz cho'king picha,
Sog'ingandik Ellikqal'ani.

Mehridaryo, fidoyi jonlar,
Bo'ston qilgan biydek dalani.
Bunda yashar tug'ma mezbonlar,
Sog'ingandik Ellikqal'ani.

Bu hikmatgo'y qal'alar aro
Kim unutar yurgan pallani.
Xush niyatlar bo'lg'usi ravo,
Sog'ingandik Ellikqal'ani.

Boshlang do'stlar, qutlug' kun sabab,
Mushoira, avji yallani.
Shukur, diydor bo'ldi musharraf,
Sog'ingandik Ellikqal'ani.

Yuraklarga ko'milgan shoir,
Ko'ngillarda qurar qal'ani.
Muhammadning ruhidek biz ham,
Sog'ingandik Ellikqal'ani.



GO'ZALLIK

Men seni tingladim, go'zallik,
So'zlaringni surtdim ko'zimga.
Sen xilqatsan, mingta g'azallik,
Men to'zim tilayman o'zimga.

Senga boqib qumdek to'kilsam,
Ko'zim tinar, tildan qolaman.
Uyat bo'lar, axir, o'kinsam,
Nahot tolsam, nurdan tolaman?

Oh go'zallik, sening yuzingda
Men zarradek gardni ko'rmadim.
Vodarig'o, sening izingda
Tiz cho'kmagan mardni ko'rmadim.

Mayli, yasha, so'lma umrbod,
Kim xush ko'rmas zohirda kulsang?
Vale aytsam, imonga najot,
Mangu baxtdir botinda bo'lsang.





BAHOR SOG'INCHI

Men kuzning ko'ksidan xazon sidirdim,
Qishning ko'zlarini xushlamoq uchun.
Qahraton bag'rida muzni iydirдим,
Bahor qo'llaridan ushlamoq uchun.

Sog'inchlar sachradi ko'nghim ko'zidan,
Xayolim bog'ida gullar ochildi.
Bahor isi kelar shoir so'zidan,
Qalamim uchidan atir sochildi.

Qorlar ham Tangrining oppoq tilagi,
Zamin yuragini yuvgani yog'ar.
Ammo umid guli – bahor chechagi,
Ko'rsang, uchib ketar ko'ksingdan dog'lar.

Qishning oq pardasin ortida bahor,
Gullarni dastalab diydor kutadi.
Asli bu diydorga barcha intizor,
O'n sakkiz ming olam bahor kutadi.





BILADI

Bizdan balandroqda osmon turadi,
Undan yuksaklarda orzular uchar.
Ko'klagan har ko'ngil xandon uradi,
Burgutlar ko'klarda g'ururin quchar.

Olisni ko'zlasang, vujuding nigoh,
Oyoqlar ostida o'ralamaysan.
Tog'ni yelkasidan tushirmas tuproq,
Burgutsan, chumchuqni yaralamaysan.

Umiding ko'nglingdan uzilmas zinhor,
Ko'ksing samosida quyosh porlaydi.
Intilsang, har ishda O'zi madadkor,
Yashashga, kurashga, oldga chorlaydi.

Inson tafakkurdan yaralgan tilsim,
Aql tig'i bilan toshni tiladi.
Mayli ko'kda uchsini yo yerda yursin,
Tangri ne bildirsa, shuni biladi.





DIYDOR NURI

Inson yuzin oftob qilgan,
Yurak qo'ri, dil sururi.
Hijron so'zin sarob qilgan,
Diydor nuri, diydor nuri.

Xushlaganni xumor kutgan,
Sog'inganni kim unutgan,
Tabassumga tumor tutgan,
Diydor nuri, diydor nuri.

Otang kutsa or yig'laydi,
Onang kutsa zor yig'laydi,
Izlaringda bor, yig'laydi,
Diydor nuri, diydor nuri.

Beparvoning bog'i bo'lmas,
G'urursizning tog'i bo'lmas,
Odam o'lar, sog'inch o'lmas,
Diydor nuri, diydor nuri.

Kim xush ko'rar so'lgan gulni,
Ohi ummon, yolg'iz tulni,
Cho'g'lantirar o'chgan kulni,
Diydor nuri, diydor nuri.

Quyosh ko'rgan ko'zdagi nur,
Ko'rishganda yuzdagi nur,
Xush tilakda so'zdagi nur,
Diydor nuri, diydor nuri.



YOT BO'LMASIN

Tili bolli bo'lsin odam,
Dilida hech dod bo'lmasin.
Sodiq do'sti bo'lsin har dam,
Yaqinlari yot bo'lmasin.

Bu dunyoga nadir ustun,
Qarindoshga qadr ustun,
Baxtlilarning baxti butun,
Yaqinlari yot bo'lmasin.

Orli bo'lsa odam asli,
Nomard bo'lmas, bo'lmas qasdli,
Yodda tutar yetti nasli,
Yaqinlari yot bo'lmasin.

So'rab borsang sabog'i yo'q,
Tilib borsang tirnog'i yo'q,
Yo'qotganga uvog'i yo'q,
Yaqinlari yot bo'lmasin.

Ay, yotlardan yori borlar,
Tug'ishgandan zori borlar,
Qiyomatda dori borlar,
Yaqinlaring yot bo'lmasin.

Sabr borki, sadosi bor,
Jabr borki, jafosi bor,
Mahmud she'rin shifosi bor,
Yaqinlari yot bo'lmasin.



BU KO'ZLAR

Ey siz, dunyo koshonasining
Osmonida balqib turganlar.

Ey siz, dunyo ostonasining,
Poylarida qalqib turganlar.

Eysiz, yashash baxtidan masrur,
Bir imoda oyni olganlar.

Ey siz, yashab, yo'qotib g'urur,
Yashashdan ham to'yib, tolganlar.

Ikki dilning ikki olami,
Ikki dunyo arosindadir.

Iymon tutgan dardning malhami
Yuraklarning yarosindadir.

Bo'zlamogga hojat yo'q endi,
Tuproqqa teng to'kilgan so'zlar.

U xudomas, banda-da, ko'ndi,
Kech ochildi faqat bu ko'zlar.





RAYHON ISI

Nabiram Shukrullohga

Ajdoddan iftixor – qanchalar go‘zal,
Avloddan iftixor – shunchalar go‘zal,
Farzandlar baxtimiz – u nuri azal,
Tegramda quvonchlar gir-gir yeladi,
Nabiramdan rayhon isi keladi.

Ko‘nglim-a, ko‘klarda etadi parvoz,
Ushalgan orzular – quyoshga qiyos,
Chaqaloq yig‘isi bu na xush ovoz,
Shukrim shalolasi toshni tiladi,
Nabiramdan rayhon isi keladi.

Oydin oqshomlardan to‘kilgan nurdek,
Ko‘ngillar bog‘iga ekilgan guldek,
Belanchak boshiga qo‘ngan bulbuldek,
Ko‘rib ko‘zlarimda ko‘klam kuladi,
Nabiramdan rayhon isi keladi.

Dunyo tabassumi ota yuzida,
Olam ovunchlari ona so‘zida,
Endi hayot bordir bosgan izida,
Biri oftob, biri oydek to‘ladi,
Nabiramdan rayhon isi keladi.

Tumorni tangrining o‘zidan tilab,
Bobosi she‘r bitdi umrini so‘rab,
Ulg‘aysin Vatanning koriga yarab,
Er yigitning baxti elda bo‘ladi,
Nabiramdan rayhon isi keladi.



SINOV

Oyning yuzidagi dog'ni sidirdim,
Ko'nglim ko'zidagi yog'ni sidirdim,
Tongga tumor bo'ldi bir tiniq tunlar,
O'zimdanda o'zimni shundoq qidirdim.

Tongda meni yo'qlab yellar keldilar,
Sochimni silashga qo'llar keldilar.
Qoshimda onamning ruhi turarmi,
Ko'zlarimdan toshib sellar keldilar.

Sinovga qurilgan ekanmi hayot,
Ayt, ovga qurilgan ekanmi hayot,
Shukrim sharbatidan sarhushman buncha,
Sinovning mevasi bilsang, bu bayot.

Boshimdan g'iybatning tog'in sidirdim,
Xazondan yo'limning bog'in sidirdim,
Meni yo'qlab keldi haqiqat horg'in,
Umrinning bolalik chog'in qidirdim.

Oqilsan, orifsan, o'ylatar hayot,
Oshiqsan, orom yo'q, kuylatar hayot.
Ilkingdan uzmasang poklikni, Mahmud,
Ko'zlarga tik qarab so'ylatar hayot.



UMR

Kuz shafqatsizdir, ha, unda shafqat yo'q,
Butkul xazon qilar yashil olamni.
U umid ko'kida so'nayotgan cho'g',
Umrin yodga solar har bir odamni.

Demak boqiy emas, bahor quvonchi,
Yozning yondiriblar sochgan nurlari.
Osmonning ohidek bo'ralar, qarang,
Oppoq sochli qishning oppoq durlari.





SHONIMIZ SHU VATANDIR

To'rt faslidan dil to'lgan,
Vatan bizning Vatandir.
To'rt faslida nur kulgan,
Chaman bizning Vatandir.

Quyosh bilan qo'shni el
Bizning eldir, yoronlar.
Shukronadan dillar sel,
Bizning dildir, yoronlar.

Aytsam, yerdan osmon keng,
Dog' axtarsang oyda bor.
Tuprog'i tilloga teng
Bunday Vatan qayda bor?

Kimki bo'lsa xush matlab,
Sochqi sochar o'zbeklar.
Dunyoga tinchlik tilab,
Eshik ochar o'zbeklar.

Jondan jon bunyod bo'lsa,
Jonimiz shu Vatandir.
Shondan shon bunyod bo'lsa,
Shonimiz shu Vatandir.

Ajdodining yodiga
Chiroq yoqqan eldir bu.
Avlodining ko'ksiga
Tumor taqqan eldir bu.

Qilsak arzir iftixor,
Keldi qutlug' zamonlar.
Duosida tumor bor,
Bizning eldir, yoronlar.





HAQIQAT

Haqiqat, haqiqat, ey toza xilqat,
Ko'zim ko'zgusida ko'rdim men seni.
Dilim yog'dusida ko'rdim men seni,
Biram tiniqsanki, sen nursan qat-qat,
Tongim tuyg'usida ko'rdim men seni.

Haqiqat, haqiqat, ey toza xilqat,
Bormisan, ayt kimning osmonidasan?
Ballad...

O'zbekning boy bog'ida...

Haqiqat, haqiqat, ey toza xilqat,
Ushalgan umidlar tug'yonidasan,
Qaldirg'och ko'shk solgan ayvonidasan,
Sen xushnud xabarsan, sen baxtga tilxat,
Adolat sohibin farmonidasan.

Haqiqat, haqiqat, ey toza xilqat,
Tutashgan ko'zlarda kulgan oftobsan,
Tunda tongni kutgan oydin mohtobsan.
Sen asli har dilda uzilmas umid,
Har kim icholmagan zam-zami obsan.

Haqiqat, haqiqat, ey toza xilqat...



DA'VAT

Tongi tilaklarda Tangri tumori,
Gullarning ifori – ellarning yori,
Ayt, kimni tutmaydi bu tong xumori,
Agar tosh bo'lmasang to'lg'onganmisan,
Ayo do'st, uyg'on sen, uyg'onganmisan?

Ko'zdan ko'zga ko'char nurlar chamani,
Oh, tongi shabnamlar durlar chamani,
Kimni maftun etmas gullar chamani,
Ko'z tikib, entikib, quvonganmisan,
Ayo do'st, uyg'on sen, uyg'onganmisan?

Qumrilar soz tutib qoshingda turar,
Qaldirg'och ayvonda, boshingda turar,
Bolari gul o'pib, qandini urar,
Olov bo'lganmisan, hech yonganmisan,
Ayo do'st, uyg'on sen, uyg'onganmisan?

Barakaning boshi tongdan boshlanar,
«Uyg'on, bolam», degan bongdan boshlanar,
Halollik ko'ngildan, ongdan boshlanar,
Xush bir niyatingga cho'lg'onganmisan,
Ayo do'st, uyg'on sen, uyg'onganmisan?

O'zgalar baxtidan bahra olgan el,
Quvonganni ko'rsa, quvonchlari sel,
Seni tongdan safga chorlamoqda, kel,
O'zing o'zligingdan hech qonganmisan,
Ayo do'st, uyg'on sen, uyg'onganmisan?



OHANG

Tanbur chertilganda dil gapiradi,
Qirq mingga bo'linib qil gapiradi,
Turg'un Alimatni el gapiradi,
Gapirsa arziydi, qo'li gul edi,
Ul zot bulbul edi, dili gul edi.

Ohang nima o'zi, elning ohimi,
Kuyib kuydirguvchi dilning ohimi,
U gulning ohimi, kulning ohimi,
Turg'un Alimatning ohi bor edi,
San'at samosida mohi bor edi.

Sozining sehridan toshlar titraydi,
Kiprikka jon osgan yoshlar titraydi,
Kuyga aylanardi millatning dardi,
So'zda aytolmagan zori bor edi,
Oriyat ohangi beshumor edi.

Mayli «Segoh», «Girya», «Munojot» bo'lsin,
«Cho'li iroq», «Kuygay» asriy dod bo'lsin,
Betakror edi-da, ruhi shod bo'lsin,
Bu qanday ohangki, boli bor edi,
Tinglagan alifning doli bor edi.

Turg'un Alimatni el gapiradi,
Bog'dagi bulbullar, gul gapiradi,
Toshligidan tongan dil gapiradi,
Turg'un Alimat bir zavqi jon edi,
San'atdan topgani asil shon edi.



VATAN BU

Qad qalqisa yigitning tiklamoq imkonidir,
Or bilan yashaganlar oriyat posbonidir,
El o'g'loni azaldan jamiyatning jonidir,
Tonglarida tinchlikning sururi bor Vatan bu,
Mardlarida millatning g'ururi bor Vatan bu.

Tinchligini tutamlab, jonida saqlagan el,
Qadriyati, qadrini qonida saqlagan el,
Bobomeros shonini olamda oqlagan el,
Tonglarida tinchlikning sururi bor Vatan bu,
Mardlarida millatning g'ururi bor Vatan bu.

Adolat tug'in tutgan azizlar ajdodidir,
Azizlar yo'lin tutgan elning hur avlodidir.
Ellar aro ezgulik dildagi murodidir,
Tonglarida tinchlikning sururi bor Vatan bu,
Mardlarida millatning g'ururi bor Vatan bu.

Ozodligi ko'ksini osmonlarga teng qilgan,
Obodligi bag'rini dunyolarga keng qilgan,
Yurtboshisi xalqini tenglar ichra teng qilgan,
Tonglarida tinchlikning sururi bor Vatan bu,
Mardlarida millatning g'ururi bor Vatan bu.



HAVAS

Olamga soyani oftob yoymaydi,
Hasadning betini shabnam chaymaydi.
Har dilda bir olam havas bo'lsaydi,
Havas boshqacha-da, havas boshqacha.

Ko'zguga qo'l tegsa g'ubori qolar,
Yaxshining izidan xumori qolar,
Kimda nima bo'lsa, shu bori qolar,
Havas boshqacha-da, havas boshqacha.

CHimdim nur olamga oftob emasdir,
Sarkashlik savolga javob emasdir.
Hech kim hasadgo'ydek kazzob emasdir,
Havas boshqacha-da, havas boshqacha.

Olam tomoshaga qurilgan makon,
Bir yelkangda Rahmon, birida shayton.
Nafsingga quldirsan, Sabringga sulton,
Havas boshqacha-da, havas boshqacha.

Tikilsa tog'larni yiqar ba'zilar,
Osmonga narvonsiz chiqar ba'zilar,
Nigohingdan aqling uqar ba'zilar,
Havas boshqacha-da, havas boshqacha.

Tengni tengi bilan ko'rsin bu dunyo,
Kengni kengi bilan ko'rsin bu dunyo.
Mahmud, sendan nari hasad, kin, riyo,
Havas boshqacha-da, havas boshqacha.



BU DUNYO

Tikilgan tosh bilan tillasha olar,
Kimdir pusib yotib, qo'lga tosh olar,
Kimdir tosh ko'rmayin ko'zga yosh olar,
Bu dunyo har jonning ovvorasidir,
Kimga yor va kimning bechorasidir.

Saodat egasi baxtidan sarkash,
Kimga diydor nasib, yor ila dilkash,
Kimdir bo'zlab yotar, chor-nochor yakkash,
Bu dunyo baxtlining boshida turar,
Ojizning ko'zlarin yoshida turar.

Orzu har damingga hamroh bo'ladi,
Armon azobingga guvoh bo'ladi,
Arosat ham bitta gunoh bo'ladi,
Bu dunyo arosat ahlin xushlamas,
Cho'ksang qo'llaringdan aslo ushlamas.

Bu dunyo beshafqat, turfa bazmi bor,
Nadomat atalmish nag'ma, nazmi bor,
Qarzi bo'lsa bir o'limdan qarzi bor,
Bu dunyo kuzatib kuymagan dunyo,
Bu dunyo vidoga to'ymagan dunyo.



KUYGAN DIL

Kuygan ko'ngillarda kuygan dil ko'rdik,
Kuyib ketganmi ul, siqim kul ko'rdik.
Martaba, dedilar, keldi-yu ketdi,
O'shal martabani biz bir pul ko'rdik.

Kuygan ko'ngillarda kuygan dil ko'rdik,
Kuyib kuydirganmi, bir bulbul ko'rdik.
Nogoh bog' oralab kelar edi ul,
Biz gulning qo'lida dasta gul ko'rdik.

Kuygan ko'ngillarda kuygan dil ko'rdik,
Mutlaq abgor edi, sitam, sil ko'rdik.
Qalb ko'zing ko'rmasa dunyo tangu tor,
Ko'ngilga sig'magan ajib qil ko'rdik.

Kuygan ko'ngillarda kuygan dil ko'rdik,
Chehrami yo oftob, nur – butkul ko'rdik.
Bu iymon nuridir, dedilar bizga,
O'zi siniq edi, Haqqa qul ko'rdik.





KOR

Tilak toza bo'lsa toshga kor qilar,
Qalam tim qarodir, qoshga kor qilar.
Mehrki, ko'ngildan uzilmay chiqsa,
Ko'zdagi shashqator yoshga kor qilar.

Oqibat umrimiz izidagi gul,
Muruvvat ko'nglimiz ko'zidagi gul.
Yaxshilik koridan kim murod topsa,
Dunyoga tabassum so'zidagi gul.

Saodat sabosi savobning kori,
Bekka ham beminnat oftobning kori,
Bug'doy non yo'q joyda, bug'doy so'z topsang,
Ba'zan tilloga teng javobning kori.

Izsiz ketmagaydir dunyoda hech kor,
To'g'rini to'g'ri der, inkorni inkor.
Vale, har kishiga bir kor yarashgay,
Yaxshilik yodida yashash iftixor.





OSHIQ DIL

Unutma, har dilning ostonasi bor,
Kirolsang, ko'rgulik koshonasi bor.
Har dil o'z ko'shkiga o'zi sultondir,
Maysiz ham murodgo'y mastonasi bor.

Oynasin yuzida gulning pardasi,
Guldan yaralgaydir dilning pardasi.
Bulbul ko'zlaridan sachragan shabnam,
Ul oyna yuzida yomg'ir zarrasi.

Har dilning chashmai zam-zami bordir,
Bir emas, ming dardga malhami bordir.
Sen unga chok tushgan jom bilan kirma,
Nopokni sil qilar sitami bordir.

Oshiqlik har dilning kori aslida,
Alifni dol qilgan zori aslida.
Bandaga Tangrining ulug' tuhfasini,
Unda oshiq dilning bori aslida.





JUFTLIK

Ul qoshki, qarolik ziynati erur,
Ul dilki, yaroliq tiynati erur.
Oshiqki, dunyoda beparvo yursa,
Bu uning kulfati, kulfati erur.

Jon chekkan jon uchun jonon yarashgay,
Ne hikmat, qay gulga tikan yarashgay.
Juftin so'radimgi, Momo Yerdan sen,
Unga ham toabad osmon yarashgay.

Juftlik – bu dunyodan judolik emas,
Neda nasl yo'qdir, sadolik emas.
Oy ham kun bag'ridan uzilgan parcha,
Yakkalik Ollohga fidolik emas.





BAYRAM HAMISHA

Butkul bahor xayol bog'ida,
Aqlim deydi: – Ko'rganing tush-a?..
Men yonaman gul o'chog'ida,
Bahor bizga bayram hamisha.

Sog'inchlarim sarhad bilmaydi,
Dilim o'zga bir dard bilmaydi,
Deydi, deydi, bahor bo'lsaydi,
Bahor bizga bayram hamisha.

Boshda bahor oftobi bordir,
Ko'ngil to'la shitobi bordir,
Diydamda ham xush obi bordir,
Bahor bizga bayram hamisha.

Maysalari murodimizdir,
Yomg'irlari bayotimizdir,
Bahor go'zal hayotimizdir,
Bahor bizga bayram hamisha.

Gala-gala qushlar keladi,
Dala-dala qo'shlar keladi,
Qush tilida salom yeladi,
Bahor bizga bayram hamisha.

Bahor sizga muborak bo'lsin,
Bahor bizga muborak bo'lsin,
Har bir tilda xush tilak bo'lsin,
Bahor bizga bayram hamisha.

**SHE'RLARIMGA UMR
SO'RAYMAN**

Xayollarim biram bokira,
Goh tunlarni tongga ulayman.
O'zim bilan ishim yo'q sira,
She'rlaringa umr tilayman.

Yaxshilarga yor bo'lsa ular,
Safda yursa nor bo'lsa ular,
Men ketsam ham bor bo'lsa ular,
She'rlaringa umr tilayman.

Sevishganlar oh deb o'qisa,
Tun qo'ynida moh deb o'qisa,
So'ng o'zlari she'rlar to'qisa,
She'rlaringa umr tilayman.

El ichida elakdan o'tsa,
O'tsa har bir yurakdan o'tsa,
Yaxshi degan tilakdan o'tsa,
She'rlaringa umr tilayman.

O'qiganning yodida tursa,
Dardi bo'lsa, dodida tursa,
Yo'qotmasa, yonida yursa,
She'rlaringa umr tilayman.

So'rayverdim, ko'p so'rdim juda,
Netay dilim o'shal ohuda,
Yozganim yo'q axir, behuda,
She'rlaringa umr tilayman.



BARQAROR BAXT

Sharaf qaydan, shon qaydan kelur,
Joni fido avlod bo'lmasa.
Aytgin, odam qanday yuksalur,
Vatan ozod, obod bo'lmasa.

Yuzi yorug' bir millat qayda,
Olam bilgan bu qudrat qayda,
Bu shon-shuhrat, bu davlat qayda,
Vatan ozod, obod bo'lmasa.

Ajdodlarning ohi tog' bo'lgan,
Har kunida ming so'roq bo'lgan,
Bormi axir, yayragan, kulgan,
Vatan ozod, obod bo'lmasa.

Dunyalarga bo'ylab bo'lurmi,
Baxt haqida o'ylab bo'lurmi,
Tinchligimiz kuylab bo'lurmi,
Vatan ozod, obod bo'lmasa.

Shukur elim, baxting barqaror,
Tinchligingga jonimiz tumor,
Qayda edi bunday iftixor,
Vatan ozod, obod bo'lmasa.



FE'L

Bu hikmat takrordir ko'p ellar aro,
Har tilda har turli bergaydir sado.
Bugun ham aytilur bu mulki ma'no,
Bandasin fe'lini keng qilsin Oллоh.

Kengga keng, tor uchun tor bo'lgan dunyo,
Nokaslar dastida xor bo'lgan dunyo,
Bitta fe'li kengga zor bo'lgan dunyo,
Bandasin fe'lini keng qilsin Oллоh.

Yaxshilik bir oftob Sharqdan tarqalar,
Bir mayiz – qirq bo'lsang, qirqqa tarqalar,
Ey siz, chang ko'rmagan oppoq yoqalar,
Bandasin fe'lini keng qilsin Oллоh.

Bizlar Bahouddin Balogardondan,
Hazrat Amir Temur sohibqirondan,
Baraka topganmiz bir burda nondan,
Bandasin fe'lini keng qilsin Oллоh.

Eslasang tantining yodi boshqacha,
Nokasni non urgan, dodi boshqacha,
Siz bilgan bir gapni aytdim-da, picha
Bandasin fe'lini keng qilsin Oллоh.



SHAYTON SHARHI

Chayonning tilagi nishi sinmasin,
Tikanning tilagi tishi sinmasin.
Shaytonda sharm yo'q, o'ylagani shu –
Yaxshining toabad ishi unmasin.

Yuz yil naridan ham yuzi qarolar
Ruhi balosidan sochar jafolar.
Yaxshiyam yaxshilar yashar dunyoda,
Ularning borligi raddi balolar.

Omonat dunyoning omonati dil,
Yomonning niyati, xiyonati dil,
Nojinsning dilida dil ham dilpora,
Yaxshining yomonga bayonoti dil.

Olam tinch, osmon ham oftoblangaydir,
Yaxshilar tinchlik deb shitoblangaydir.
Shayton shayton erur qiyomatda ham,
Tavqi la'nat ila xitoblangaydir.





YASHAYAPMIZ

Biz oy bilan dog' talashmadik,
Biz baxt bilan bog' talashmadik,
Burgut bilan tog' talashmadik,
Bor boricha, boriga bozor,
Yashayapmiz, Oллоh o'zi yor.

Shoir biz-da, sharobimiz bor,
Bo'lsa to'rtta kitobimiz bor,
Vale dilda oftobimiz bor,
Biz boridan qilmaganmiz or,
Yashayapmiz, Oллоh o'zi yor.

Bu dunyoning kami to'lmagan,
Oltin olma, duo ol degan,
Onam ketgan, qaytib kelmagan,
Dilni o'rtar, faqat sog'inch, zor,
Yashayapmiz, Oллоh o'zi yor.

Dil to'ladi ko'zim to'lganda,
She'r bo'ladi so'zim to'lganda,
Nima bo'lar o'zim to'lganda,
Bu savolni aytmayman takror,
Yashayapmiz, Oллоh o'zi yor.

Yurishibdi oyni olganlar,
Tulpor toyib, toyni olganlar,
Dili qurib soyni olganlar,
Oladi-da, omadlari bor,
Yashayapmiz, Oллоh o'zi yor.

Goh-gohida qilganda alam,
Jism-u jonim tilganda alam,
Onam derdi: – Til tishla, bolam,
Tishlarimda hali bor mador,
Yashayapmiz, Olloh o'zi yor.





YO'Q, SIZ O'LMAGANSIZ

Mening ikki ko'zim, ikki qarog'im,
Ikki dunyo ichra so'nmas chirog'im,
Ko'ksimni o'rtaydi bugun so'rog'im,
Ketdimi, shu rostmi, birga yo'l olib,
Erkin Vohid ila Abdulla Orif.

She'riyat – ko'ngilning ko'zidagi nur,
She'riyat insonning so'zidagi nur,
She'r asli shoirning o'zidagi nur,
Izlaringiz izlar har nazmi tolib,
Erkin Vohid ila Abdulla Orif.

Alam qo'sha chiqdi o'zin chohidan,
She'riyat ayrildi oftob, mohidan,
Osmon pastlab ketdi millat ohidan,
Ko'ngillar ko'shksizdir, biz sizsiz qolib,
Erkin Vohid ila Abdulla Orif.

O'zbekka o'zligin ko'rsatgan zotlar,
Hikmatgo'y so'zligin o'rgatgan zotlar,
Endi O'zbekiston oh ichra yodlar,
Kim ma'yus, kim sokin, ko'zga yosh olib,
Erkin Vohid, deydi, Abdulla Orif.

Boqiy so'z mulkiga sulton Navoiy,
Qalam ahli uchun iymon Navoiy,
Sizni chorladimi bu on Navoiy,
Jannat bog'chasida parto'shak solib,
Kel, deydi, Erkinim, Abdullam Orif.

Ey voh, huvillatib she'riyat uyin,
Manguga ketdingiz oldinma keyin.
Alvido, demoqlik bunchalar qiyin.
Yo'q, siz o'lmagansiz, o'limdan g'olib,
Erkin Vohid ila Abdulla Orif.





O'ZBEK YO'LI

Tarixiy kun asli tarix ko'zgusi,
Ushaldi millatning asriy orzusi,
Tog'ni yorib o'tdi hurlik yog'dusi,
Bobolardan meros armon yo'li bu,
O'zbek qayta ochgan jahon yo'li bu.

Yurtboshi tilagi dilga yor bo'ldi,
Bir yuz o'ttiz millat – elga yor bo'ldi,
Mustaqil davlatga iftixor bo'ldi,
Buyuk ipak yo'li – karvon yo'li bu,
O'zbek qayta ochgan jahon yo'li bu.

Farg'ona, Namangan, Andijon ahli,
Bu yo'l – millat ahdi, vodiyning baxti,
Buyuk O'zbekiston, o'zlikning shaxti,
Elektr sim poyezd – zamon yo'li bu,
O'zbek qayta ochgan jahon yo'li bu.

Bu po'lat qo'llarning po'lat belbog'i,
Tolqondek to'kildi dunyoning tog'i,
Unda yonib turar tinchlik chirog'i,
Xush niyat elimning imkon yo'li bu,
O'zbek qayta ochgan jahon yo'li bu.

Bu yo'llar – sabrimiz sadosin yo'li,
Bu yo'llar – Navoiy navosin yo'li,
Hazrat Amir Temur duosin yo'li,
Ruhlar shodon yurgan osmon yo'li bu,
O'zbek qayta ochgan jahon yo'li bu.

Angren-Pop yo'li – dunyo hayrati,
Millat murodi bu – davlat qudrati,
«O'zbek modeli»ning bitta ibрати,
Madh-u madhiyaga doston yo'li bu,
O'zbek qayta ochgan jahon yo'li bu.





KITOB KERAQDIR

Suvrat asli nurni siyaratdan olur,
Siyrat esa ilm-u hikmatdan olur,
Odamdan ezgulik, muhabbat qolur,
Saodat sayliga savob kerakdir,
Ko'ngilning mayliga kitob kerakdir.

Kitob – dil bog'ida gulning rangidir,
Kitob – otash ichra dilning rangidir,
U – qalbning kamoli, aql jangidir,
Ko'kni ko'zlaganga xitob kerakdir,
O'zni izlaganga kitob kerakdir.

O'qigan, uqqanga eli ergashgay,
Oqil yo'lga chiqsa yo'li ergashgay,
Jannatday jilmayib cho'li ergashgay,
Savol yuz ochganda javob kerakdir,
Javob jarangiga kitob kerakdir.

Kitob – bu osmonning o'ziga narvon,
Kitob – bu jahonning ko'ziga narvon,
Tirik tarixlarning so'ziga narvon,
Tunda talpinganga mohtob kerakdir,
Kunday kulay desang kitob kerakdir.

Olam olamligin bilmoq uchun ham,
Odam odamligin bilmoq uchun ham,
Qilni qirq tilimga ilmoq uchun ham,
Tig'ni tutguvchiga shitob kerakdir,
Tug'ni tutguvchiga kitob kerakdir.



KAMOL

Ko'ngil bilan ko'z ko'rishadi,
Tuyg'u bilan so'z ko'rishadi,
Har narsaga nigoh muqarrar,
Taom bilan tuz ko'rishadi.

Dillar ichra dil dostoni bor,
Gullar ichra bulbul shoni bor,
Oy-u quyosh, yulduzlarning ham,
O'z ko'zgusi, o'z osmoni bor.

Goh-gohida o'ylab qolaman,
Aslida-ku, o'ylab tolaman.
Nima bordir osmondan nari,
Qay ko'zguda Yerning mehvari.

Tilga chiqar dilning savoli,
Neki go'zal, Oллоh jamoli,
Har zarradan koinot qadar,
Yaratganning o'zin kamoli.





G'UBOR

Ko'ngillarga g'ubor ko'kdan tushmaydi,
Ko'ngillarga g'ubor ko'ngildan tushar.
Toshmehr odamda dil uvishmaydi,
Ming asr o'tsa ham tosh toshga o'xshar.

Ko'ngillarga g'ubor ko'kdan tushmaydi,
Mehr-u muhabbatdan yaralgan bashar.
Dunyo kulib turgan dilga o'xshaydi,
Boqsang to'rt tomondan faqat par to'shar.

Ko'ngillarga g'ubor ko'kdan tushmaydi,
Va lekin Ko'kning ham bir sharti bordir.
Odam yashar ekan, olam yashaydi,
Dilning mehr otliq hamdardi bordir.





TAVBA

Ilg'adim nogahon toshlar shivirin,
Dilgir dil, egilgan boshlar shivirin.
Qabog'im qalqitib, ko'zimdan oqqan,
Yuzimni yondirgan yoshlar shivirin.

Bu shivir shamolning shaklidan darak,
Ko'nglimning noo'rin jahlidan darak.
Tavbalar tizlashib turardi bunda,
Vujudim kech topgan aqlidan darak.

Yallolar bazmida ekan bu dilim,
Xatolar azmida ekan bu dilim.
Endi ko'zyoshidan najot axtarib,
Nadomat nazmida ekan bu dilim.

She'rga siyoh bo'ldi shu ko'ngil qoni,
Shu qalam uchinda ko'ngilning joni.
Takror aytsa tavba qabulmas, ey dil,
Bu tavba umringning so'ngi imkoni.





PIRLAR SO'ZI

Avliyolar ohi bo'lgan so'z,
Anbiyolar mohi bo'lgan so'z,
La'in shayton chohi bo'lgan so'z,
Ichingdagi dushmanni o'ldir.

Jon ichinda jamoling bo'lgan,
Go'yo baxting, kamoling bo'lgan,
Qiyomatda savoling bo'lgan,
Ichingdagi dushmanni o'ldir.

Nasibangda, noningda turgan,
Qayga borsang, yoningda yurgan,
Ammo tig'ni ortingdan urgan
Ichingdagi dushmanni o'ldir.

Har daqiqa shoning so'ragan,
Vale zimdan joning so'ragan,
Niyati-yu o'zi nuragan
Ichingdagi dushmanni o'ldir.

Chiroyliman, chaqqonman degan,
Men qudratman, vulqonman degan,
Qiyomatda qalqonman degan
Ichingdagi dushmanni o'ldir.

Oring bo'lib, oringni olgan,
Zor-zor bo'zlab boringni olgan,
Oxiratda doriga solgan
Ichingdagi dushmanni o'ldir.

Mayli, aytib tolmagin, Mahmud,
Haq yo'lidan qolmagin, Mahmud,
Olma, so'zin olmagin, Mahmud,
Ichingdagi dushmanni o'ldir!





BOSHLAB BORADI

Go'zallikni istagan inson
Ko'ngilga ko'z tashlab boradi.
Guldan go'zal gullarga inon,
Bahor bizni boshlab boradi.

Orzularning osmoniga ham,
Tuyg'ularning bo'stoniga ham,
Ishq dardining darmoniga ham
Bahor bizni boshlab boradi.

Bulutlarning ko'zin yoshiga,
Bulbullarning so'zin yoshiga,
Qaldirg'ochning qaro qoshiga
Bahor bizni boshlab boradi.

Oy oralab boqqan yulduzga,
Guldan oldin kulgan ildizga,
Kechalardan uzun kunduzga
Bahor bizni boshlab boradi.

Sumalakning shifolariga,
Momolarning duolariga,
Go'zallikning ziyolariga
Bahor bizni boshlab boradi.

Yo'l ichinda yo'l istasangiz,
Gul ichinda gul istasangiz,
Dil ichinda dil istasangiz,
Bahor bizni boshlab boradi.



JON FIDOLAR KERAK

Davraga chorlaymiz do'st-u yorlarni,
Birga kuylaydigan zavqi borlarni,
Hurligidan hurram baxtiyorlarni,
Xush navolar kerak obod Vatanga,
Jon fidolar kerak ozod Vatanga.

Bu kunlarni, axir, kutganlar qancha,
Bu kunlarga yetmay ketganlar qancha,
Yoqosini alam tutganlar qancha,
Xush navolar kerak obod Vatanga,
Jon fidolar kerak ozod Vatanga.

Bir donni bir xirmon qilgan, dehqon el,
Vatanni guliston qilgan, bog'bon el,
Tinchlik tilaganga abad mezbon el,
Xush navolar kerak obod Vatanga,
Jon fidolar kerak ozod Vatanga.

Chorak asr o'tdi, hurlik oftobi,
Bu «o'zbek modeli», nurning shitobi,
Qutlab turganida do'st-u ahibobi,
Xush navolar kerak obod Vatanga,
Jon fidolar kerak ozod Vatanga.

Ulug' ajdodiga xos yo'lga chiqqan,
Dunyo rivojiga mos yo'lga chiqqan,
Barkamol avlodlar o'qigan, uqqan,
Xush navolar kerak obod Vatanga,
Jon fidolar kerak ozod Vatanga.

Qo'lni qo'lga berib kuylaylik, do'stlar,
Faqat yaxshilarga bo'ylaylik, do'stlar,
Dunyo tinchligini o'yaylik, do'stlar,
Xush navolar kerak obod Vatanga,
Jon fidolar kerak ozod Vatanga.





GO'ZALSAN, BETAKRORSAN

Tinchlikdan nurafshon umrimiz tongi,
Hur eldan taralgay shodlik jarangi,
Vatanda tovlanjay muhabbat rangi,
Go'zalsan, betakror, sharafim, shonim,
Jonim senga fido, O'zbekistonim.

Taqdir tarixingda xorlagani rost,
Butun bir millatni zorlagani rost,
Yaratganning o'zi yorlagani rost,
Jahonga yuz ochgan nurli jahonim,
Jonim senga fido, O'zbekistonim.

Hech kimga yukunmay bo'ylagan nihol,
Yigirma besh yilda ko'kdagi hilol,
Ey jannat o'lkasi, ey oftobjamol,
Muqaddas Vatanim, ori osmonim,
Jonim senga fido, O'zbekistonim.

Olam havasini keltirgan diyor,
Tinchlik nafasini yeldirgan diyor,
Yurtboshi el uchun mangu iftixor,
Ham ozod, ham obod, aziz oshiyonim,
Jonim senga fido, O'zbekistonim.



MUHABBAT YASHAR

Jon chekmasang, jonona qayda,
Botmon dema, bir dona qayda,
Ishq yo'q joyda afsona qayda,
Maftun bo'ldik, mamnun bo'lmadik,
Ming yil o'tdi, Majnun bo'lmadik.

Biz sevishni bilmadik chog'i,
Sevilishni bilmadik chog'i,
Ko'rinmaydi yurakning dog'i,
Oh-voh dedik, hech xun bo'lmadik,
Ming yil o'tdi, Majnun bo'lmadik.

Gul tutdig-u, dasta-dastalab,
Dil tutmadik bir orastalab,
Yuribmiz-da, hamon xastalab,
Majnun chekkan bir un bo'lmadik,
Ming yil o'tdi, Majnun bo'lmadik.

Biz oqmadik oyning nurida,
Yo yonmadik yurak qo'rida,
Go'shanganing gulgun to'rida,
Layli ko'rdik, bir tun bo'lmadik,
Ming yil o'tdi, Majnun bo'lmadik.

Dehlaviydan duo keladi,
Nizomiydan nido keladi,
Navoiydan navo keladi,
– Ey siz bizning hur avlodimiz,
Oftob misol nur avlodimiz.

Layli bo'ling dil dudog'ida,
Majnun bo'ling nur sabog'ida,
Sahro sizdan samarlar olsin,
Qaro tunlar qamarlar olsin.

Odamiylik ilmi hayotdir,
Muhabbat bu – mangu kitobdir.





**SHUHRAT O'ZBEKONA,
SHON O'ZBEKONA**

Ey dunyo ko'ksida gullagan diyor,
Nechun madh etmayin, qilmay iftixor.

Hayratga solursan safda norlarni,
Qutlamoq baxt, axir, baxtiyorlarni.

Qadrin qalqon qildi yurt o'g'lonlari,
Azm-u shijoatli pahlavonlari.

Hasanboy quvonchlar ufqini ochdi,
Ilk oltin medalning nurini sochdi.

Ruslan dast ko'targan toshning salmog'i,
Bu yangi rekorddir, raqib titrog'i.

Shuhrat o'zbekona, shon o'zbekona,
Yonolsang, ayo do'st, yon o'zbekona.

Shahobiddin mushti nur, chiroq yoqdi,
Oriyat oltinin ko'ksiga taqdi.

Fazliddin mardlikning timsoli bo'ldi,
U millat yoshlarin kamoli bo'ldi.

Ular urgan zarbning har bir ovozi,
Bu Vatan shonining bo'ldi parvozi.

To'rt oltin to'rt mardning hayrat quyoshi,
Ko'zlarni kuydirdi quvonch ko'z yoshi.

Shuhrat o'zbekona, shon o'zbekona,
Yonolsang, ayo do'st, yon o'zbekona.

Shahrim shiddatiga havasda olam,
O'qishlab tolmaydi Bektemirni ham.

Ular yurt ertasi, niyati a'lo,
Ko'ksida kumushdan taralar ziyo.

Yetti bronzaning javlonlari bu,
O'nlab davlatlarning armonlari bu.

Temur bobosidan meros shonlari,
Hech kimdan kam emas yurt o'g'lonlari.

Yurtboshi da'vatin dilga solganlar,
Marrani hamisha baland olganlar.

Xush tilak, xush duo ijobati bu,
Qutlang, O'zbekiston saodati bu.

Shuhrat o'zbekona, shon o'zbekona,
Yonolsang, ayo do'st, yon o'zbekona.





HIKMAT VA IBRAT

Men moziydan hikmat so'radim,
Navoiydan madad so'radim.
Tuproq bo'lib hazrat poyida,
Hikmatidan bir gard so'radim.

Izlaridan chopayin, dedim,
Dilga davlat topayin, dedim.
Baringizning bitta ipini
Ruxsat bering, o'payin, dedim.

So'nmasin nurli dillar dedim,
Dilli bo'lsin bedillar dedim.
Bobolarim hikmatgo'y, orif,
Hikmatga zor ko'ngillar dedim.

Bobur balqib boshimda turdi,
Va lekin ko'z yoshimda turdi.
Dedi: – «Bo'tam, Vatan sog'inchi
Zahar bo'lgan oshimda turdi».

O'ngimdan ham bir oh keldi-da,
So'limdan ham bir oh keldi-da.
Ko'zlarimning ikki chetidan
Ko'z yosh emas, siyoh keldi-da.

Mashrab bo'lib dorda turibman,
Cho'lpon bo'lib zorda turibman.
Gul yoshimda kul qilsalar ham
Hur oh bilan orda turibman.

Bobolarim komil-u komron,
Bobolarim ashraf ul inson.
Hikmatidan ibratlar olib,
Hikmatlanib turibdi jahon.

Siz el ichra omon-omonsiz,
She'riyatda shohi jahonsiz.
Ta'zim Sizga, hazrat Navoiy,
Ta'zim Sizga, hazrati Bobur.

Siz o'zbekka shon ichra shonsiz,
Ori osmon O'zbekistonsiz!





MA'NO

Parvoz uchun dil kerak bo'lar,
Ovoz uchun til kerak bo'lar.
Yoqay desang gulruxsorga,
Ishq iforli gul kerak bo'lar.

Neki kerak, boqsang o'zingda,
Chirog'ing ham yoqsang o'zingda,
Tashna dillar dil jomin tutar,
Ma'no bo'lib oqsang so'zingda.





* * *

Ko'zingizni ko'zlaganim rost,
Izingizni izlaganim rost.
Yulduzlardan tumorlar tilab,
Hilolim deb bo'zlaganim rost.

Men shamoldan shakl so'rabman,
Kapalakdan jahl so'rabman.
Yuraginga yolvorib, nahot
Muhabbatdan aql so'rabman.





* * *

Shunchalar go'zalki, Rabbim, ilohi,
Har gul orazida uning nigohi.
Hayrat xitobidan tilimni tishlab,
Junun sahrosida kezaman gohi.

O'ylab o'ylaringa poyon topmayman,
Baxtning ko'chasida qandoq chopmayman.
Ko'nglim ko'zlariga yuzini ochgan
Ishqning otashida orom topgayman.





* * *

Men ko'kdan kuzatdim, go'zal Farg'ona,
Oqshom og'ushida nurdan mastona.
Tuprog'iga qadam qo'yishdan avval,
Boshida charx urdim misli parvona.

Ey gullar diyori, hikmat diyori,
Bir boqqan ko'zlarning mangu xumori.
Minglab ulug'larga beshik belagan
Sen Erkin Vohidning tillo tumori.





* * *

Bunchalar go'zalsan sevganing uchun,
Bunchalar baxtliman sevganim uchun.
Visolning qadrini qaydan bilsinlar
Unga oson etgan har bag'ri butun.

Baxtni betob qilgan sevgimiz uchun,
Ashkni gulob qilgan sevgimiz uchun,
Biz ming yil yashasak arziydi, jonim,
Ming yilda yaralsa bir bag'ri butun.





* * *

Samo etagida quyosh qizardi,
Lolarang ufqqa tashlabon nazar –
Deysan, ko'kda kimdir anor ezvordi,
Osmonning onasi balki non uzar...

Bu osmon siridir, bu quyosh siri,
Tashbehlar bir ajib gullab keladi.
Ajabki, zum o'tmay dunyoning Piri,
Oy bilan olamni nurga beladi.





* * *

Jonimni jilovlab o'zingga berdim,
Dilimni-ku, ovlab izingga berdim.
Boshimda baxt tilab turgan quyoshni
Ol gulim, iymanma, yuzingga berdim.

Isming iforidan rayhon sharmanda,
Jisiming jilosidan o't yonur tanda.
Zulfing tolasiga taqqan tumorim
Umringni tilashni qilmaydi kanda.





* * *

Men shuncha chidadim gulning qahriga,
Bolin bolarilar totib ketdilar.
Yellar ham to'ydilar obdon mehriga,
Xazon bo'lgach esa otib ketdilar.

Inson ham bir guldir, qiyosi go'zal,
Bahordek borini tutib ketadi.
Bu dunyo ko'zgusin qo'lga olguncha
Afsuski, bahori o'tib ketadi.





IMTIHON

Har onim jonimdan imtihon so'rar,
Har onim shonimdan imtihon so'rar.
Shoirlik sharafi sharob emasdir,
Har onim qonimdan imtihon so'rar.

Qalam qog'oz uzra qalqib boradi,
Tashbeh tumor tutsa balqib boradi.
Meni yo'qlab kelgan u ko'hna dardlar
Ko'nglimning ko'zida yurak yoradi.

She'r – bu shakli go'zal yurakdagi gul,
She'r – bu aqli go'zal tilakdagi gul.
Yuz yil yig'lab yozsang nochorsan, Mahmud,
She'r bo'lmay o'tadi tuvakdagi gul.





TONGGI TILAKLAR

Saharlarning sarrin yelidan
Yaratganning salomi kelar.
Maysalarning mayin tilidan
Shabnamlarning kalomi kelar.

Poklik erur tongning tilagi,
Uyg'oq dillar uvol ketmaydi.
Toshdan emas toshning yuragi,
Turtib qo'ysang, zavol ketmaydi.

Qush bilan qush ko'rishar tongda,
Xush bilan tush ko'rishar tongda,
Xudoyimning xush niyati bor,
Uyg'on, degan bir go'zal bongda.

Tinchlik tili tonggi tilaklar,
Dilning guli tonggi tilaklar,
Yaxshilarga tong diydorining,
Oppoq yo'li tonggi tilaklar.





MENING BAXTIM

Baxt haqida o'ylamoq ham bitta baxtdir,
Baxtlilarga bo'ylamoq ham bitta baxtdir.
Baxt avvali shukri bisyor el baxtidir,
Baxt haqida kuylamoq ham bitta baxtdir.

Onalarning duosidan baxt sochilar,
Otalarning duosidan yo'l ochilar.
Shu el bilan, shu yurt bilan mening baxtim,
Gar izimdan duolarga qo'l ochilar.

Sevmoq go'zal, sevilmoq-ku, ko'ngil zori,
Bu ham baxtdir, tutib tursa yor xumori.
Mening baxtim muhabbatning kuychisiman,
Ishq ahliga sozlangandir dilim tori.

Yurt tinchligin yog'dulari mening baxtim,
Ozod elning orzulari mening baxtim.
Ajdodlarim ruhi shod bu hur Vatanda,
Farzandlarim kulgulari mening baxtim.

Aytsam sizga o'zbekona lo'nda javob,
Biz hech kimdan kam emasmiz, zavqim oftob,
Mening baxtim – O'zbekiston farzandiman,
Bir yuz o'ttiz millat, elat do'st-u ahhob.

MUNDARIJA

Xush tilak.....	157
Sog'inch	158
Ibrat	159
Savoldagi savob	160
Oddiy she'r	161
Umrini tilang	162
Bulbuli bedor ekan	164
Yurtim timsoli	166
Hech kimdan kam emasmiz	167
Non yurti O'zbekiston	169
Ajiniyoz ardog'i	170
Tomgan tuyg'ular	171
Muallim	172
O'lan	173
Izhor	174
"O'tar kuning o'taverar..."	175
Niyat qil	176
Bahorning kelishi	177
Hamdam bo'laylik	178
Yayraysiz	179
Dunyo go'zal	180
Ma'rifat qasri	181
Qo'sh quvonch	182
O'zing qo'lla	183
Tuproqdan tashqari	184
Men tug'ilib o'sgan yurt	185
E'tirof	187
Or qilgay	188
Osmon uzoq	189
Saboq	190
Dil istagi	191

A'mol	192
"Men izlagan daryolar..."	193
Ko'ngilning yoshi	195
Asralsa asraydi	196
Ota kasb	197
Anglash	198
Umid	199
Savol	200
Oqil odam	201
Ayolga baxt tilang	202
So'z	203
Tog'da	205
Hayronlig'	207
Tilak	208
"Asragil dil diyonatini..."	209
"Dil bor ekan..."	210
Mulohaza	211
Ozod yurtidir O'zbekiston	212
Ov	213
Dard	214
Vatanda bo'lur	215
Bulbullar	216
Xush uyg'onar	217
Begonalik	218
Orzularim	219
Yo'l	220
Turnalarni sog'indim	222
Super ziqnaning aytganlari	223
Barkamol avlod	224
Sensiz	225
O'zbekiston	226
Tuhfa	228
Ajiniyoz ardog'i	229
Muhabbatdan boshqasi yolg'on	230
Nadir	231
Ko'ngil so'rang	232
"Dengizlarning dunyosini..."	233

Yomon	234
Duo	235
Yaxshi ekan	236
O'zlik	237
Qutlov	239
Vatan bo'lsa	240
Mehmon yayrasin	241
Kulgichingda kun kular	242
Vatan	243
Qalb ko'zi	244
Ellikqal'a sog'inchi	245
Go'zallik	246
Bahor sog'inchi	247
Biladi	248
Diydor nuri	249
Yot bo'lmasin	250
Bu ko'zlar	251
Rayhon isi	252
Sinov	253
Umr	254
Shonimiz shu vatandir	255
Haqiqat	257
Da'vat	258
Ohang	259
Vatan bu	260
Havas	261
Bu dunyo	262
Kuygan dil	263
Kor	264
Oshiq dil	265
Juftlik	266
Bayram hamisha	267
She'rlaringa umr so'rayman	268
Barqaror baxt	269
Fe'l	270
Shayton sharhi	271
Yashayapmiz	272

Yo'q, siz o'lmagansiz	274
O'zbek yo'li	276
Kitob kerakdir	278
Kamol	279
G'ubor	280
Tavba	281
Pirlar so'zi	282
Boshlab boradi	284
Jon fidolar kerak	285
Go'zalsan, betakrorsan	287
Muhabbat yashar	288
Shuhrat o'zbekona, shon o'zbekona	290
Hikmat va ibrat	292
Ma'no	294
"Ko'zingizni ko'zlaganim rost..."	295
"Shunchalar go'zalki..."	296
"Men ko'kdan kuzatdim..."	297
"Bunchalar go'zalsan..."	298
"Samo etagida..."	299
"Jonimni jilovlab..."	300
"Men shuncha chidadim..."	301
Imtihon	302
Tonggi tilaklar	303
Mening baxtim	304

ҚАЙДЛАР УЧУН

QAYDLAR UCHUN

Адабий-бадий нашр

Маҳмуд Тоир

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Мухаррир Ойдиннисо

Бадий муҳаррирлар Акбар Мамасолиев,

Шухрат Мирфаёзов

Техник муҳаррир Дилмурод Жалилов

Компьютерда саҳифаловчи Зилола Алиева

Нашр. лиц. АІ № 290. 04.11.2016.
2018 йил 20 февралда босишга рухсат этилди.
Бичими 80x100 1/32. Офсет босма.
Palatino Linotype гарнитураси.
18,0 шартли босма табоқ. 19,0 нашр табоғи.
Адади 1000 нусха. 99 - рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
иждодий уйида чоп этилди
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz **info@gglit.uz**



ISBN 978-9943-03-986-5



9 789943 039865